

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўл ёзма ҳуқуқида

УДК: 81'373.49 (.512.133).000.304

ГУЛЯМОВА ШАХНОЗА КАХРАМОНОВНА

**ЎЗБЕК ТИЛИ ЭВФЕМИЗМЛАРИНИНГ ГЕНДЕР
ХУСУСИЯТЛАРИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

илмий даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

**Илмий раҳбар: филология фанлари доктори, профессор
Менглиев Бахтиёр Ражабович**

Бухоро – 2020

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. ЭВФЕМИЗМЛАРДА ГЕНДЕР ХУСУСИЯТЛАРНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ	13
1.1. Тилшуносликда эвфемизм ҳодисаси талқини.....	13
1.2. Эвфемизмларнинг гендер ифодалаш хусусияти.....	30
1.3. Эвфемизмларда гендер маъно воқеланишида лисоний омилларнинг роли.....	51
Биринчи боб бўйича хулосалар.....	73
II БОБ. НУТҚДА ЭВФЕМИЗМЛАР ҚЎЛЛАШНИНГ ГЕНДЕР ХОСЛАНИШИ	75
2.1. Аёл жинсига оид эвфемизмларнинг лексик-семантик таснифи.....	75
2.2. Эркак жинсига оид эвфемизмларнинг лексик-семантик таснифи.....	86
2.3. Аёл ва эркаклар нутқида фарқланмайдиган эвфемизмларнинг лексик-семантик таснифи.....	95
Иккинчи боб бўйича хулосалар.....	105
III БОБ. ЭВФЕМИЗМЛАРДА ГЕНДЕР ФАРҚНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ОМИЛЛАР	108
3.1. Эвфемизмларда гендер маъно воқеланишининг прагматик омиллари....	108
3.2. Эвфемизмларда гендер маъно ифодаланишининг лингвокультурологик омиллари.....	123
3.3. Эвфемизмларда гендер маънонинг юзага чиқишида лисоний ва прагматик омиллар уйғунлиги.....	138
Учинчи боб бўйича хулосалар.....	144
Хулоса	145
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	148

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида лисоний имкониятлардан амалий фойдаланишга, тил бирликларининг нутқда қўлланиши ва маъно-вазифа хусусиятларини очиб беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мулоқот маданияти, ортология, нейролингвистика, юрислингвистика, амалий тилшунослик, лингвистик экспертиза каби амалий тилшунослик соҳалари салмоғи кун сайин ошиб бормоқда. Бу дунё миқёсида техник-технологик тараққиёт натижасида маънавий муаммоси долзарблашаётганлиги, мазкур муаммолар ечими марказида шахснинг нутқ маданияти, мулоқот салоҳиятини ривожлантириш турганлиги, тилга маънавийни юксалтирувчи воситалардан бири сифатида муносабатда бўлиш кучайиб бораётганлиги билан изоҳланади. Тилнинг бой ва гўзал ифода имкониятларидан бири бўлган эвфемизмлар родини кенгайтириш ижтимоий эҳтиёжга айланмоқда.

Дунё тилшунослигида тил ҳодисаларининг шаклланиш омили, этимологик манбаи, маъновий гуруҳи, функционал жиҳати, миллий-ментал хусусиятлари бўйича кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу эвфемизмларни ҳам ортологик ҳодиса ва маданий мулоқот воситаси сифатида гендер, ижтимоий, прагматик, лингвомаданий, лексикографик жиҳатдан чуқур ўрганишга имконият яратди. Тилларнинг генеологик ва морфологик қурилишларига боғлиқ равишда ҳар бир тилда эвфемик маъно фонетик, лексик, морфологик, синтактик, фразеологик, паремиологик ва новербал воситалар билан ифодаланади, эвфемик маънонинг намоён бўлишида ситуатив-прагматик ва ижтимоий омиллар мазкур лисоний воситалар билан яхлитлик ҳосил қилади. Шунинг учун эвфемашунослик бу яхлитликдаги мазкур омилларнинг ҳамкорлик даражаси, фонетик, лексик, грамматик омилнинг кучайиши прагматик, шахсий омиллар кучсизланиши эвазига содир бўлиши каби жиҳатларини лингвопрагматик тадқиқ қилиш йўналишларида чуқурлашиб бормоқда.

Ўзбек тилшунослигида ХХІ асрда шаклланаётган антропоцентрик лингвистик йўналишларнинг асосий вазифаси – инсонни тилда, тилни эса инсонда таҳлил қилишга йўналтиришдан иборат. Унинг диққат марказида эвфемизмлардан амалий фойдаланиш самарадорлигини таъминлашнинг субстанциал асосларда ҳал қилиниши муаммолари туради. «...Давлат тилини ривожлантиришга оид илмий-тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш, бу соҳада халқаро ҳамкорликни амалга ошириш»¹ вазифаси маданий мулоқотнинг асосий воситаси бўлган эвфемизмларни кенг доирада текширишни, уларга хос гендер жиҳатларни чуқур тадқиқ этишни тақозо этмоқда. Жадал ривожланаётган антропоцентрик парадигмага кирувчи социолингвистика, прагмалингвистика, лингвокультурология каби илғор фан йўналишларида изланишлар олиб бориш илмий заруратга айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ–4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 21 октябрдаги «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси ва Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилинганлигининг 30 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги 2019 йил 4 октябрдаги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони // www.xabar.uz

давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё тилшунослигида эвфемизм ҳодисаси кенг тадқиқ қилинган. Л.А.Булаховский, Б.А.Ларин, А.А.Реформатский² эвфемизмни тарихий нуқтаи назардан қадимий табу асосида ўрганган. Рус тилида эвфемизмлашувнинг восита ва мақсадларини тасвирлаш билан Л.П.Крисин, В.П.Москвин, В.З.Санников, Е.П.Сеничкина³ шуғулланган. А.М.Кацев, Н.Ц.Босчаева, Н.Л.Саакаян, Ю.С.Баскова ва Е.О.Милоенко⁴ диссертацияларида инглиз ва рус тилларидаги эвфемизмларнинг хусусиятлари, Г.А.Вильданованинг «Эвфемия и принцип вежливости в современном английском языке: гендерный аспект» номли диссертациясида инглиз тили эвфемизмларининг гендер жиҳатлари атрофича ёритилган⁵. М.О.Баскаков эса олтой халқлари тилларидаги эвфемистик номинацияларнинг муаммоларини очиб берган⁶.

Ўзбек тилшунослигида Н.Исматуллаев ва А.Омонтурдиевнинг илмий ишларида эвфемизм ҳодисаси, уларнинг услубий хусусиятлари, чорвадор нутқида қўлланувчи эвфемизмларнинг лингвистик ўзига хосликлари⁷ махсус

² Ларин Б.А. Об эвфемизмах // Учен. зап. Ленингр. ун-та, № 301: Сер. филол. наук: Вып.№ 60 – Л.: ЛГУ, 1961. – С. 110-124.

³ Крысин Л. П. Эвфемизмы в современной русской речи // www/Philology.ru; Москвин В.П. Эвфемизмы в лексической системе современного русского языка // Василий Павлович Москвин. 2-е изд. – М.: Ленинград, 2007. – 264 с.; Сеничкина, Е. П. Эвфемизмы русского языка. – Москва: Высшая школа, 2006. – 151 с.

⁴ Кацев А.М. Эвфемизмы в современном английском языке. – Ленинград: Наука, 1977. – 65 с. // Босчаева Н.Ц. Контекстуальная эвфемия в современном английском языке. – Ленинград: Наука, Ленинградское отд., 1989. – 130 с. // Саакаян Н.Л. Эвфемия как прагмалингвистическая категория в дискурсивной практике непрямого речевого убеждения: автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Москва, 2010. – 23 с. // Баскова Ю.С. Эвфемизмы как средство манипулирования в языке СМИ (на материале русского и английского языков): дисс. ... канд. филол. наук. – Краснодар, 2006. – 26 с. // Милоенко Е.О. Специфика функционирования эвфемизмов в индивидуальном лексиконе: дисс. ...канд. филол. наук. – Курск, 2009. – 24 с.

⁵ Вильданова Г.А. Эвфемия и принцип вежливости в современном английском языке: гендерный аспект. – Москва-Берлин: Директ-Медиа, 2015. –162 с.

⁶ Баскаков Н. А. Пережитки табу и тотемизма в языках народов Алтая // Советская тюркология. – Баку. 1975. № 2. – С. 3–7.

⁷ Исматуллаев Н. Эвфемизмы в современном узбекском языке: автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1963. – 24 с. // Омонтурдиев А. Эвфемик воситаларнинг функционал-услубий хусусиятлари: филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Т.,1997. –23 б. // Омонтурдиев А.Ж.

тадқиқ қилинган. А.Омонтурдиев эвфемизмни услубшуносликнинг тадқиқот объекти сифатида кенг доирада ўрганиб, «Ўзбек нутқининг эвфемик асослари», «Профессионал нутқ эвфемикаси» номли монографияларида, «Бир сўз луғати», «Сўз қўллаш санъати», «Ўзбек тилининг қисқача эвфемик луғати» каби ишларида ўзбек нутқининг эвфемик асосларини тадқиқ қилади⁸. А.Э.Маматов, З.Холманова, Х.Қодирова ва Д.Рустамованинг илмий ишларида эса фразеологизмларнинг шаклланишига эвфемик ва дисфемик бирликларнинг таъсири, «Бобурнома» асарида қўлланган эвфемизмлар, муаллифлик эвфемизмлари ҳамда эвфемизмларнинг метафорик хусусиятлари таҳлил этилган⁹.

1980 йиллардан кейин чоп этилган тилшуносликка оид дарслик ва қўлланмаларнинг сўзшунослик ҳамда услубиятга бағишланган ўринларида эвфемизм ҳодисаси изоҳланган¹⁰. «Нутқ маданияти ва услубият асослари» дарслигида ва 1983 йилда нашр этилган «Ўзбек тили стилистикаси» ўқув қўлланмаси¹¹да эвфемизм ҳамда кокофемизм (дисфемизм) хусусида айрим умумий маълумот берилган эди. Аммо ўзбек тилшунослигида эвфемизмларнинг гендер хусусиятлари монографик тадқиқот сифатида махсус ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Профессионал нутқ эвфемикаси (чорвадорлар нутқи мисолида): филол. фан. докт... дисс. – Т., 2009. – 252 б.

⁸ Омонтурдиев А., Омонтурдиев Ж. Сўз қўллаш санъати. – Термиз: Жайхун, 1994. – 60 б.; Омонтурдиев А. Бир сўз луғати. – Термиз: Жайхун, 1996. – 45 б.; Омонтурдиев А. Ўзбек тилининг қисқача эвфемик луғати. – Тошкент, 2000. – 134 б.; Омонтурдиев А. Ўзбек нутқининг эвфемик асослари. – Тошкент: Халқ мероси, 2000. – 128 б.; Омонтурдиев А. Профессионал нутқ эвфемикаси. – Тошкент: Фан, 2006. – 232 б.

⁹ Маматов А. Ўзбек тили фразеологияси шаклланиши масалалари: филол. фанлари д-ри... дисс. автореф. – Тошкент, 1999. – 56 б. // Холманова З.Т. «Бобурнома» лексикаси тадқиқи: филол. фанлари д-ри... дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – 22 б. // Қодирова Х. Абдулла Қодирийнинг эвфемизм ва дисфемизмлардан фойдаланиш маҳорати: филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – 23 б. // Рустамова Д. Метафорик эвфемизациянинг лингвокультурологик ва социопрагматик аспекти: филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Фарғона, 2018. – 50 б.

¹⁰ Қўнғуров Р., Бегматов Э., Тожиёв Э. Нутқ маданияти ва услубият асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – 160 б.; Содиқов А., Абдуазизов А., Ирискулов М. Тилшуносликка кириш. –Т.: Ўқитувчи, 1981. – 266 б.; Mirtojiev M. O'zbek tili semasiologiyasi. – Toshkent: Mumtoz so'z, 2010. – 127 b.

¹¹ Шомаксудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Х. Ўзбек тили стилистикаси. –Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – 248 б.

Диссертация Бухоро давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ «Тил, жамият ва шахс муносабатлари муаммоси тадқиқи» мавзусидаги илмий тадқиқот доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек тили эвфемизларида гендер хусусиятларнинг намоён бўлиши тамойиллари ва эвфемизмда гендер маънонинг воқеланишида прагматик, лингвокультурологик омилларни асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

«гендер» тушунчасини кўриб чиқиш асосида замонавий лингвистикада социал жинс муаммосига бўлган асосий қарашларни тавсифлаш;

нуткий эвфемизмлар қўлланишида гендер хосланишни аниқлаш, шу билан бирга, уларда гендер фарқловчи омилларни изоҳлаш;

ўзбек тили табиатидан келиб чиққан ҳолда эвфемизмнинг гендер гуруҳларини таснифлаш;

эвфемизмларда гендер маънонинг лисоний ва нолисоний омиллар асосида воқеланишини тавсифлаш;

«хушмуомалалик» тамойилининг гендер фарқланадиган эвфемизмларни шакллантирувчи восита сифатида хизмат қилишини лингвокультурологик нуқтаи назардан баҳолаш;

эвфемизмларда гендер маъно воқеланишининг прагматик омилларини изоҳлаш;

ўзбек тили гендер хосланган эвфемизмларининг қисқача изоҳли луғатини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида жонли сўзлашув, бадий ва публицистик услуб материалларидан ўзбек миллатига мансуб эркак ва аёлга хосланган эвфемизмлар олинган.

Тадқиқотнинг предметини эвфемизм ва унинг гендер хосланган турининг хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тавсифлаш, таснифлаш, синхрон, компонент, қиёслаш, этнолингвистик, тизимли, контекстуал ва социологик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбек тилидаги эвфемизмларни вужудга келтирувчи кўрқув, ирим, ижтимоий-сиёсий, шахсий омиллар сирасида яшаш тарзи, келиб чиқиш, шахс сифати, диди, савияси, ёши, кўриниши, жисмоний-ақлий салоҳияти ҳамда маданий даражалар – нутқ одоби, ўзини тутишнинг роли устувор эканлиги аниқланган;

нутқда гендер хосланган маънонинг юзага чиқишида талаффуз хусусияти, сўз, грамматик қўшимча, гап қурилиши каби лисоний, имо-ишора, сукут, юз ифодаси, кўл, елка ҳаракати сингари нолисоний ҳамда халқнинг тарихи, этногенези, тараққиёти каби маданий омиллар ҳамкорликда тизимли амал қилиши матнлар асосида далилланган;

Ўзбек тилида айтилиши одоб меъёрларига зид бўлган, ёқимсиз ва уят саналган бирликларнинг эркак ва аёл нутқий мулоқотида эвфемизацияланишининг касб, тарбия, феъл-атвор ва руҳий ҳолатга оид лексик-семантик гуруҳлари фарқланган;

тил воситаларини прагматик тадқиқ қилишнинг шахс, нутқий вазият, нутқ шароити, пайти, ўрни каби омиллари билан боғлиқлиги ва ўзбек тилидаги эвфемизмларда гендер маъно воқеланишида шахс ва вазият омили етакчилик қилиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

эвфемизмларнинг гендер маъно ифодалаш хусусияти жинс вакилларида тил ва маданият алоқасининг муштараклиги асосида нутқнинг этик-эстетик талаби билан юзага чиқиши асосланган;

Ўзбек тилидаги гендер эвфемизмлар эркак ёки аёлга хосланган ва бетараф (ҳар икки жинсга хос) каби турларга бўлиниши гендерологик ёндашув асосида аниқланган;

бадий, публицистик ва жонли сўзлашув услублари материаллари асосида тўпланган гендер хосланган эвфемик воситалар ўзбек луғатшунослиги таркибини бойитишга хизмат қилиши амалиётда исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ўрганилган материалларнинг республикамиз ҳамда хориж олимларининг назарий фикрларига таянилганлиги, муаммонинг аниқ қўйилганлиги, чиқарилган хулосаларнинг тавсифлаш, таснифлаш, қиёслаш, этнолингвистик таҳлил усуллари орқали далилланганлиги, гендер хосланган эвфемизмлар бадий, сўзлашув, публицистик услуб материаллари асосида таҳлил қилинганлиги билан белгиланади. Республика ва халқаро миқёсдаги илмий-усулий ва илмий-амалий конференциялар материаллари, ОАК рўйхатидаги ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақола, хулосаларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти умумлаштирилган илмий-назарий хулоса ва тавсиялар, энг аввало, эвфемизмнинг тил ва нутқдаги ўрни масалаларини ёритишда муҳим аҳамият касб этади. Ишдаги илмий таҳлил, назарий қараш ва усуллардан тилнинг бошқа бирликларини ўрганишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган хулосалардан олий ўқув юртларининг ўзбек филологияси йўналишларида «Ҳозирги ўзбек тили», «Лингвомаданиятшунослик» ва «Нутқ маданияти» курси дастур ва дарсликларида лексикологияга доир мавзуларни режалаштириш ҳамда баён этишда манба вазифасини ўташи, гендерология соҳаси ходимлари учун эвфемик бирликлар луғатини тузиш имкониятини яратиши, тўпланган лингвистик воситаларнинг маъновий хусусиятларига оид назарий фикрлар лингвокультурологик ва прагматик воситаларни тадқиқ этиш доирасини чуқурлаштириши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек тили эвфемизмларининг гендер хусусиятларини тадқиқ қилиш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

Ўзбек тилшунослигидаги эвфемизмларнинг хусусиятлари тавсифи асосида филология ва тилларни ўқитиш (Ўзбек тили) таълим йўналишида таҳсил олаётган талабалар, магистрантлар, соҳа мутахассислари ҳамда эвфемизмлар гендер хосланиши билан қизиқувчиларга мўлжаллаб «Ўзбек тили гендер хосланган эвфемизмларининг қисқача изоҳли луғати»ни яратишда фойдаланилган (ISBN 978-9943-5927-2-8). Натижада «5120100-Филология ва тилларни ўқитиш» бакалавриат таълим йўналишлари талабалари учун «Лексикология», «Нутқ маданияти», «Лингвокультурология» ва «Прагмалингвистика» фанлари маъруза ва амалий машғулотларида асос бўлиб хизмат қилган ва ўзбек тилида мавжуд эвфемизмларнинг гендер хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган ифодаларни қамраб олувчи ҳамда ўзбек лексикографиясини тўлдиришга хизмат қиладиган луғат яратилган;

Ўзбек тилига хос эвфемизмларда гендер маънонинг лисоний ва нолисоний омиллар ҳамкорлигига амал қилишини ёритиш билан боғлиқ илмий натижалардан 2008-2010 йилларда бажарилган ХТ–Ф2-004-рақамли «Ўзбек халқ педагогикаси ва фольклор анъаналари» мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 3 октябрдаги 89-03-3709-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланиши мамлакатимизда ўзбек тили ва фольклор анъаналарининг ўзаро таъсири ва муштараклиги ҳамда уни чуқурлаштириш нутқ кўрки бўлган эвфемизмларга ҳам боғлиқлигини илмий асослаш имконини берган;

эвфемизмларда гендер хусусиятларнинг намоён бўлишида шахс психологиясининг ўрни масалаларини ёритишда 2014-2017 йиллар давомида бажарилган «Ўзбек амалий психоллингвистикасини яратиш дастурини ишлаб

чиқиш» номли А-1-39-амалий илмий-техник грантда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 3 октябрдаги 89-03-3709-сон маълумотномаси). Натижалар мулоқот маданиятини юксалтиришнинг психолингвистик асослари гендер хусусиятларнинг миллий маданият билан узвий боғлиқлигини ифодалашда зарурий илмий манба бўлиб хизмат қилган;

Ўзбек тилида гендер муносабатдаги сўзларнинг миллийлик хусусиятлари, сўз қурилиши ва таркиби, миллий тасвирий ва амалий санъат атамаларининг миллий-гендер хусусиятлари таҳлили, ўзга тилда миллий маънони воқелантиришда лисоний омилларнинг роли, атамаларда миллий-гендер маънонинг воқеланишида лисоний ва прагматик омиллар ҳамкорлиги, ўзбек тилида гендер хосланган атамалар мавжудлиги каби масалалар тадқиқида ЁА1-ФҚ-0-07289 сонли «Миллий амалий ва тасвирий санъат атамаларининг қисқача ўзбекча, русча, инглизча изоҳли луғати» мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 3 октябрдаги 89-03-3709-сон маълумотномаси). Илмий натижа атамаларда гендер маънонинг воқеланишида лисоний омиллар (фонетик, лексик, грамматик) билан бир қаторда прагматик омиллар (шахс омили, нутқий вазият, нутқ шароити, нутқ пайти, нутқ ўрни) ҳам муҳим ўрин тутиши ҳақидаги фикрларнинг мукаммалаштирилишига хизмат қилган;

Эвфемизмлар ва уларнинг гендер хусусиятларидан 2017-2019 йилларда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «O‘zbekiston» телерадиоканалининг «Қорачик», «Ижод маҳсули» кўрсатувларининг сценарийсини тузишда фойдаланилди (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2019 йил 23 сентябрдаги 01-40-1933-сон маълумотномаси). Натижада мулоқот жараёнида эркак ва аёлнинг ижтимоий синфи, ижтимоий вазияти каби омиллар инобатга олинган ҳолда эвфемизм

қўлланган ва ўзбек тили эвфемизмларининг гендер хусусиятлари билан боғлиқ янгича қарашлар шакллантирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро, 4 та республика илмий-назарий анжуманида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш чоп этирилган, жумладан, 1 та луғат, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, шулардан 5 таси республика ҳамда 3 таси хорижий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 147 саҳифани ташкил этади.

І БОБ. ЭВФЕМИЗМЛАРДА ГЕНДЕР ХУСУСИЯТЛАРНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ

1.1. Тилшуносликда эвфемизм ҳодисаси талқини

Эвфемизм ва табу. Табу – баъзи иш-ҳаракат, фаолият ёки сўзнинг ман этилиши. Л.Штернберг табуни полинезиялик халқларда учратади¹². Л.П.Крисин ҳозирги кунда табу Африка, Жанубий-Шарқий Осиё ва Австралиянинг қатор қабилаларида сақланиб қолганини таъкидлайди¹³.

Табу ва эвфемия этнографик ёки этнолингвистик планда, асосан, XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб тадқиқ қилина бошланган. А.Омонтурдиев фикрича, табунинг этногенезисини, яъни қаерда, қачон пайдо бўлганлиги, қайси уруғ, қabila ёки халқ удуми эканини айтиш мушкул. Зотан, у ижтимоий, тарихий-этнографик ҳодиса, тил ва тафаккур қаби қадимий. Илдизлари ибтидоий онгда яхшилик ва ёмонлик тушунчаси пайдо бўлиши, борлиқнинг илоҳийлаштирилиши (фетишизм), руҳ тушунчасининг шаклланиши (анимизм), кўчиб юриш (реинкарнация – таносух), ҳайвонларга сиғиниш (анимализм), умуман, тотемик, мифологик тасаввурга бориб тақалади.

Олим табу ва эвфемия ҳодисасининг пайдо бўлиш сабаблари ва кўлланиш мақсадига доир умумтилшунослик, туркология, жумладан, ўзбек тилшунослигида мавжуд фикрларга алоҳида тўхталиб ўтади¹⁴.

З.Фрейд “Тотем ва табу” асарида илк бор ибтидоий жамиятда инсоният психик ҳаётининг ривожланиш жараёнини тушунтириб берган. Унинг уқтиришича, жамиятга хос кўпгина ҳодиса, яъни қадимги тақиқлар пайдо бўлиш жараёни, табу, анимизм, тотемизмлар кўрқув асосида вужудга келган¹⁵.

Табу Стивен Уллман томонидан чуқур ўрганилган. У табулашган, яъни тақиқланган сўз доимо эвфемизм билан ўзгартирилиб, семантик ўзгаришга

¹² Штернберг Л. Табу // Энциклопедический словарь. –Петербург, 1901.

¹³ www.philology.ru Крисин, Л. П. Эвфемизмы в современной русской речи [Электронный ресурс].

¹⁴ Омонтурдиев А.Ж. Профессионал нутқ эвфемикаси (чорвадорлар нутқи мисолида): Филол.фанлари д-ри...дисс. – Т., 2009. – 252 б.

¹⁵ www.litres.ru Фрейд З. Тотем и табу.

сабаб бўлади, деб ёзади. Олим тилга оид табуни психологик асосда 3 гуруҳга бўлган:

- 1) қўрқиш сабабли табулашган сўз;
- 2) хушмуомалалик зарурати билан табулашган сўз;
- 3) хушхулқлик асосида табулашган сўз.

Қўрқувга сабаб бўлган табу одамларнинг илоҳий ҳодисаларга чуқур ҳурмат билан қарашига боғлиқ. Қўрқув ҳурматни келтириб чиқарган. Масалан, Аллоҳни ўз номи билан аташ яҳудийларда ман этилиб, улар *Аллоҳ* сўзи ўрнида *уста* сўзини ишлатишган. Қолаверса, манбаларда шайтон ва ёвуз руҳлар номи ҳам табулашиб, тушунча эвфемизм орқали берилганлиги ҳақида маълумотлар келтирилган.

Демак, табуга хос умумий белгидан бири – илоҳийлик. Чунки кўпчилик тақиқлар диний талабларда ўз аксини топган.

Табу термини илоҳийлик маъносидан ташқари қораланган ва ифлос ҳисобланган тушунчага нисбатан ҳам қўлланилади. Бунга сабаб: ибтидоий одамнинг фикрича, илоҳ, яъни эзгу худодан ташқари ёвузлик (касаллик, ўлим, ёмонлик) олиб келадиган худо ҳам мавжуд.

Табулашган сўз, айниқса, ҳайвонлар номида кўпроқ учрайди. Улланнинг ёзишича, турли тилларда 24 га яқин ҳайвон номи табулашган. Улар орасида ҳашаротлардан чумоли ва асалари, ҳайвонлардан шер ва йўлбарс ҳам бор. Шунингдек, Смал-Стокки ҳам ҳайвонларнинг табулашган номини ўрганган. Унинг ёзишича, “овчи табуси” ва “диний табу” мавжуд¹⁶.

Варбот табуни диний тақиқ деб ҳисоблайди. Лекин шундай табулар ҳам борки, улар маълум ижтимоий-сиёсий, тарихий, маданий, этик ва эмоционал омиллар асосида изоҳланган, фойдаланилиши тақиқланган сўз, дейди. У Халанская каби эвфемизм табу сўздан келиб чиққанлигини таъкидлайди¹⁷.

Эвфемизм фақат табу асосидагина пайдо бўлган ҳодиса эмас. Унинг ижтимоий ҳаётда этикет меъёрига тўғри келмайдиган ифода ўрнида ҳам кўп

¹⁶ Пяйви Кярккяйнен. Эвфемизмы в русском языке // дип.раб. – Тамперский университет, 2006.

¹⁷ Варбот Ж. Ж. Табу // Русский язык: Энциклопедия. – Москва, 1979.

қўлланилишини кузатамиз. Хушмуомалалик асосида пайдо бўлган табуни эвфемистик варианты билан алмаштириш қуйидаги ҳодисалар билан боғлиқ:

- 1) жисмоний ва психологик заифлик билан;
- 2) жинсий ҳаракат билан;
- 3) касаллик ва ўлим ҳолати билан.

Хушхулқлик меъёри асосида вужудга келган табуга жисмоний ҳаёт, шахвоний муносабат билан боғлиқ жараёнлар, маълум тана аъзолари ва уларнинг вазифаси билан алоқадор ноҳўя сўзлар хос. Улланнинг одоблилик ва беадаблик меъёрлари турли даврларда турлича бўлганлигини алоҳида эслатиб ўтади. Шундай бўлса-да, хушмуомалалик ва хушхулқлик ҳақидаги тасаввурлар қадимдан табу ва эвфемизм учун хизмат қилиб келганлиги маълум. А.С.Куркиевнинг эвфемизмлар таснифи Улланнинг табулар гуруҳланишига ўхшайди. У эвфемизмларни 5 гуруҳга ажратади¹⁸:

- 1) хурофот (бидъат) асосида келиб чиққан эвфемизмлар;
- 2) қўрқув ва нохушлик натижасида вужудга келган эвфемизмлар;
- 3) диний эътиқод асосида юзага келган эвфемизмлар;
- 4) уятчанлик сабабли келиб чиққан эвфемизмлар;
- 5) хушмуомалалик асосида вужудга келган эвфемизмлар.

Уллан А.С.Куркиевнинг 5 гуруҳи ўрнида 3 гуруҳни ажратгани туфайли гуруҳлар қўшилиб кетган.

Л.П.Крысин эвфемизм қўлланишига олиб келган омиллар сифатида қуйидагиларни санайди¹⁹:

- 1) баъзи физиологик жараён ва ҳолат;
- 2) айрим тана аъзолари номи;
- 3) жинсий алоқа;
- 4) касаллик ва ўлим.

¹⁸Куркиев А.С. О классификации эвфемистических названий в русском языке. Классификация эвфемизмов по порождающим мотивам [Текст] / А. С. Куркиев. – Грозный, 1977. – С. 105-115.

¹⁹ Крысин Л.П. Эвфемистические способы выражения в современном русском языке / Л.П. Крысин // Русский язык в школе.–М., 1994. – № 5. – С. 76-82.

Ўзбек тилшуноси Н.Исматуллаев 1964 йилда ҳимоя қилган “Ўзбек тилидаги эвфемизмлар” номли номзодлик диссертациясида ўзбек тилида эвфемизмларнинг пайдо бўлиш сабаблари ҳақида гапириб, уларни таснифлайди, гуруҳларга ажратади ва ҳар бир ижтимоий қатлам нутқида қўлланадиган эвфемизмнинг муомаладаги аҳамиятини, луғат таркибини бойитишдаги қимматини таҳлил қилади, муайян хулосаларга келади²⁰.

А.Омонтурдиев таъкидлаганидек, маънавиятни қарор топтиришнинг дастлабки шакли табу, яъни ибтидоий жамиятда муайян хатти-ҳаракатни амалга ошириш ва муайян нарсага тегиш, истеъмол қилишни тақиқлаш. Табу жамиятни ижтимоий бошқариш, инсон руҳини поклаш, ижтимоий назарияни йўлга қўйишнинг тарихий шакли бўлган²¹.

А.Ҳожиёвнинг 2002 йилда қайта нашр қилинган “Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати”да табуга қуйидагича изоҳ берилади: “Табу – диний эътиқод, ирим, кўрқиш ва шу кабилар таъсирида сўзнинг ишлатилишини чеклаш ёки ман этиш; ишлатилишида шундай чекланган, ман этилган сўз. Масалан, *чаён* сўзи ўрнида *эшак*, *оти йўқ* бирликларининг қўлланиши”²².

М.Миртожиев “Ўзбек тили семасиологияси” асарида табу этнографик ва лингвистик турга бўлинишини айтган. Лингвистик табу фақат лексик ҳодиса, сўз доирасида кузатилади. Сўз диний ирим, сиёсий ва цензура нуқтаи назаридан тақиқланади. Тилдаги бу ҳодиса ибтидоий жамоа ҳосиласи, маданийлик ва фан-техника ривожини билан йўқолиб бораётгани йўқ. У тилда яшаб қолади. Табу эса сўзнинг маданий мулоқотга сиғмаганлиги, қўполлиги учун нозиктаб ҳамсуҳбатлар доирасида қўлланмаслиги билан фарқ қилади. Эвфемизм – табуга учраган сўз маъносининг ёқимлироқ ифодали бирор сўз ёки унинг ҳосила маъноси сифатида акс эттирилиши²³.

²⁰ Исматуллаев Н. Эвфемизмы в современном узбекском языке: Автореф. дисс... канд.филол.наук.– Т.,1963. – С. 19 .

²¹ Омонтурдиев А.Ж. Профессионал нутқ эвфемикаси (чорвадорлар нутқи мисолида): Филол.фанлари д-ри...дисс. – Т., 2009. – Б. 16-17.

²² Hojiyev A. Tilshunoslik terminlarining izohli lug‘ati.– Toshkent: O‘zME, 2002. – B. 96.

²³ Mirtojiev M.M. O‘zbek tili semasiologiyasi. – Toshkent: Mumtoz so‘z, 2010. – B. 119-127.

Эвфемизмни вужудга келтирадиган омиллар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1) кўрқув: халқ орасида *илон* сўзи ўрнида *ип, оқ ип, арғамчи, узун она, турқи совуқ* сўзларининг қўлланилиши (айниқса, тунда зарар етказувчи хашарот ҳамда ҳайвонлар номи тилга олинмайди);

2) ирим: ўзбеклар, одатда, янги келин-куёвнинг чимилдиғига бефарзанд аёл ёки тул хотиннинг киришини ишашмайди (яъни ирим қилишади). *Бефарзанд* ёки *тул* ўрнида *бегона, хокисор* лексик бирликларини ишлатилади;

3) ижтимоий-сиёсий, маънавий-иқтисодий ҳаёт: масалан, *ижтимоий ларза* эвфемизми *нотинчлик, бебошлик* маъносида, *қонунни четлаб ўтмоқ* бўйсунмаслик, *итоат этмаслик* ўрнида қўлланилади;

4) шахсий омил:

а) шахснинг биологик ҳолати: 1.Туғмоқ: 1) *дунёга келтирмоқ*; 2) *жонидан жон бунёд этмоқ*; 3) *кўзи ёримоқ*; 4) *енгил бўлмоқ*; 5) *ўгил кўрмоқ*; 6) *бўшамоқ*; 7) *кўпайишмоқ* ва х.;

б) инсоннинг жисмоний нуқсони: *мажруҳ* ўрнида *ногирон*; *кар, гаранг* ўрнида *қулоғи оғир, чўлоқ, маймоқ* ўрнида *оқсоқ, бир оёғи калтароқ* ва б.;

в) инсоннинг маънавий нуқсони: *каллаварам, савияси паст, дунёқараши саёз* ўрнида 1) *маънавий бўшлиқ*; 2) *тафаккур қуллиги*; 3) *вакуум пайдо бўлиши*; 4) *гоявий бўшлиқ*;

г) инсоннинг муомала ва муносабатдаги нуқсони: *қўпол, дағал, сўконғич* ўрнида 1) *нафаси ҳаром*; 2) *оғзи ёмон, оғзи бузуқ*;

д) инсон хатти-ҳаракатидаги нуқсон: *бидъатчи, бепарволик, шилта* ўрнида 1) *тиниқ сувни лойқалатувчи*; 2) *панжа орасидан қарамоқ*; 3) *қўшмачи*;

е) инсоннинг моддий аҳволи: 1) *ялангоёқ қилмоқ*; 2) *ночор гуруҳлар*;

ё) инсон турмуши: 1) *турмуш ўртоғи*; 2) *бегим*; 3) *бекам*; 4) *турмушга узатмоқ*; 5) *никоҳни бузмоқ*.

Эвфемизмнинг мавзувий таснифидан маълум бўладики, борлик канчалик ранг-баранг бўлса, уларни ифодаловчи тушунчалар эвфемиклашуви ҳам шунчалик хилма-хил бўлади. Юқоридаги таснифлардан кўришиб турибдики, ижтимоий ва шахсий ҳаётда эвфемизм энг кўп қўлланилувчи соҳа ҳисобланади.

Тушунчанинг эвфемиклашуви масаласига бағишланган турли тилдаги ишларни ўрганиш асосида бу ҳодиса юзасидан билдирилган назарий қарашларни А.Омонтурдиев учта асосий гуруҳга бўлган²⁴:

биринчи гуруҳ вакилларининг назарий қарашлари бўйича, “эвфемизмлар ибтидоий дунёқараш (табу) таъсирида пайдо бўлиб, жамиятнинг маданий босқичида йўқ бўлиб боради”²⁵;

иккинчи гуруҳ “эвфемизмлар тил факти, пассив лексик қатлам сифатида мавжуд”,²⁶ деган фикрни илгари суради;

учинчи гуруҳга оид назарий қарашлар Н.Исматуллаевнинг “Эвфемизмы в современном узбекском языке”²⁷ номли номзодлик диссертациясида ўз аксини топган. Олимнинг фикрича, эвфемизмлар, айни замонда, нутқий восита, услуб учун ҳам хизмат қилади.

Таъкидлаш керакки, табу ва эвфемизм ибтидоий дин, онги ожиз одамларнинг ғайритабиий дунёқарашлари, хурофот, бидъат, расм-русум таъсирида пайдо бўлган эскилик қолдиғи, улар жамиятнинг кейинги тараққиётида, маданийлашган босқичларида йўқ бўлиб боради, деган қарашлар²⁸ ҳар доим ҳам ўзини оқламайди. Бу эвфемизм ҳодисасига бир ёқлама ёндашиш натижасидир. Чунки табу фақат ибтидоий жамоа даврида, одамзоднинг онги у қадар юксалмаганлиги туфайли пайдо бўлган ҳодиса

²⁴ Омонтурдиев А.Ж. Профессионал нутқ эвфемикаси (чорвадорлар нутқи мисолида): Филол.фанлари д-ри...дисс. – Т., 2009. – Б. 28.

²⁵ Кацев Н.И. Эвфемизмы в современном английском языке: Автореф. дисс. ...докт.филол. наук.– Л., 1977.– С.21.

²⁶ Ергазиева Н.И. Взаимосвязь прозвищ табу и эвфемизмов в казахском языке// Ономастика Узбекистана.–Т., 1989.– С.120.

²⁷ Исматуллаев Н. Эвфемизмы в современном узбекском языке: Автореф. дисс...канд.филол.наук.– Т.,1963.– 19 с.

²⁸ Кацев А.М. Эвфемизмы в современном английском языке: Автореф. дис. докт. филол. наук. – Л., 1977.

эмас. Кузатишларимиз эвфемизм фақат кўрқиш, бидъат сабабли табу қилинган сўз ўрнида қўлланувчи ҳодиса эмас, балки нутқ маданиятига эришиш, сўзловчи фикрини суҳбатдошга одоб доирасида беришни таъминлаб берувчи восита ҳам эканлигини кўрсатади. Зеро, табу сўзлар маъносини ёпиш учун хизмат қилувчи эвфемизмлар маданийлашган нутқнинг асосий сифатларидан ҳисобланади.

Эвфемизмлар – ҳар бир ижтимоий қатлам нутқида ишлатиладиган кенг ҳодиса. Шунинг учун у нутқ услубларининг сўзлашув, бадий, публицистик, расмий-идоравий, ҳатто илмий услубида ҳам ишлатилади.

Демак, тилшунослигимизда тил маданиятига эришиш учун қўлланадиган воситалар мавжудлиги эътиборга молик. Шунинг учун табунинг тилга таъсири эвфемизм вужудга келишига сабаб бўлган. Зотан, табу ва эвфемизм ўзаро боғлиқ. Шу билан бирга, эвфемизм одоб-ахлоқ меъёрлари асосида ҳам пайдо бўлиб, ривожланаётган тил ҳодисаси ҳамдир.

Эвфемизмнинг ғарб ва рус тилшунослигида ўрганилиши ҳамда таснифи масалалари. Эвфемизм, унинг таснифи ва нутқда воқеланиш масалалари рус ва европа тилшунослигида кенг тадқиқ этилган.

XX-XXI асрларда эвфемистик лексика муаммоси ва унинг бошқа тил ҳодисалари билан алоқасига доир қатор илмий тадқиқотлар юзага келди. Жумладан, эвфемизм тарихий нуқтаи назардан қадимий табу асосида кўриб чиқилиб, ҳинд-европа ва славян-болтиқ тиллари материаллари асосида таҳлил қилинган (Л.А.Булаховский, Б.А.Ларин, А.А.Реформатский).

Охирги ўн йиллар ичида рус тилида эвфемизациянинг восита ва мақсадларини ўрганиш билан москва, петербург, волгоградлик олимлар шуғулланган (Л.П.Крисин, В.П.Москвин, В.З.Санников, Е.П.Сеничкина).

Б.А.Ларин: “Эвфемизмлар муваққат. Уларнинг ишлатилиши учун нутқий вазият керак, яъни дағал сўзлар эквиваленти мавжуд бўлиши керак. Ишлатилиши ноқулай бўлган сўзлар истеъмолдан чиқиши билан

эвфемизмлар ҳам ўз қийматини йўқотиб, оддий лексема сифатида воқеланади”²⁹, - деб ёзади.

А.С.Куркиев эвфемизмни 5 гуруҳга ажратади:

- 1) бидъат асосида пайдо бўлган эвфемизмлар;
- 2) қўрқув ва норозилик ҳис-туйғуси оқибатида пайдо бўлган эвфемизмлар;
- 3) ҳамдардлик ва раҳмдиллик асосида пайдо бўлган эвфемизмлар;
- 4) уят асосида пайдо бўлган эвфемизмлар;
- 5) хушмуомалалик (мулойимлик) асосида пайдо бўлган эвфемизмлар³⁰.

Бизнингча, уят ва уялиш асосидаги эвфемизмлар орасида нозик фарқ бор: уят айб, нуқсонли иш, юмуш билан боғланса, уялиш оддий ҳолатда, масалан, ёқтирган кишисига дуч келганда ҳам рўй бериши мумкин.

Б.А.Ларин эвфемизмларнинг 3 турини ажратади:

- 1) миллий-адабий тилнинг умумистеъмолдаги эвфемизмлари;
- 2) синфий ва касбий эвфемизмлар;
- 3) маиший-турмуш эвфемизмлари³¹.

Л.Б.Москвин эвфемизмнинг 6 вазифасини кўрсатиб ўтади:

- 1) қўрқинчли объектлар номини юмшатиш;
- 2) ёқимсиз ва жирканч объектлар номини юмшатиш;
- 3) айтилиши ноқулай бўлган сўзларнинг маъносини юмшатиш;
- 4) атрофдаги предметларнинг номланишини одоб доирасида қўлланишини таъминлаш;
- 5) қўпол сўзнинг асл моҳиятини юмшатиш;
- 6) нуфузсиз ташкилот ва касб номини юмшатиш³².

Е.П.Сеничкина эса эвфемизмни қуйидаги турларга ажратади:

²⁹ Ларин Б.А. Об эвфемизмах [Текст]// Учен. зап. Ленингр. ун-та, № 301: Сер. филол. наук: Вып.№ 60– Л.: ЛГУ, 1961.–С. 110-124.

³⁰ Куркиев А.С. О классификации эвфемистических названий в русском языке. Классификация эвфемизмов по порождающим мотивам [Текст] / А. С. Куркиев. – Грозный, 1977. – С. 105-115.

³¹ Ларин Б.А. Об эвфемизмах [Текст]// Учен. зап. Ленингр. ун-та, № 301: Сер. филол. наук: Вып. № 60– Л.: ЛГУ, 1961.–С. 110-124.

³² Москвин В.П. Эвфемизмы в лексической системе современного русского языка [Текст] / Василий Павлович Москвин. 2-е изд. – М.: Ленинград, 2007. – 264 с.

- 1) эвфемизм-табуизм;
- 2) факультатив эвфемизм;
- 3) деэвфемизм;
- 4) тарихий эвфемизм;
- 5) тилга оид ва окказионал эвфемизм.

Олим эвфемизмларни таснифлаш учун уларга морфологик нуктаи назардан ҳам қараш кераклигини айтган³³.

XIX-XX асрлар бадиий матнларидаги тиббиёт соҳасига оид эвфемизмлар тавсифи Й.Н.Малигина томонидан ўрганилган³⁴. Шифокорлар нутқида тиббиёт эвфемизмларининг вужудга келиши ва ясалиш усуллари, таркибининг ўзгариш хусусиятлари диахроник таҳлил қилинган. У XIX-XX асрлар бадиий адабиётидаги врач-персонажлар нутқида ишлатилган эвфемизмларнинг таҳлилида камида саккизта мустақил мавзуни ажратиш мумкинлигини кўрсатиб берди. Булар: 1) шифокорлар “ёлғони”; 2) ўлим мавзуси; 3) ўлимга олиб келадиган касаллик мавзуси; 4) оғир аҳволдаги бемор мавзуси; 5) “уятли” касаллик мавзуси; 6) “инсон танасининг пастки қисми”; 7) “инсон танасининг пастки қисми” мавзусига доир физиологик жараён мавзуси; 8) жисмоний ва психик нуқсон мавзуси.

Ҳозирги кунда рус тилида физиологик жараён ва ҳолатни ифодаладиган эвфемизмнинг ишлатилиши камайганлиги замонавий рус тилининг дағаллашганини кўрсатади. Бу йўналиш кўпгина тадқиқотчилар томонидан қайд этилган. Жумладан, бу мантиқ Л.П.Крисин ишида ўз аксини топган³⁵.

Л.П.Крисин, ўз навбатида, эвфемизациянинг шахсий ва ижтимоий ҳаётда воқеланишини кўрсатган ва ажратган.

Ж.Вандриес: “Эвфемизм – бу ман этилган луғатнинг мулойимроқ ва маданийроқ шаклигина, холос”, - дейди.

³³ Сеничкина Е. П. Эвфемизмы русского языка [Текст] .– М : Высшая школа, 2006 . – 151 с.

³⁴ Малыгина Е.Н. Характеристика эвфемизмов медицинской речи в художественных текстах русской литературы XIX-XXI вв.//Вестник СамГУ. –2006. №10/2 (50). – С. 35-41.

³⁵ www/ Philology.ru Крисин Л. П. Эвфемизмы в современной русской речи [Электронный ресурс].

Л.А.Булаховский: “Эвфемизмлар – ёмон фикр уйғотадиган нарса ёки ходисанинг асл номини алмаштириш ва улар ҳақида сўз орқали ёвуз кучларни чақириш “хавфи”ни туғдирмай туриб гапириш, ҳаммадан олдин “хавфнинг олдини олиш” формуласи”, - деб ёзган.

Н.А.Самойлович олтой аёллари айтиши мумкин бўлмаган 42 та сўз луғатини беради. Масалан, қозоқ, қирғиз аёллари эрлари ва уларнинг ака-укалари отларига қўшиб айтиладиган *бўри, қўй, қўзи, дарё, қамиш* сўзлари айтилмаган қуйидаги гапларни ёзиб олган: *Оқувчи (дарё)нинг нариги томонида кўкарадиган (қамиш)нинг тагида увловчи (бўри) маъровчи (қўй)нинг боласи(қўзи)ни еб ётибди.*

Е.А.Агаян арман қишлоқларида *илон* сўзи ўрнида *арқон, канат* сўзлари ишлатилишини ёзади.

А.Омонтурдиев “Эвфемик воситаларнинг функционал хусусиятлари” номли номзодлик диссертациясида А.А.Реформатскийнинг табу ва эвфемизм ходисасига бағишланган фикрини келтиради:

1) ҳарбий дипломатия талаби билан мамлакат, шаҳар, корхона, ҳарбий қисм ва айрим атоқли шахс номлари бирор шартли белги билан алмаштирилади (*n (ен), nn (ен-ен), x, y, z (икс, изрек, зет)*);

2) одоб нуқтаи назаридан, хавфли касаллик номини ошкор айтмаслик учун лотинча термин, қисқартма белги қўлланади (*ракни канцер, операцияни жарроҳлик касали дейиш ва б.*);

3) ўғрилар нутқидаги яшириш учун қўлланадиган сўз ва иборани ифодалаш (*ўлдирмоқни тикиб қўймоқ, ўғирламоқни сотиб олмоқ дейиш каби*)³⁶.

Биз табу ва эвфемизм ходисасини А.А.Реформатский тушунгандай кенгроқ доирада қўллаш фикрига қўшилаемиз.

Л.Н.Саакаян эвфемизмнинг назарий, амалий аспектини ўрганган³⁷. У эвфемияни замонавий тилшуносликнинг когнитив-дискурсив парадигмаси

³⁶Омонтурдиев А.Ж. Эвфемик воситаларнинг функционал хусусиятлари: Филол. фанлари. номзоди... дисс. – Т., 1997. – 176 б.

сифатида таҳлил қилган. Тадқиқотчи эвфемияни дискурсив-когнитив феномен сифатида коммуникациянинг билвосита тури сифатида кўрсатиб, перлокутив натижага эришиш мақсадида адресатнинг дунё ҳақидаги тасаввурини ўзгартиришга йўналтирилганини таъкидлайди.

Ю.С.Баскова эвфемизмнинг қуйидаги хусусиятини кўрсатади: 1) воқеа-ходисанинг ҳақиқий моҳиятини яширади; 2) сўзга эвфемизм мақомини бериш учун табулашган сўзни яширинган маънога тенглаштириш лозим, йўқса эвфемизмни аниқлаб бўлмайди; 3) лингвистик ҳодиса (яъни эвфемизм) кўпчилик реципиент учун тушунарсиз бўлгани учун унинг моҳиятини билмасдан туриб ҳодисани тушунолмайди³⁸.

Е.О.Милоенко индивидуал нутқда эвфемизм қўлланишининг ўзига хос хусусияти масаласини ўрганган³⁹. У эвфемия ҳодисасини психолингвистик назария асосида кўриб чиқиш зарурлигини таъкидлаб ўтган. Олим индивидуал нутқда эвфемистик ўрин алмашиш учун жуда кўп имконият мавжудлигини кўрсатиб берган. Тадқиқотчи муайян шахснинг нутқий фаолиятида эвфемизмлар қуйидаги сабабларга кўра вужудга келишини айтиб ўтган: кўпол иборани юмшатиш мақсадида (тос суяги, инсон танасининг пастки қисми), одоб меъёрини бузадиган сўз ўрнида қўллаш эҳтиёжи (яқинлик, балоғатга етган), табулашган архаик сўз ўрнида қўллаш (яратган).

А.Н.Прудивус, С.Г.Тер-Минасова ва Л.П.Лобановаларнинг илмий ишларида сиёсий эвфемизмлар қуйидаги кенг тарқалган турларга бўлинади:

1) жисмоний ва ақлий камчилиги бўлган инсонларни ифодалайдиган эвфемизм (жисмоний камчиликлар, ақлий ва психик етишмовчилик, ёш, ташқи кўриниш ва ҳ.);

2) жинсий эвфемизм (жинс, жинсий озчилик);

3) этник эвфемизм (ирқий, фуқаролик);

³⁷Саакаян Н.Л. Эвфемия как прагмалингвистическая категория в дискурсивной практике непрямого речевого убеждения // Автореф.дисс...кандидата фил. наук. – Москва, 2010. – 23 с.

³⁸Баскова Ю.С. Эвфемизмы как средство манипулирования в языке СМИ (на материале русского и английского языков) //дисс...кандидата фил. наук. – Краснодар, 2006. – 26-с.

³⁹Милоенко Е.О. Специфика функционирования эвфемизмов в индивидуальном лексиконе// дисс...кандидата фил. наук. – Курск, 2009. – 24-с.

4) ижтимоий эвфемизм (мулкий ҳолат, нуфузли касблар, иқтисод, дин ва х.);

5) тижорат эвфемизми ва б⁴⁰.

Шундай қилиб, рус тилшунослигида эвфемизмнинг мавзу доирасини қуйидагича гуруҳлаймиз:

1) айрим физиологик жараён ва ҳолатни ифодаловчи (*фарзанд кутмоқ - ҳомиладор*);

2) инсон тана аъзосининг маълум қисмларини ифодаловчи;

3) жинсий муносабатни англатувчи;

4) касаллик ва ўлимни билдирувчи (*французча ўлим - сўзак (гонорея), ўзини ёмон ҳис қилмоқ - касал*);

5) дипломатик тушунчаларни ифодаловчи.

Л.П.Крисин тўғри таъкидлаганидек, дипломат ва сиёсатчилар коммуникатив алоқаларида киноя, тўғридан-тўғри номлаб бўлмайдиган сўзларни этикет доирасида қўллаш эҳтиёжи туфайли эвфемизмлар юзага келган.

б) айрим касб-корни ифодаловчи. Касбнинг нуфузини ошириш мақсадида ишлатилади. Масалан, *сут соғувчи – сут соғиш машинаси оператори, фаррош – тозалаш ишлари оператори*.

Эвфемизмнинг ўзбек тилшунослигидаги тадқиқи. Ўзбек тилшунослигида ҳам эвфемизм ҳодисаси атрофлича ўрганилган. Н.Исматуллаев⁴¹ ўзининг номзодлик диссертациясида масаланинг қўйилиши даражасида, А.Омонтурдиев⁴²нинг номзодлик диссертациясида уларнинг услубий хусусиятлари, докторлик диссертацияси⁴³да чорвадор нутқида

⁴⁰ cyberleninka.ru Лазаревич Е.М. Употребление эвфемизмов с функцией политкорректности в публицистических текстах (на материале английского языка) // Вестник Томского государственного университета. 2014. –№ 378. –С. 25–29.

⁴¹ Исматуллаев Н. Эвфемизмы в современном узбекском языке: Автореф. дис... канд. филол. наук. – Т., 1963. – 19 с.

⁴² Омонтурдиев А.Ж. Эвфемик воситаларнинг функционал хусусиятлари: Филол. фанлари. номзоди... дисс. – Т., 1997. – 176 б.

⁴³ Омонтурдиев А.Профессионал нутқ эвфемикаси (Чорвадорлар нутқи мисолида): Филол. фанлари. д –ри. ...дис. – Т., 2009. – 252 б.

қўлланувчи эвфемизмларнинг лингвистик ўзига хосликлари махсус тадқиқ қилинган.

Олим Н.Исматуллаев 1964 йилда “Ҳозирги ўзбек адабий тилида эвфемизмлар” мавзусида номзодлик илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилган. Тадқиқотида табу ва эвфемизмга доир бой маълумот тўплаган, фикр-мулоҳазаларини билдирган, илмий хулосалар берган. Эвфемизмларни қуйидагича таснифлаб ўрганишни таклиф қилган:

I. Табуга асосланган эвфемизмлар: а) мифологик тушунчаларни номлашда қўлланиладиган эвфемизмлар; б) заҳарли ҳашаротлар, илон ва бошқа ҳайвон номларига нисбатан қўлланиладиган эвфемизмлар; д) йиртқич ҳайвон номларига нисбатан қўлланиладиган эвфемизмлар; е) касаллик номлари учун қўлланиладиган эвфемизмлар; ф) эркак ва аёл муносабатларига нисбатан қўлланиладиган эвфемизмлар; г) аёллар нутқида эвфемизмлар.

II. Ирим-сиримга асосланган эвфемизмлар.

III. Жамиятда айтилиши айб ҳисобланган, қўпол сўзлар ўрнига қўлланилувчи эвфемизмлар.

IV. 1) аёлларнинг узрли ҳолатлари (ҳомиладорлик, ҳайз пайти) билан боғлиқ эвфемизмлар; 2) оила ичидаги муносабатларни ифодалашда қўлланиладиган эвфемизмлар; 3) ўлим билан боғлиқ эвфемизмлар; 4) жинсларга боғлиқ эвфемизмлар; 5) инсон тана аъзоларига нисбатан қўлланиладиган эвфемизмлар; 6) кийим-кечак билан боғлиқ эвфемизмлар; 7) шифокор ва тиббиёт тилида қўлланилувчи эвфемизмлар; 8) ҳожатхона, ванна ва бошқа жой номларига нисбатан қўлланилувчи эвфемизмлар.

V. Сўзлашув тилида ва диний мақсадда қўлланиладиган диалектик эвфемизмлар.

VI. Услубий эвфемизмлар.

VII. Дипломатик тилда қўлланиладиган эвфемизмлар.

Қолаверса, олим ҳар бир ижтимоий қатлам нутқида қўлланиладиган эвфемизмларнинг муомаладаги аҳамияти, луғат таркибини бойитишдаги қимматини таҳлил қилиб берган.

Бу иш шу соҳа билан боғлиқ масалаларни, жумладан, эвфемизмни кейинги босқичда ўрганиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

А.Омонтурдиев Н.Исматуллаевнинг табу ва эвфемизм ҳақидаги карашларини давом эттириб, эвфемизмни “услубшуносликнинг тадқиқот объекти сифатида аллақачон ўз ечимини топиши керак бўлган мавзу” сифатида кенг доирада ўрганади, ўзбек нутқининг эвфемик асосларини тадқиқ қилади. У 1997 йилда “Эвфемик воситаларнинг функционал-услубий хусусиятлари” мавзусида номзодлик диссертацияси ёқлаган, мавзу кенг режада ишланиб, “Ўзбек нутқининг эвфемик асослари”, “Профессионал нутқ эвфемикаси” номли монографиялар эълон қилинган ва “Бир сўз луғати”, “Сўз қўллаш санъати”, “Ўзбек тилининг қисқача эвфемик луғати” каби ишлар нашр қилинган.

Олим докторлик диссертациясида табу ва эвфемиканинг назарий асослари, чорвачилик ҳамда этнографик удумлар билан боғлиқ чорвадор нутқи эвфемикаси масалалари хусусида батафсил тўхталиб ўтган. У кишилар ўртасидаги алоқа воситалари воқеликни баён этиш – уни ифодалаш усули даражасига кўра бир-бири билан узвий боғланган уч қатлам: тил (хабар, алоқа), нутқ (муносабат, мулоқот), супернутқ (эвфемик, экспрессив-эмоционал муомала)дан ташкил топганлигини таъкидлаб ўтган. Нутқ – тилнинг, эвфемик қатлам эса нутқнинг эволюциясидир. Эвфемик нутқ тафаккур, инсон ақл-заковатининг олий формаси, “қаймоғи”, воқеликнинг пардозланган, “парда ичига олинган”, беозорлаштирилган, юмшатирилган образли ифодасидир⁴⁴.

“Ўзбек тили стилистикаси” ўқув қўлланмасида муаллифлар жамоаси томонидан эвфемизм ҳамда кокофемизм (дисфемизм) хусусида айрим умумий маълумотлар берилган. Мазкур қўлланмада, хусусан, эвфемизмлар ва уларнинг стилистик роли ҳақида алоҳида тўхтаб ўтилган. Қўлланмада айтиш ноқулай ёки ноўрин бўлган сўз ёки ибора ўрнида ишлатиладиган “пардали”

⁴⁴ Омонтурдиев А.Профессионал нутқ эвфемикаси (Чорвадорлар нутқи мисолида): филол. фанлари. д –ри. ...дис. – Т., 2009. – Б.12.

сўз ёки ибора эвфемизм сифатида баҳоланган. Эвфемизмлар бадий адабиётда, асосан, айтиш уят, ноқулай ва нохуш вазиятлардан қутулишнинг бирдан-бир стилистик воситаси сифатида ишлатилиши, бундан ташқари, бадий асарда образ ва персонажлар нутқида ишлатилган эвфемизмлар ҳар бир образ ҳамда персонажнинг мақсади, дунёқараши ва савиясини ифодалашдек муайян стилистик мақсадни ҳам кўзда тутиши таъкидланган⁴⁵.

Лингвистик адабиётларда эвфемизмнинг антоними сифатида дисфемизм, какофемизм ва кучли сўзлар кўрсатилган⁴⁶. Биринчи ва иккинчи термин ҳақоратомуз ва қисман юмористик мазмунга эга, улардан бирон нарса мақсад қилинганда олдиндан режалаштирилган ҳақоратли сўз сифатида фойдаланилади. Охиргиси эса, асосан, баҳс-мунозара, тортишувларда қўлланилади.

Тилшунос М.Миртожиевнинг “Ўзбек тили семасиологияси” монографиясида эвфемизмга махсус ўрин ажратилган. Олим монографиясида табу ва эвфемизм ҳодисаси муносабати, ўрганилиш тарихи масалаларига алоҳида эътибор қаратади. Олим эвфемик маънонинг ҳосила маъно эканлигини, бу ҳосила маъно метафорик, метонимик усулда вужудга келишини, улардан, айниқса, метафора эвфемик маъно ҳосил бўлишида катта аҳамият касб этишини таъкидлайди. Масалан, *чаён* сўзи лексик маъноси *эшак* сўзи билан воқеланган. Чунки *чаён* думини гажак қилиб туриши жиҳатидан *эшакка* ўхшайди. Мана шу ўхшашлик *эшак* сўзида эвфемистик метафорик маъно ҳосил бўлиши учун сабаб бўлади. Метафора ҳосил қилувчи ва ҳосила маъно референти ўхшаш бўлиши билан боғлиқ ҳолда содир бўлади. Олим синекдохик ва вазифадошлик асосида эвфемик маъно пайдо бўлмаслигини таъкидлайди⁴⁷.

Айтиш керакки, эвфемизм ҳодисасига турли томондан ёндашилган. Масалан, А.Э.Маматов докторлик ишида (фразеологизмнинг семантик

⁴⁵Шомақсудов А. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1985. – Б.78-80.

⁴⁶ Holder R.W. How Not to Say What You Mean: A Dictionary of Euphemisms. – Oxford University Press, 2003. 113 p.

⁴⁷ Mirtojiev M.M. O‘zbek tili semasiologiyasi. – Toshkent: “Mumtoz so‘z”, 2010. – B. 119-127.

шаклланиш масалалари бобида) ибораларнинг эвфемик ва дисфемик шаклланишига алоҳида эътибор қаратади. Олим ахлоқий ва маданий жиҳатдан қўлланиши мумкин бўлмаган ёки ноқулай деб топилган тушунчаларни анча юмшоқ тарздаги бирикмалар билан ифодалаш эҳтиёжи ҳам фразеологизм пайдо бўлишига туртки бўлишини айтади. Жумладан, *хотин – умр йўлдоши, жуфти ҳалол* каби; *уйланмоқ – уйли бўлмоқ, бошини иккита қилмоқ, турмуш қурмоқ, ола хуржун бўйнига тушмоқ* каби⁴⁸.

Ҳ.Шамсиддинов эвфемизмни функционал-семантик синонимларни юзага келтирувчи ҳодиса сифатида баҳолаган⁴⁹. Эвфемизм орқали халқ руҳияти, дунёқараши, ижтимоий-маданий муносабатлар акс этади. Унда халқнинг миллий қадриятлари, этик ва эстетик қарашлари мужассамлашган. Негаки, эвфемизм инсон ҳаёти, турмуши, физик-биологик хусусиятлари, муомала маданиятига алоқадор тушунчани ифодалайди⁵⁰.

Шунингдек, айрим бадий тил билан боғлиқ ишларда ҳам тил бирликларининг эвфемик маъносига эътибор қаратилади. Жумладан, “Бобурнома” лексикасини махсус тадқиқ қилган олима З.Холманова асарда қўлланган эвфемизмларни икки турга ажратади: 1) лексик эвфемизм; 2) фразеологик эвфемизм. У асарда “ўлмоқ” лексемаси “бормоқ”, “кечмоқ” эвфемизмлари билан ифодаланганлигини, бу тушунча ўн тўққиз хил шаклдаги ибора билан берилганлигини айтади⁵¹.

Х.Қодированинг “Абдулла Қодирийнинг эвфемизм ва дисфемизмлардан фойдаланиш маҳорати” номзодлик диссертацияси⁵²да эса адиб асарларидаги эвфемик ва дисфемик бирликлар таснифланиб, услубий хусусиятлари баён

⁴⁸ Маматов А.Э. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари: Филол. фанлари д-ри... дисс. – Тошкент, 1999. – Б.156-159.

⁴⁹ Шамсиддинов Ҳ. Ўзбек тилида сўзларнинг функционал- семантик синонимлари: Филол. фанлари д-ри... дисс. автореф. – Тошкент, 1999. – 52 б.
Shamsiddinov H. So‘zlarning evfemik funksional-semantik sinonimlari // O‘zbek tili va adabiyoti. –1997. №6.–В.22-25.

⁵⁰ Шамсиддинов Ҳ. Сўзларнинг эвфемик функционал-семантик синонимлари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1997. 6-сон. –22-б.

⁵¹ Холманова З.Т. “Бобурнома” лексикаси тадқиқи: Филол. фанлари д-ри... дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – 22 б.

⁵² Qodirova X.B. Abdulla Qodiriyning evfemizm va disfemizmdan foydalanish mahorati. Avtoref. Fil.fan.nomzodi....diss. – Toshkent, 2012. –23 б.

этилган. Тадқиқотчи ёзувчининг эвфемик ва дисфемик бирликлардан фойдаланиш маҳоратини таҳлилга тортиб, Абдулла Қодирий асарининг эвфемик ва дисфемик маъноли бирликлари луғатини тузди.

А.Ҳожиёвнинг “Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати”да эвфемизмга қуйидагича изоҳ берилади: Эвфемизм (юнонча "euphemismos", эу - яхши + phemi - гапираман) нарса-ҳодисанинг анча юмшоқ шаклдаги ифодаси; кўпол, беадаб сўз, ибора ва табу ўрнида кўпол ботмайдиган сўз (ибора)ни қўллаш. Масалан, *иккиқат*, *бўғоз* сўзлари ўрнида *ҳомиладор*, *огироеқли* сўзларини қўллаш⁵³.

Бу тадқиқотларда эвфемизмларнинг анъанавий талқинларини кўрамиз. Маълумки, тилнинг антропоцентрик ғояси замонавий тилшуносликнинг асосини ташкил қилади. Зеро, у тил тизимининг турли тавсифини шунчаки аниқлаш билан ҳисоблаша олмайди, балки бунда инсон омили масаласига асосий диққатини қаратади. Эвфемик ҳодиса тилнинг муайян бир сатҳида фақат тил бирлиги сифатидагина эмас, балки унинг нутқий воқеланишида инсон омили масалалари билан боғлиқ жиҳатларини ҳам ўрганиш бошланган. Тадқиқотчи Н.Ғайбуллаева бир қатор мақолаларида тиббий эвфемизмлар хусусида фикр юритиб, шифокор нутқида эвфемизмлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга алоҳида аҳамият беради. У эвфемизациянинг лингвомаданий нутқ натижаси эканлиги, тиббиёт соҳаси тилининг лингвомаданий аспекти, шифокорнинг мулоқот маданияти, тиббиёт деонтологияси, шифокор ва бемор ўртасидаги муносабат, шифокор ва беморнинг яқинлари ўртасидаги муносабат, шифокорнинг ҳамкасблари билан муносабати, тиббий этика, психотерапиянинг шифокор фаолиятидаги ўрни каби масалалар ҳақида фикр юритади⁵⁴.

⁵³ Hojiyev A. Tilshunoslik terminlarining izohli lug‘ati. - Toshkent: O‘zME, 2002. –B. 124.

⁵⁴ Gaybullayeva N.I. The usage of euphemisms in the speech of doctors// International journal of research in humanities, Arts and literature (ИПАСТ:ИЖАЛ), 2018. – P.525-532. ИПАСТ Factor. 3.7943. // Тиббиёт соҳаси тилининг лингвомаданий аспекти // Лингвистика, таржимашунослик, лингводидактика//Халқаро анжуман материаллари тўплами. – Бухоро. 2018.26.09. –Б. 124-127. // Тиббиёт таълимида мулоқот маданиятининг аҳамияти // “XXI аср тиббиёт фанларининг долзарб масалалари” мавзусида 1 -халқаро илмий-амалий онлайн анжуман тўплами. УДК 6.61.613-615.

1.2. Эвфемизмларнинг гендер ифодалаш хусусияти

Гендер тушунчаси ва унинг пайдо бўлиши. Замонамизнинг энг нуфузли инглиз социологларидан бири Энтони Гидденс “Социология” китобининг 6-бўлимиде гендер масалаларига бағишлаган. Унинг фикрича, жинсни ўрганиш, одатда, социологиянинг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳисобланади. Гендер муаммолари социологик таҳлил учун шунчалик муҳимки, уларни битта соҳа билангина эмас, балки бошқа соҳалар билан боғлиқ ҳолда ўрганиш лозим⁵⁵.

Гендер фарқлар синф тизимларига қараганда чуқурроқ тарихий илдизларга эга; қадимги овчилар даврида, яъни синфсиз жамоаларда ҳам эркаклар имтиёзли мавқега эга эдилар. Бироқ замонавий жамиятда синфлар орасидаги тафовутлар шунчалик аҳамиятлидирки, ҳеч шубҳасиз, гендер фарқларни “ёпиб” кўйган. Аксарият аёлнинг моддий аҳволи, қоида тариқасида, уларнинг оталари ва эрларининг ҳолатини акс эттиради ва бу бугунги кунда жинслар фарқини синфлар тушунчалари орқали тушунтиришимиз керак, деган фикрни келтириб чиқаради⁵⁶, - дейди буюк социолог Э.Гидденс.

Гендерология – биологик жинсларни ижтимоий муҳитда ўрганувчи энг ёш фан. “Гендер” термини кўп маъноли бўлиб, фанга 1955 йилда буюк сексолог Жон Мани томонидан киритилган. Кўринадики, дастлаб бу термин тиббий маънога эга бўлган. Ҳозирги кунда эса гендерология йўналиши ижтимоий фан сифатида бўй кўрсатмоқда.

Жон Мани “гендерли роль” (“gender role”) тушунчасини ишлатган. Олим нафақат янги термин яратди, балки уни оддий таққослаш доирасидан чиқариб юборди. Унинг изоҳлашича, “гендер” тушунчаси кўпгина белгиларни аниқлаб беради, жумладан, жисмоний хусусиятдан то ижтимоий ролгача бўлган жараённи ўз ичига олади. Манининг ғояси моҳиятини ўтган

019. -Б.304-310.// Шифокор ва бемор мулоқотида тиббий эвфемизмлардан фойдаланиш йўллари // Filologiya masalalari. (10.00.00№18) – Toshkent, 2018. – №3. – В. 31-42.

⁵⁵ Гидденс Э. Социология. - Едиториал УРСС, 1999. – С.15.

⁵⁶ Гидденс Э. Гендер и стратификация // <http://society.polbu.ru>

асрнинг 50-йиллари охирида Лос-Анжелеснинг Калифорния университетига фаолият юритган психоаналитик Роберт Столлер очиб берди. У 1963 йилда Стокгольмда бўлиб ўтган илмий конгрессда гендер моҳиятини тушунтирувчи маърузаси билан қатнашди. Унинг фикрича, гендерни ўрганишни табиий фанлардан ажратиб олиб, психолог ва социолог ихтиёрига топшириш керак. Ўша даврда бу ғоя яхши қабул қилинмади, лекин 1970-йилларда аёллар ҳуқуқи учун курашувчиларга бу қўл келди⁵⁷.

Социолог, профессор Е.Здравомислова “гендер” атамасини 1968 йилда америкалик психолог ва психоаналитик олим Столлер “Gender and sex” китобида илмий муомалага киритганини айтиб ўтган. Бу сўз этимологияси латин тилига бориб тақалади. Рус тилига эса инглиз тили орқали кириб келган. “Гендер” термини бундан олдин ҳам феминист тадқиқотчилар томонидан ишлатилган, аммо Столлер бу атамани илмий асослаб қўллаган⁵⁸.

Энг обрўли инглиз социологларида бири Энтони Гидденс жинсга шундай таъриф беради: жинс – бу “эркак ва аёллар ўртасидаги жисмоний фарқ эмас, эркаклик шахсиятининг ижтимоий шаклланган хусусиятлари”. Гендер, унинг сўзлари билан айтганда, биринчи навбатда “хулқ-атворга тегишли ижтимоий муносабатларни” англатади⁵⁹.

Гендер – ижтимоий психологиянинг асосий тушунчаларидан бири. Гендернинг ижтимоий психологияси эса унинг бир қисми. У ижтимоий меъёрлар тадқиқоти билан шуғулланади. Гендернинг ижтимоий психологияси – белгиланган диний бидъатлар, қонун-қоидалар, ижтимоий идрок, ўз-ўзини ҳурмат қилиш, ижтимоий роль ва меъёрларнинг пайдо бўлишини ўрганиш майдончаси⁶⁰.

Изланишлар “дженде” сўзидан келиб чиққан ҳолда гендерли тадқиқотлар деб номлана бошланган. Россия фанида бу атама илк бор XX асрнинг 80-йиллари охирида пайдо бўлиб, грамматик родни ифодалаган.

⁵⁷ <https://theoryandpractice.ru/posts/8521-gender>

⁵⁸ <https://m.colta.ru>

⁵⁹ <http://elar.urfu.ru>

⁶⁰ Берн Ш. Гендерная психология: законы мужского и женского поведения. СПб.: Прайм-Еврознак, 2008.– 318 с. /psymania.info

1985 йилда Пекинда Россия имзолаган БМТнинг аёллар “Камситилишга қарши кураш декларацияси” қабул қилингандан сўнг бу борада жиддий изланишлар бошлаб юборилди. Москвадаги гендер тадқиқотлар маркази (ГТМ)нинг ташкил этилиши ҳам айнан шу масала билан боғлиқ. ГТМ филиаллари Россия Фанлар академияси, халқаро аҳоли институти, демография институтида ўз фаолиятини олиб борган. Марказда кўплаб олим – Анастасия Посадская, Наталья Захарова, Наталья Римашевская – феминизм ва гендер тадқиқотлари билан шуғулланган⁶¹.

Тадқиқотчилар гендер ҳодисасининг бир қиррасини дискриминация (камситиш)га оид муаммоларни жинс белгисини ҳал қилувчи восита сифатида кўрсатган, ваҳоланки, бу ҳодиса сиёсий ва ижтимоий жараёнлар билан боғлиқ.

Психолог Шон Берннинг эътирофича, “гендер” – бу “эркак” ва “аёл” тушунчасига берилган ижтимоий-биологик тавсиф. Чунки жинс биологик категория, психологлар биологик асосланган “жинсий” гендерли фарқларга далил келтирган⁶².

“Гендер” термини рус тилида инглиз тилидаги “genre” сўзининг (меъёрн кураши даврида) французлар ўзлаштирган шакли сифатида пайдо бўлган. “Гендер” ва “жанр” бир ўзакли сўз, французлар, ўз навбатида, асоси грек сўзи бўлган “gen” ўзагидан фойдаланишган, у “яратмоқ” маъносини билдириб, у бизга “генезис” ва “ген” сўзлари орқали яхши таниш. Бир неча аср гендер атамасидан ўзи ифодалайдиган асл мазмунидан ташқари маънода фойдаланиб келинган, фақат XX асрнинг иккинчи ярмида мазкур атама ўзининг биринчи маъносида ишлатилган. Ўшангача у рус тилида грамматик род маъносини билдирган. Ҳақиқатан, 1611 йилда босилиб чиққан қирол Яковнинг “Библия”сида “gender” феъли “кўпаймоқ” маъносини билдирган⁶³.

⁶¹ <https://m.colta.ru>

⁶² Берн Ш. Гендерная психология: законы мужского и женского поведения. СПб.: Прайм-Еврознак, 2008.–318 с. /psymania.info

⁶³ <https://theoryandpractice.ru/posts/8521-gender>

Гендер – ижтимоий жинс, инсоннинг жамиятдаги хулқ-атвори асосидаги типи. Бу – аёллик ва эркакликни намоён этадиган ижтимоий меъёр. Баъзида гендер “эркак” ва “аёл” тушунчаси синоними сифатида ҳам қўлланилади. Демак, мазкур атама бу икки жинс вакиллари хулқ-атворининг аниқ стандарти. Аммо айтиш керакки, ҳаётда аёлда эркаклик (“юбкадаги эркак”), эркакда эса аёллик (мулойим, иродаси бўш, хиссиётли эркак) гендерини учратиш мумкин⁶⁴.

А.А.Денисова биологик нуқтаи назардан эркак ва аёл орасида тафовутдан кўра ўхшашлик анча кўп эканлигини таъкидлайди⁶⁵. Тадқиқотчилар улар орасидаги муҳим биологик фарқ уларнинг насл қолдиришдаги роли деб ҳисоблашади. Шубҳасиз, баланд/паст бўй, оғирлик ва жисмоний қувват каби “типик” жинслар орасидаги фарқлар ниҳоятда ўзгарувчан ва жинс тушунчасига камроқ боғлиқ. Биологик фарқлар ўлароқ, одамлар орасида уларнинг жамиятдаги ижтимоий роли, фаолияти, хулқ-атворидаги фарқлар ҳам мавжуд. Антрополог, этнограф ва тарихчилар анча олдин “эркакка хос” ва “аёлга хос” тасаввурларнинг нисбийлигини аниқлаб берганлар, яъни бир жамиятда эркак машғулотлари деб саналган ҳодиса, бошқасида аёлга хос.

А.А.Денисова тўғри таъриф берганидек, биологик жинс турли жамиятда яшаб, турли ижтимоий ролга эга бўлган инсонларни фарқлашга сабаб бўла олмайди. Шу нуқтаи назардан ёндашганда, одамларнинг биологик жинсидан келиб чиққан ҳолда, уларнинг ижтимоий ва маданий меъёрлари йиғиндисини белгиловчи омил асосида “гендер” тушунчаси шаклланган. Шу билан бирга, аёл ва эркакнинг психологик сифати, хулқ-атвори, фаолияти ва касбини биологик жинс эмас, ижтимоий-маданий меъёрлар белгилаб беради. Жамиятда эркак ёки аёл бўлиш у ёки бу анатомик хусусиятга эга бўлиш эмас, балки гендерга хос ролни бажариш билан белгиланади. Демак, гендер – жамиятда аёл ва эркакнинг ижтимоий модели.

⁶⁴ <https://www.psychologos.ru> Козлов Н.И. Гендер: чем определяется наш социальный пол?

⁶⁵ www.twirpx.com Денисова А.А. (ред.) Словарь гендерных терминов. М.: Информация XXI век, 2002. –Стр.5.

Гендер системаси – жинслар орасидаги тенгсизлик. Гендер жамиятнинг ижтимоий стратификацияси усулидан бири, ирк, миллат, синф, ёш каби ижтимоий-демографик омиллар билан бирга ижтимоий иерархияни ташкил этади. Гендер системасининг сақланиши ва ривожланиши учун инсонлар онги жуда муҳим. Индивидларнинг гендер онгини лойихалаш ижтимоий ва маданий стереотипларни сақлаб қолган ҳолда жамиятдаги меъёр ҳамда кўрсатмаларни бузиш орқали юзага келади (“эркакшода аёл”, “хотинчалиш эркак”)⁶⁶.

Инсон туғилишидан бошлаб то охирига нафасигача гендер системаси таъсирининг объекти бўлади (жамиятдаги рамзий удумлар, туғилган боланинг жинси, кийимининг ранги, ўйинчоқлари ва ҳ.). Кўришиб турибдики, “аёлга оид” ва “эркакка оид” деган рамзий маъно вужудга келади. “Эркакка оид” тушунча Аллоҳ, ижод, ёруғлик, куч, фаолликка нисбатланса, “аёлга оид” нарсалар юқоридагиларга зид бўлган тушунча ва ҳодисаларга тенглаштирилади.

Гендер системаси тушунчаси тадқиқотчилар томонидан турлича талқин қилинади. Илк бор поло-гендер системаси терминини америкалик феминист-антрополог Гейл Рубин “Trafficking in women” (“Аёллар савдоси”) мақоласида қўллаган. У поло-гендер системасини “биологик жинсий яқинликни инсон фаолиятидаги маҳсулотга ўзгартирувчи механизмлар тўплами”, дейди.

Гендер системасини ўрганиш жинслар орасидаги ижтимоий ташкиллаштирилган муносабатларни тушунишга ёрдам беради. Швед тадқиқотчиси Иван Хирдман гендер системасини эркак ва аёл орасидаги муносабатлар йиғиндиси деб билади. Шу ўринда у жинсларнинг жамиятдаги ўрни, мақсади, қонун-қоида ва меъёрлар ҳақидаги тасаввурларини инобатга олади.

А.А.Денисова айтганидек, гендер системаси институтлар, жинслар орасидаги хулқ-атвор, ижтимоий ўзаро таъсирдир. У ўзаро боғланган уч

⁶⁶ www.owl.ru/gender Словарь гендерных терминов

таркибдан иборат: биологик жинс асосидаги гендер категориясининг ижтимоий тузилиши; меҳнатнинг жинсий тақсимоти; жинсий яқинликнинг ижтимоий мунтазамлиги⁶⁷.

Ҳозирги кунда *гендер* сўзи, аввало, ижтимоий-психологик жинсни, инсоннинг жамиятдаги ахлоқи ва унинг қандай қабул қилинишини билдиради. Гендер тадқиқотлари қуйидаги муҳим саволларни ўртага ташлайди: ўзимизни эркекми, аёлми ёки қандайдир дурагай вариант деб ҳис қилишимиз нимага боғлиқ – биологик тузилишгами, маданий белгигами ёки жамият талабларигами? Инсон “эркаклик” ва “аёллик” хулқи мезонларига мос келиши керакми? Ҳозиргача бу саволларга тўлақонли жавоб йўқ, аммо қатор гендер фарқлар маданият орқали белгиланиши изланишларда таъкидланади. Мисол сифатида болалар кийими рангини олайлик. XX аср бошида пушти ранг ўғил болага, мовий ранг қизларга мос деб ҳисобланган. Бу қараш 30-йиллар охирида ўзгарган⁶⁸. Бошқа томондан, тадқиқотлар эркек ва аёллар ақл-идрокида жисмоний фарқлар борлигини тасдиқлаб келмоқда. Нейросексизм душманлари бу фарқлар туғма эмас, орттирилганлигини исботлашга ҳаракат қилиб келмоқда.

Гендер стереотиплари, кўпинча, ижтимоий меъёрлар сифатида таъсир кўрсатади. Меъёрий ва информацион тазйиқ гендер меъёрларига бўйсунушга мажбур қилади. Бу таъсир шундаки, инсон ижтимоий таҳсинга лойиқ бўлиш учун гендер қолипига мос келишга ҳаракат қилади. Одамлар ижтимоий ахборот таъсирида бўлганлиги учун гендер меъёрларини тўғри деб ҳисоблайди. Чунки улар шундай жамиятда яшайдикки, унда, одатда, эркеклар бир нарса билан, аёллар эса бошқа бир нарса билан шуғулланади, яъни гендер фарқлари табиий бир ҳол сифатида бўй кўрсатади. Шунинг учун улар

⁶⁷ www.twirpx.com Денисова А.А. (ред.) Словарь гендерных терминов. –М.: Информация XXI века, 2002. –Стр.6.

⁶⁸ <https://theoryandpractice.ru/posts/8521-gender>

гендер меъёрларини қабул қилиб, унга амал қиладилар. Бунинг амалий натижасини эса уларнинг хулқ-атворида кузатиш мумкин⁶⁹.

Айтиш керакки, гендер стандартлари – замонавий тамаддун асосларидан бири. Бу – аёлларнинг тор доираси “аёллар иши”да қотиб қолмайди, ўзларига ёққан машғулот билан шуғулланишга замин яратиб беради дегани. Аксинча, эркак ҳам, кўпинча, аёл шуғулланган ишда ўзини синаб кўриши мумкин⁷⁰.

Ҳозирги кунда гендернинг ҳар қандай ижтимоий-психологик текшируви сиёсийлашган, бунда фаннинг роли нафақат дунёни ўрганиш, балки жинслар тенг ҳуқуққа эгаллиги тамойилини илгари суришдан иборат. Бунинг қонуний мувофиқлиги шундаки, гендернинг ижтимоий психологияси феминистик ҳаракатнинг мақсадига мос келишида⁷¹. Лотт таъкидлаганидек, ижтимоий психология ҳар қандай вазиятда ҳам гендер тадқиқотлари билан кесишиб ўтади. Зеро, ижтимоий хулқ-атвори сақловчи ва шакллантирувчи шароитларни ўрганиш гендерни маданий жиҳатдан ўрганишни билдиради⁷².

Феминистик ғоялар маданиятнинг турли соҳаларига кириб бориши ниҳоятда жадал суръатлар билан давом этди: 70-йилларнинг бошида ҳаммани ҳайратга солган мунозара ва ҳис-ҳаяжонлар тўфонини кўзгаган анъанавий маданиятнинг жинсийлик концепцияси (жинсга кўра камситиш) эндиликда маданий ғарб кишиси онгига ажралмас бир тушунча бўлиб кирди. Амалда жинсийликка қарши кураш БМТнинг “Хотин-қизларни камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги конвенция”сида (1979) ҳам эълон қилинган⁷³. Кейинги йилларда Ўзбекистон журналистлари ҳам жамиятдаги мавжуд гендер зиддияти ҳақида сўз юритмоқда. Ижтимоий стереотиплар (улар сирасига гендер стереотиплари ҳам киради) мазмун жиҳатидан маълум ижтимоий ҳодиса ёки объект хусусидаги ҳиссий бўёқларга эга

⁶⁹ www.psychomania.info Берн Ш. Гендерная психология: законы мужского и женского поведения. – СПб.: Прайм-Еврознак, 2008. – 318 с.

⁷⁰ www.psychologos.ru Козлов Н.И. Гендер: чем определяется наш социальный пол?

⁷¹ www.psychomania.info Берн Ш. Гендерная психология: законы мужского и женского поведения. – СПб.: Прайм-Еврознак, 2008. – 318 с.

⁷² www.psychomania.info Берн Ш. Гендерная психология: законы мужского и женского поведения. – СПб.: Прайм-Еврознак, 2008. – 318 с.

⁷³ Гендер муносабатлар назарияси ва амалиётига кириш. –Т.: Ўзбекистон, 2007.–28-б.

стандартлаштирилган ва барқарор тасаввурни англатади. Аҳолининг гендер ҳақидаги тасаввури демократик, ҳуқуқий жамият қуриш жараёнида мазмун жиҳатидан ўзгариб боради. Бундай ўзгариш – гендер тенглигига эришиш, ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда ижтимоий тараққиётни таъминлашда муҳим шарт ҳисобланади. Зеро, аёл ва эркакнинг ижтимоий ҳамкорлиги – ҳозирги давр ҳамда келажакнинг зарурий асоси⁷⁴.

Демак, “гендер” тушунчаси ва унинг пайдо бўлиши масаласи тиббиёт соҳасидан бошланиб, ижтимоий-гуманитар йўналишларда ҳам кенг қулоқ ёзди. Гендер – мураккаб ижтимоий-маданий жараён, жамиятдаги эркак ва аёлнинг ҳуқуқ-атвори, ўрнини билдириб, гендернинг ижтимоий конструкти бўлиб, нафақат биологик фарқни, балки ижтимоий-маданий меъёрларни ҳам белгилаб берувчи кенг қамровли серқирра категория.

Гендер ҳодисасининг лингвистикада тутган ўрни. Тил инсон ҳаёти, унинг ижтимоий фаолияти билан боғлиқ. Лисоний белгининг қандай ижтимоий вазифа ўташи, ундан қандай фойдаланишни билиши учун инсоннинг қайси ижтимоий тузумда яшашини ҳам эътиборга олиш бугунги кун тилшунослиги учун муҳим.

Бугунги кундаги гендер муаммосига оид тадқиқотларни В.А.Кирилина икки йўналишга ажратади:

1. Гуманитар фанлар доирасида гендер муаммоси.
2. Лингвистик гендерология муаммоси.

Гуманитар фанлар доирасидаги гендер муаммосини ечиш учун социология, психологияда ўрганилган тадқиқотлар тилшунослик учун ҳам асос бўлади. Гендернинг категория сифатидаги мақоми ўрганилади.

“Гендер” тушунчаси замонавий лингвистикага бошқа ижтимоий фанларга нисбатан кейинроқ, айнан XX асрнинг иккинчи ярмида кириб келган⁷⁵. Гендер лингвистикаси – гендер тадқиқотларини ўрганувчи илмий йўналиш, унда гендер лингвистик тушунча сифатида кўриб чиқилади. Гендер

⁷⁴ fayllar.org

⁷⁵www.owl.ru Горошко Е. Гендерная проблематика в языкознании.

лингвистикасининг пайдо бўлиши ва жадал ривожланиши XX аср охирларига тўғри келади. Бу йўналиш икки гуруҳ муаммоларини ўрганади:

1. Тил ва унда гендернинг ифодаланиши. Бунга лексикон, синтаксис, род категорияси ва бошқа шунга ўхшаш объектлар киради. Бундай ёндашувдан мақсад турли жинс вакилларининг тилдаги ўрни, уларга берилган баҳо ва қайси семантик соҳада кенг тарқалганлигини ифодалаш ва тушунтиришдан иборат. Бу бир ёки бир неча тил бўйича чоғиштирма тадқиқот бўлиши мумкин.

2. Эркак ва аёлнинг коммуникатив хулқ-атвори. Гендернинг қандай нутқий вазиятда қайси восита ёрдамида тузилиши, бунга ижтимоий омил ва коммуникатив муҳитнинг таъсир этиш жараёни (интернет, аёл ва эркаклар нутқидаги ўзига хос хусусиятлар). Бу борада ҳозиргача ижтимоий-маданий детерминизм ва биодетерминизм назариялари рақобатлашиб келмоқда⁷⁶.

Гендер лингвистикаси эса илмий йўналишдаги гендер тадқиқотлари таркибига кириб, лингвистик тушунчалар ёрдамида гендерни ўрганади.

Гендер лингвистикаси соҳасидаги илмий тадқиқот ишларида катталар нутқи, ўсмирлар нутқи, болалар нутқиغا эътибор қаратилгани ҳолда аёл ва эркак нутқи, ўғил бола ва қиз бола нутқидаги фарқлар назарда тутилади.

XX аср ўрталарида Россия ижтимоий фанларида гендер лингвистикаси жадал суръатда ривожлана бошлайди. Бошланғич босқичда гендершунос олимларнинг диққат-эътиборида фақат умумметодологик муаммолар бўлганлиги боис изланишлар фарқланмаган ҳолда ривожланган.

Алла Кириллина ва Мария Томская гендер атамасига илмий тус бериб, атаманинг фанга киришига сабаб бўлишди. Бундай нуқтаи назар, табиийки, гендернинг тил ва коммуникациядаги лингвистик механизмини ўрганишни кучайтирди.

XX асрнинг иккинчи ярмида янги ижтимоий-фалсафий назариялар ғарб жамиятини демократлаштириш билан бирга рўй бериб, 1968 йилда талабалар революцияси, феминизмнинг фаоллашуви бир қатор янги ғояларнинг пайдо

⁷⁶ <https://ru.m.wikipedia.org>

бўлишига сабаб бўлди. Жинснинг ижтимоий-маданий шартлигини тушуниш масаласи ҳам шу ғоялар таркибига киради. АҚШдаги “Янги аёллар ҳаракати” гендер концепциясини илмий англаш ва унинг сиёсий кураш мақсадида тарқалишига тўртки бўлди.

XX асрнинг 60-йиллари охирида тилшуносликда (асосан, АҚШ ва Германияда) ҳозирда ҳам фаолият кўрсатиб турган феминистик лингвистика оқими пайдо бўлди. Феминистик лингвистикада тил ҳамма инсонга тенг эмас, фақат эркакка йўналтирилганлиги сабабли танқид қилинади. Шунинг учун феминистик лингвистика тилни реформация қилишни кўп мартаба тавсия қилган.

Тилда аёллар дескрипциясини ўрганиш билан бирга тадқиқотларнинг бошқа йўналишлари ҳам пайдо бўлди. Бунга гендернинг социолингвистик, психолингвистик ва лингвокультурологик ўрганилишини мисол қилиш мумкин.

Ўтган асрнинг 70-йилларда В.Лабовнинг социолингвистик ишларида тилда гендер фарқларининг ижтимоий табиати ўзининг муҳим исботини топди. Бу ўринда унинг хулосаси муҳим, чунончи, у эркак ва аёл нутқида юзага келган табиий фарқлар гипотезасини рад этади. Олим талаффуздаги фарқлар мутлақ эмаслигини кўрсатиб, аёллар бир вариантни хуш кўрса, эркаклар бошқасини афзал кўришини исботлаб берди. В.Лабов бундаги афзаллик ижтимоий гуруҳ ва бошқа ижтимоий омилларга ҳам боғлиқлигини таъкидлайди.

Гендер маданият маҳсули сифатида халқнинг фольклор ва урф-одатлар тилидаги аёллик ҳамда эркаклик ҳақидаги тасаввурларини ифодалайди.

А.Кирилина гендер тилшунослигининг социолингвистикадан фарқини куйидагича изоҳлайди: “Гендер тилшунослиги олдида турган асосий мақсад тилда қайси жинс эгаси ҳокимлик қилиши эмас, балки уни (ҳокимликни) тасвирловчи воситаларнинг тилда мавжудлиги, гендернинг қандай прагматик

ва коммуникатив контекстда ҳосил бўлиши ва ушбу жараёнга экстра ва интралингвистик омилларнинг таъсирини ўрганишдир”⁷⁷.

Бугунги тилшуносликнинг янги парадигмаси бўлган гендер лингвистикаси ўз олдига муҳим масалаларни қўйган. Маълумки, сўзловчи қайси жинс ёки тоифа вакили бўлишидан қатъи назар, ҳамма учун ягона бўлган лисоний тизимдан фойдаланади. Аммо ҳар бир шахснинг нутқий ёки лисоний қобилияти ва имконият даражаси турлича бўлиши аниқ. Тилшуносликка гендер термини ижтимоий фанлар соҳасидан кириб келган. Янги термин пайдо бўлгунича лингвистик семантика тилшуносликда жинс тушунчасининг *sexus* маъносида келишини инкор этмаган, чунки у кўпгина лексик birlikлар қаторига киради (*эркак, аёл, она, ота...*).

Тил ва гендер ўртасидаги ўзаро муносабатни тадқиқ этиш масаласи ғарб ҳамда рус тилшунослигида анча кенг ва атрофлича ўрганилган. Зеро, гендер тадқиқотлар марказида маданий ва ижтимоий омил туради. Жинсга оид кўпгина тадқиқотлар гендер тушунчаси пайдо бўлишидан олдин ёзилган ва *sex, sexus* тушунчалари орқали изоҳланган.

Лингвистикада терминологик birlikлардан фойдаланиш қуйидаги хусусиятларни намоён этади:

–*гендер* термини инглиз тилига латин тилидан олинди, инглиздан бошқа тилларга ўзлашди; у рус тилидаги род категориясининг инглиз тилидаги муқобили саналиб, баъзи бир тушунмовчиликларни келтириб чиқарди;

–қатор тадқиқотчилар аввалги тушунчаларга таянди: *sex role, sex difference* каби терминлардан фойдаланиб, жинснинг муҳимлигини таъкидлашди. Инглиз тилидаги кўпгина илмий ишларда икки тушунча ҳам тенг ишлатилганлигини кузатиш мумкин.

Гендер атамаси борасидаги тушунмовчиликлар бошқа тилларда ёзилган илмий ишларда, шу билан бирга, уларни рус тилига таржима қилганда пайдо бўлган. Масалан, немис тилида гендер тушунчаси билан бир қаторда,

⁷⁷ Кирилина А.В. Гендерные исследования в отечественной лингвистике: проблемы, связанные с бурным развитием // Гендер: язык, культура, коммуникация. – М., 2002.

geschlecht, das soziale geschlecht каби немис лексик бирликларидан ҳам фойдаланилади.

Sex гендери рус тилидаги *seks-pol* тушунчаларига мос келмайди. Айнан ана шу факт инглиз тилининг илмий дискурсига *гендер* терминини киритишга сабаб бўлган. Бошқа томондан, охириги йилларда ғарб давлатларида янги тенденция – жинс маъносини билдирувчи *sex* сўзини *gender* сўзи билан ўзгартирилиши аниқланди⁷⁸.

Рус тилшунослигида гендер, жинс, социал жинс, инсоннинг биосоциал тавсифлари каби терминлар ишлатилади.

Демак, *sexus* (табий жинс) ва *gender* атамаларининг ўзаро муносабатини тилшуносликда қуйидагича таърифлаш мумкин: “Табий жинс– (*sexus*) шахснинг биологик хусусияти билан боғлиқ лексик атама, *гендер* эса жинснинг ижтимоий-маданий аспекти ифодаловчи тушунча”⁷⁹. “Гендер – шахснинг қайси бир ижтимоий қатламга тегишлилиги кўрсаткичи. Ижтимоий институтлар (армия, мактаб ва ҳ.) ҳамиша фарқланиб, ўзларига мақом, қонун-қоидани ишлаб чиқиш орқали жамиятда келишилган қатламлар деб топилган. Ҳаттоки ижтимоий-маданий ҳаётимиздаги урф-одатлар ҳам гендерологик хусусиятларни ўзида акс эттириб, бу хусусиятларни миллий либос, кундалик ҳаётимиздаги турмуш тарзимиз ва рамзларда кўришимиз мумкин. Гендер айнан бир миллатнинг ижтимоий-маданий маҳсули, халқ оғзаки ижоди, эртак, урф-одат ҳамда тилда ўз аксини топган ўша миллатгагина хос аёллардаги “назокат” ва эркакларга хос “мардлик”ни ифодалайди. Шунингдек, ижтимоий гуруҳлар онгида у ёки бу жинсга хос бўлган сифатларнинг гендерологик тасаввурлари мавжуд”⁸⁰.

Россияда XX асрнинг 90-йилларида пайдо бўлган гендер муаммолари, кўпинча, тилшунослик билан кесишувчи психоллингвистика, социоллингвистика, этнолингвистика ва лингвокультурология каби туташ

⁷⁸ <https://theoryandpractice.ru/posts/8521-gender>

⁷⁹ <https://theoryandpractice.ru/posts/8521-gender>

⁸⁰ Кирилина А., Томская М. Лингвистические гендерные исследования // Отечественные записки. Журнал для медленного чтения.– М.: Высшая школа экономики, 2012.– С.52.

йўналишдаги фанларнинг қимматли маълумотлари асосида ўрганилди. Улар матн ва оғзаки нутқ, вербал коммуникатив алоқада шахснинг жинси ва ёшининг таъсири, нутқда эшитувчи томонидан гендерологик фарқларнинг қабул қилиниши каби ўзига хос жиҳатларни ўрганиб чиқишган. Земская ва Китайгородскаялар рус зиёлилари оиласи намунасида, уларнинг мулоқотини кузатиб, керакли хулосаларга келганлар⁸¹.

Ўзбекистонда гендер тилшунослигининг бошланиши ва ривожланишидаги илк изланишлар сифатида З.Акбарованинг “Ўзбек тилида мурожаат шакллари ва унинг лисоний тадқиқи”⁸², Н.Аҳмедованинг “Ўзбек тилида мурожаат шакллариининг семантик-коннотатив тадқиқи”⁸³, Ш.Искандарованинг “Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари” мавзусидаги номзодлик⁸⁴ ҳамда “Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш (шахс микромайдони)” номли докторлик диссертацияларини кўрсатиш мумкин. Бу тадқиқотларда, асосан, аёллар нутқининг баъзи лингвистик хусусиятлари ёритилган, уларда гендер атамаси умуман қўлланилмаган ва гендер ўрганиш объекти сифатида тадқиқ қилинмаган.

Г.Ш.Атаханова инглиз ва ўзбек тиллари материали асосида “инсоннинг ёши” концептини ва унинг миллий-маданий хусусиятларини тадқиқ қилди. И.М.Тўхтасинов инглиз ва ўзбек тиллари бадиий матнида қўшма сўзларнинг лингвомаданиятшунослик ва гендер хусусиятларини батафсил ўрганган. Г.И.Эргашева гендер терминлари шаклланишининг лингвистик ва экстралингвистик омилларини аниқлади. А.А.Морозова испан тилида эркаклар ва аёлларга хос концептларнинг шаклланиши ва қўлланишини ўрганди. М.К.Халикова рус ва ўзбек фразеологик бирликлари мисолида

⁸¹Земская Е.А., Китайгородская М.А., Розанова Н.Н. Особенности мужской и женской речи // Русский язык в его функционировании. – М., 1993. –С.90-136.

⁸² Akbarova Z. O`zbek tilida murojaat shakllari va ularning lisoniy tadqiqi: Filol.fan.nom...dissert. – Toshkent, 2007.

⁸³ Ahmedova N. O`zbek tilida murojaat birliklarining semantik-konnotativ tadqiqi: Filol.fan.nom...dissert.– Toshkent, 2008.

⁸⁴ Iskandarova Sh. O`zbek nutq odatining muloqot shakllari: Filol.fan.nom...dissert. avtoreferati. – Toshkent, 1994.

инсон ва унинг менталитетини тавсифлашнинг лексик-семантик, грамматик ва стилистик хусусиятларини аниқлади⁸⁵.

Н.Насруллаева эса “Инглиз ва ўзбек тилларида оламнинг фразеологик манзарасида гендер концептларининг шаклланиши” мавзусидаги докторлик диссертациясида оламнинг инглиз ва ўзбек фразеологик манзараларида гендер концептлар шаклланиш жараёнининг моҳиятини очиб, уларнинг универсал ва миллий-маданий хусусиятларини аниқлаб берган⁸⁶. Г.Искандарова болалар мулоқот хулқининг гендер ва лингвокультурологик хусусиятини таҳлил қилиб берган⁸⁷.

Профессор М.Курбонова бадиий матн бўйича гендер тадқиқотларда икки жиҳатга алоҳида эътибор қаратилаётганлигини таъкидлайди: 1. Аёл ва эркеклар маълум бир воқеликни, унинг парчасини тасвирлашда ёки бошқа ҳолатларда фикрни ўзига хос тарзда баён этиши (нутқнинг гендер хусусияти). 2. Муайян тил тизимида аёллик ва эркеклик белгилари билан боғлиқ тушунчаларни ифодаловчи лингвистик воситаларнинг мавжудлиги (тил тизимида аёл ва эркекни бир-биридан ажратиш, фарқлашга хизмат қилувчи тил бирликларини белгилаш)га катта эътибор қаратиш. Олима грамматик (формал) ва биологик (реал) жинс тушунчаларини бир-биридан фарқлаш зарурлигини таъкидлайди⁸⁸.

XXI асрнинг бошларида гендерологиянинг тадқиқ қилиш методологияси психолингвистика ва социолингвистика йўналишларида

⁸⁵ Насруллаева Н. Инглиз ва ўзбек тилларида оламнинг фразеологик манзарасида гендер концептларининг шаклланиши: Док...дис...автореферати. – Тошкент, 2018. – 71 б. – 9-б.

⁸⁶ Насруллаева Н. Инглиз ва ўзбек тилларида оламнинг фразеологик манзарасида гендер концептларининг шаклланиши: Док...дис...автореферати. – Тошкент, 2018.– 71 б.

⁸⁷ Искандарова Г. Болалар мулоқот хулқининг гендер ва лингвокультурологик хусусиятлари // ЎЗМУ хабарлари. – Тошкент: Университет, 2015.–№1/2.–Б.200-203.; Iskandarova G. The Role of Linguoculturological Factors in Childrens' Communication // International Journal of Central Asian Studies Volume 19. –Korea, 2015. –P. 163-180.; Искандарова Г. Гендерные и лингвокультурологические особенности детской речи // Гуманитарные науки в XXI веке: человек, общество, глобальный мир. Материалы международной научной конференции, посвященной 70-летию ТНИИЯЛИ – ТИГИ.– Г.Кызыл, 2015. – Стр. 507-514.

⁸⁸ Курбанова М. Тилшуносликда гендер тадқиқотлар//Ўзбек тилшунослиги мамлакатимиз инновацион тараққиёти кўзгусида//Республика илмий-назарий анжумани материаллари. (ҳамкорликда).–Тошкент, 2012.; Курбанова М. Ўзбек тилида дискурсининг гендер хусусиятлари//Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари// Республика илмий-назарий анжумани материаллари. –Тошкент, 2012.

ишлаб чиқилди. Лекин ҳозирги кунда гендер тадқиқоти бир неча йўналишлар кесимида олиб борилганлиги сабабли, баҳс-мунозарага олиб келувчи кўпгина муаммолар мавжуд. Бу – мавзуга доир илмий тадқиқотлар олиб борилиши, гендер муаммоларга бўлган қизиқиш янада ортиб бораётганлигининг далилидир.

Ўзбек тилида эвфемизмларнинг гендер аспекти. Гендерда хушмуомалалик тамойили эвфемизмларни шакллантирувчи восита сифатида. Кўпгина лингвистлар эвфемизмларнинг пайдо бўлиши асосида бир қатор прагматик сабаблар мавжудлигини кўрсатиб берадилар: хушмуомалалик, назокатлилиқ, инжиқлик, одоблилиқ ва ҳ.к.

Ҳозирги кунда жамиятда гендер мезони муҳим омиллардан бири ҳисобланиб, аёл ва эркак нутқидаги хушхулқлик муаммолари, уларнинг ўхшашлик ва фарқли томонлари тадқиқи кўпгина соҳа мутахассисларининг диққат-эътиборида (Е.А.Земская, А.П.Мартинюк, Р.Лакофф, Ж.Коаст ва б.).

Г.Грайс ва Ж.Личлар қайд қилганларидек, эвфемизация ҳодисасида прагматиканинг асосий тамойилларидан бири – хушмуомалалик кўпроқ учрайди. Бу тамойил асосида яратилган эвфемизмлар дискриминациянинг турли шакллари мулойимлаштиради. Масалан, ёшга оид, жинсий, этник, жисмоний ва ҳ.

Г.А.Вильданованинг ёзишича, прагматика ва социолингвистика тадқиқотларида хушмуомалалик категорияси муҳим ва унумли соҳалардан биридир.

Коммуникация жараёнида хушмуомалалик тамойили муҳим ўрин тутиши сабабли боадаблиқ назариясига катта аҳамият берилган (П.Браун, С.Левинсон, Дж.Лич, Б.Фрейзер, Г.Каспер, Л.А.Азнабаева, Т.В.Ларина, Н.И.Формановская, В.И.Красик, Е.А.Земская, И.Т.Пиирайнен ва б.).

Хушмуомалалик коммуникатив хулқнинг тамойили сифатида Н.И.Формановская томонидан инсоний коммуникатив ўзаро таъсирлар, ўзига хос “тил муносабатлари” ва инсон хулқининг тавсифи деб изоҳланади. Хусусан, хушмуомалалик ижтимоий ўзаро таъсирлар сифатида олинганда,

унинг асосида, бир томондан, суҳбатдошнинг шахси, фикри, қизиқиши ва хоҳишига нисбатан ҳурмат бўлса, бошқа томондан, сўзловчининг мазкур жамиятнинг тарбияли ва одобли аъзоси сифатида тилга оид компетенциясининг тақдмоти туради. Хушмуомалалик тамойилига риоя қилиш ижтимоий ўзаро таъсирлар самарадорлигини оширишга қаратилган.

Хушмуомалалик – мураккаб ижтимоий-маданий ҳодиса, сўзловчи ва тингловчи орасидаги шахсий муносабат. Бунда инсон коммуникацияда шеригининг қизиқиши, фикри ва хоҳишларини эътиборга олиши лозим. Хушмуомалалик – инсонлар орасидаги суҳбатни барқарорлаштирадиган муҳим омиллардан бири⁸⁹.

Хушмуомала бўлиш учун қаерда ва қандай вазиятда бу одат кадрланишини билиш зарур. Хушмуомалалик – нисбий тушунча, маълум бир коммуникатив контекстда хушмуомалалик деб тан олинса, бошқасида мўътадил ҳодиса, яна бир ўринда номақбул бўлиши мумкин. Бу борада хушмуомалалик қоидалари бир неча марта тузатилиб ва тўлдириб келинган (Clyna, Brown, Levinson, Азнабаева). Ўзаро нутқий таъсирлар муаммосини ўрганган кўпгина тилшунослар П.Браун ва С.Левинсонларнинг хушхулқлик назариясига таянади⁹⁰.

Тилимизда муайян бир фикрни бир қанча шаклу шамойилда ифодалаш имконияти мавжуд, айнан қайси шаклу шамойилни танлаш, мулоқот вазияти учун энг уйғун ифодани топа билиш нутқ эгасининг маҳорату малакаси, маърифату маънавиятига боғлиқ⁹¹. Ўзбек нутқ одобида сўзловчи суҳбатдошининг руҳияти, кайфияти, дунёқарашини ёшига қараб муомала қилиши, ўзига хос қоидаларга амал қилиши қонуният даражасига кўтарилган. Нутқимиз кўрки бўлиб хизмат қилувчи эвфемизмлар мулойимлик ҳамда хушмуомалалик тамойилларига тўла-тўқис жавоб беради.

⁸⁹www.twirpx.com Вильданова Г.А. Гендерный аспект эвфемизации (на материале английского языка)/ дисс... кандидата филологических наук. – Бирск, 2008. – С.193.

⁹⁰www.twirpx.com Вильданова Г.А. Гендерный аспект эвфемизации (на материале английского языка)/ дисс... кандидата филологических наук. – Бирск, 2008. – С.193.

⁹¹ Маҳмудов Н. Тил. – Тошкент: Ёзувчи, 1998. – 40 б.– Б. 4.

Эвфемизмлар табу сўз маъноси ҳамда айтилиши ноқулай бўлган тушунчаларни юмшатиб ифодалаш эҳтиёжи асосида вужудга келган. Демак, эвфемизмлар пайдо бўлиши қатор прагматик омилларга боғлиқ. Сўзловчи эвфемизмлардан фойдаланишининг асосий стимули – хушхулқлик⁹². Ҳақиқатан, кўп ҳолларда эвфемия ҳодисаларида прагматиканинг асосий тамойилларидан бири – хушхулқлик тамойили учрайди. Мазкур тамойил асосида вужудга келган эвфемизмлар жисмоний, ақлий камчиликларни ифодалашга, айтилиши ноқулай ҳисобланадиган тушунчаларни “қоғозга ўраб” етказишга хизмат қилади. Аммо эвфемизмлар пайдо бўлишини фақат хушхулқлик тамойили билан боғлаш ҳам унинг доирасини чегаралаб қўяди. Зеро, Ю.В.Горшунов фикрича, эвфемизмлар хушхулқлик тамойилидан ташқари қуйидаги прагматик омиллар асосида ҳам рўёбга чиқади:

- 1) табуланиш тамойили асосида (касаллик ва ўлим номи ўрнини эвфемизмлар билан алмаштириш);
- 2) суҳбатдошга таъсир этиш тамойили (сиёсий соҳада ишлатиладиган эвфемизмларни яратиш);
- 3) ўз фаолиятини яшириш тамойили (ноқонуний гуруҳлар ичида кўллаш);
- 4) сўз ўйини ва киноя тамойили (ҳазил ва киноя эвфемизмларини яратиш);
- 5) қисқаликка эришиш тамойили (нутқни ихчам ифодалаш асосида кўллаш)⁹³.

Хушхулқлик тамойили муҳим омиллардан бири бўлганлиги сабабли кўп ҳолда хушхулқлик тамойилининг баъзи бир нутқий воситасини фарқламай, эвфемизмларга тегишли деб ўйлайдилар. Е.П.Сеничкина эвфемия ва хушхулқлик категориясини таққослаб, салбий вазиятда баъзи бир хушхулқлик категориясининг нутқий воситалари эвфемизмлар ўрнини

⁹²cyberleninka.ru Вильданова Г.А. Эвфемизм как средство реализации гендерной вежливости в современном английском языке.

⁹³www.twirpx.com Вильданова Г.А. Гендерный аспект эвфемизации (на материале английского языка)/ ДИС... кандидата филологических наук. – Бирск, 2008. – С.193.

эгаллаши мумкинлигини таъкидлаб ўтган⁹⁴. Демак, эвфемизм – хушхулқликнинг нутқий воситаларидан бири.

Г.А.Вильданова: “Хушхулқлик гендери” тушунчаси – нутқ одоби стратегияси, хушмуомалалик муносабатига қаратилган, ўз ифодасини мулойим, боадаб нутқий шаклда топган тушунча”,- дейди⁹⁵.

Эвфемизмларга, асосан, аёллар кўп мурожаат қилади. Лакофф таъкидлаганидек, аёл ўз нутқида одобсиз ифодадан фойдаланмайди. Улар эвфемизм бўйича ҳақиқий мутахассис⁹⁶.

Ўзбек тили эвфемизмларининг гендер хосланиши – ўзига хос ҳодиса. Тилимизда ҳам эвфемизмлар, асосан, хушхулқлик тамойили асосида пайдо бўлади. Эвфемизмлар – серқирра ва кенг қамровли ҳодиса, у нафақат табу сўзлар ўрнида, қолаверса, айтиш ноқулай бўлган бирликлар маъносини юмшатиб ифодалаш учун ҳам қўлланилади. Маълумки, хушхулқлик – нафақат аёл, балки фаросатли эркак нутқи учун ҳам ўта муҳим омил. Тил бирликларидан ўз жойида ўринли фойдаланиш ҳар бир тил эгаси учун зарур. Бундан ташқари, эвфемизм бу икки жинс вакилига тегишли ҳолатлар (физиологик, психологик)ни ҳам ифодалашга хизмат қилади. Ўзбек тилида хушхулқлик тамойили нуқтаи назаридан гендер хосланган эвфемизмларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

1. Ифодалаш ноқулай бўлган тушунчани суҳбатдошнинг кўнглига тегмайдиган бирлик орқали бериш (аёллар ва эркак нутқида). Масалан, *ўпмоқни дудоқлар лолаланмоқ, лабидан бол олмоқ, қанд сўрмоқ, бўса олмоқ*⁹⁷ каби бирликлар билан, *севмоқни илинмоқ, ипсиз богланмоқ, тинчи йўқолмоқ, ишқи тушмоқ, ишқида савдойи бўлиб қолмоқ*⁹⁸ сингари эвфемизмлар билан ифодалаш. 1. *Бобур эса кўз очиб кўрган ёстиқдоши Ойша бегимнинг*

⁹⁴cyberleninka.ru Вильданова Г.А. Эвфемизм как средство реализации гендерной вежливости в современном английском языке.

⁹⁵www.twirpx.com Вильданова Г.А. Гендерный аспект эвфемизации (на материале английского языка)/ ДИС... кандидата филологических наук. – Бирск, 2008. – С.193.

⁹⁶cyberleninka.ru Вильданова Г.А. Эвфемизм как средство реализации гендерной вежливости в современном английском языке.

⁹⁷ Омонтурдиев А. Ўзбек тилининг қисқача эвфемик луғати. – Тошкент: Фан, 2006. – Б. 11.

⁹⁸ Омонтурдиев А. Ўзбек тилининг қисқача эвфемик луғати. – Тошкент: Фан, 2006. – Б. 8.

бевафолигидан қаттиқ озор чеккани учун аёл зотидан тортинар, анчамунча қизларга мойиллик билдирмас эди (хотин) (П.Қодиров. “Уч илдиз”, 320-б.). 2. Дунёнинг ҳамма ташвиши сизда, **отаси**, – деди Маъсума бека Меъморга тасалли бермоқчи бўлиб, – бу иш ҳам худонинг иродаси (эр) (Мирмуҳсин. “Меъмор”, 76-б.). 3. *Жинойти устида қўлга тушган аёл покиза хонадонини **исловотхонага** айлантирганини, алақачон ақлини таний бошлаган болалари кўзи ўнгидан қанчалар номаъқулчиликлар қилаётганини мулоҳаза қилишга ожизмикин? (фоҳишахона) (“Бухоронома”, 2013, 23 февраль).*

Жамиятда ўзини билган, ўзлигига интилган эркак ҳам, аёл ҳам, одатда, маданий сўзлашга интилади. Чунки азалдан ўзбек миллатида ўз фикрини одоб доирасида ифодалаш мерос бўлиб қолган. Шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, ўзбек тилида гендер эвфемизмлар тушунчаси замирида фақат аёл ёки фақат эркак нутқини тушуниш тўғри эмас. Зеро, кўриб ўтганимиздек, кўп ҳолларда эвфемизмлар бу икки жинс вакиллари тилида бирдай фаол қўлланади.

2. Турли жисмоний камчиликни ифодаловчи гендер эвфемизм. Бу гуруҳ гендер эвфемизмларига эркак ва аёлларга бирдай тегишли бўлган “*кўзидан айрилмоқ*” (кўр бўлмоқ), “*кўзи ожиз*” (кўр), “*ногирон*” (чўлоқ, шол ва б.), шунингдек, эркакларнинг нуқсонини ифодаловчи “*беушит*”, “*безурриёд*”, “*кечалиги йўқ*”, “*ахта*”, “*жисмоний камчиликли*” (хезалак)⁹⁹ кабилар киради: 1. *Кўзи ожиз одамдай тусмоллаб юра бошлади (кўр) (С.Аҳмад. “Қорақўз мажнун”, 24-б.). 2. Урушга бориб, икки кўзидан айрилиб келган (кўр бўлмоқ) (С.Аҳмад. “Уч илдиз”, 44-б.). 3. Толстойга хат ёзганини айтаммиз. Олтмишга яқинлашиб, қамоқ азобларида эзилиб, **жисмонан заифлашиб** қолган бир ҳолатда, нега инглиз ёзувчиси Киплингнинг ҳайвонлар ҳаётидан олиб ёзилган “Маугли” асарини таржима қилишга тутинди? (фалаж) (С.Аҳмад. “Қорақўз мажнун”, 12-б.).*

⁹⁹ Омонтурдиев А. Ўзбек тилининг қисқача эвфемик луғати. – Тошкент: Фан, 2006. – Б. 46.

Бу гуруҳда аёлга хос эвфемизм кўп. Чунки аёл ўз ташқи қиёфаси ва кўринишига кўп эътиборли бўлади. Қайд этиш керакки, “ортиқча вазн”, “тўлалик” каби муаммолар мазкур эвфемизмларнинг вужудга келишига сабаб бўлган¹⁰⁰.

3. Аёл ва эркакнинг ахлоқий, эмоционал ва интеллектуал сифатларини англатадиган эвфемизм. Бундай эвфемизм ҳам тилимизда кўп. Масалан, “қиз”ни “баҳорни кўрмаган чечак”, “очилмаган ғунча”, “нодир буюм”¹⁰¹ эвфемизмлари, “қиз эмас” тушунчасини “ҳидланган гул”, “иффати олинган”, “ит теккан”¹⁰² каби ўндан ортиқ эвфемик бирлик орқали ифодалаш мумкин:

1. *Яна маржабозликка бордингми? (хотинбозлик)* (С.Аҳмад. “Қоракўз мажнун”, 90-б.). 2. *Ноҳақ ўлдирилган отаси ва акаси, номуси топталган опаси учун мана бу теурийзодадан хун талаб қилиб қасд олишига ҳақи йўқми? (зўрланган)* (С.Аҳмад. “Уч илдиз”, 324-б.). 3. *Шу туришида опаси Бобурга онасининг энди бева қолган ўттиз етти-ўттиз саккиз яшарли пайтларини эслатди (эрсиз)* (С.Аҳмад. “Уч илдиз”, 368-б.). 4. *Тан олиш керакки, ҳозирги кунда никоҳ бузилишлари кўп кузатилмоқда (ажрашиш)* (“Оила даврасида”, 2013, 14 март). 5. *Кўп қатори, ҳалол меҳнат билан кун кечирши ўрнига бу “хоним” қўшмачиликни “касб” қилиб олганига нима дейсиз?! (далла)* (“Бухоронома”, 2013, 23 февраль). 6. *Ҳамма замонларда тиниқ сувни лойқалатувчилар бўлган (бузғунчилик қилмоқ)* (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1989, 30 июнь).

Маълумки, ҳар бир инсонда – у хоҳ аёл, хоҳ эркак бўлсин – ўзига хос жисмоний, эмоционал ва ахлоқий сифатлар бор. Бу хусусиятнинг кўпчилигини очиқ ифодалаш нутқий этикетга тўғри келмаслиги мумкин. Шу сабабдан, юқорида кўриб ўтганимиздек, уларнинг номини юмшатувчи бирликлар билан алмаштириб қўллаш зарурати туғилади.

¹⁰⁰cyberleninka.ru Вильданова Г.А. Эвфемизм как средство реализации гендерной вежливости в современном английском языке.

¹⁰¹Омонтурдиев А. Ўзбек тилининг қисқача эвфемик луғати. – Тошкент: Фан, 2006. – Б. 14.

¹⁰² Омонтурдиев А. Ўзбек тилининг қисқача эвфемик луғати. – Тошкент: Фан, 2006. – Б. 18.

4. Аёллар ва эркаклар жисмоний ҳолати ва ёшини билдирадиган эвфемизмлар. Нутқимизда “оғироёқ”, “бўйида бўлмоқ”, “иккиқат”, “бошқоронги”, “юкли” (бўғоз) каби аёлларга хос ҳамда “оёғи тўртта бўлмоқ”, “бошини икки қилмоқ”, “ола хуржун бўйнига тушмоқ”, “ваъдага вафо қилмоқ” (хотин олмоқ) каби эркакларга хос бир қатор эвфемизмларга тез-тез мурожаат қиламиз: 1. *Бой отамни уйлантириши керак (хотин олиб бериши)* (С.Аҳмад. “Қорақўз мажнун”, 189-б.). 2. *У буни узатиладиган қизларнинг “шайтон йигиси” деб тушунади (эрга тегадиган)* (С.Аҳмад. “Қорақўз мажнун”, 199-б.). 3. *Эрта турмушга чиққан Мастура она эса энди йигирма беш ёшга кирган эди (эрга теккан)* (С.Аҳмад. “Уч илдиз”, 90-б.). 4. *Бадиа балозатга етгач, баъзан ўша шода дурни бўйнига тақиб юрарди (етилмоқ)* (Мирмуҳсин. “Меъмор”, 56-б.). 5. *Менинг ҳам бошимни икки қилиб, шу сержозибга Қорақизни олиб беринглари, дегандек, бошини қуйи солиб, илтижо билан қараб қолди (уйлантирмоқ)* (Мирмуҳсин. “Меъмор”, 371-б.). 6. *Ҳозир яна унинг бўйида бўлган, уч ойдан сўнг янги фарзанд туғилиши керак (бўғоз)* (Мирмуҳсин. “Меъмор”, 216-б.). 7. *Демак, Бекмурод қизини кўёвга чиқаряпти, бечора (эрга бермоқ)*. (Мирмуҳсин. “Меъмор”, 205-б.). 8. *Биз – аёллар шифокорининг ўзимизникилардан ташқари ҳам доимий бир яқинимиз борки, бу – жонидан жон бунёд этадиган аёл (туғмоқ)* (“Саодат”, 2009, № 6). 9. *Одатда, умр бўйи вақтни қадрламаган, ёши бир жойга етиб, “кўзи очилган” ижодкорлар эликдан ўтиб сермахсул бўлиб қолишади (қаримоқ)* (“Бухоронома”, 2013, 27 февраль).

Кўриб ўтганимиздек, аёлларга оид эфемизмлар шахсий ва шахслараро муносабатлар соҳасига ҳам тегишли. Чунки у ижтимоий соҳа билан боғлиқ, аёлнинг жамиятдаги касбий фаолиятини ҳам назарда тутди¹⁰³. Маскулин сифат билан тўлдирилган анъанавий феминистик образлар баъзида турли зид “аёллар” эвфемизмида ўз аксини топади. Гендер эвфемизмларида метафоризация, перифраза ва сўз ўйинлари асосий механизм ҳисобланади.

¹⁰³ cyberleninka.ru Вильданова Г.А. Эвфемизм как средство реализации гендерной вежливости в современном английском языке.

Хушмуомалалик гендер эвфемизмлари, Г.А.Вильданова қайд этганидек, ҳар бир ақлли ва маълумотли замонавий аёл интиладиган образни ифодалайди.

Демак, ўзбек тилида ҳам эвфемизмлар гендер хосланишга эга, эркак ва аёл нутқида этикет қоидаларига амал қилиб сўзлаш ҳамда қўрқинч ифодаловчи тушунчалар номини юмшоқ ифодалаш прагматиканинг ҳурмат тамойилига тўла-тўқис жавоб беради. Шуни айтиш керакки, эвфемизмларда қўрқинч уйғотувчи ёки айтилиши ноқулай тушунчалар ифодаладиган сема ўзгармайди, фақат ўша маънони берувчи тушунча беозорроқ тусга киради.

1.3. Эвфемизмларда гендер маъно воқеланишида лисоний омилларнинг роли

Гендерни воқелантиришда тил сатҳларининг роли. Тил тизими – ҳар қандай табиий тилнинг ўзаро муносабатлар билан боғланган, муайян бирлик ва бутунликни ташкил этувчи лисоний унсурлар мажмуи¹⁰⁴. Дунё тилшунослигида Л.Е.Пак ва И.Б.Косицина¹⁰⁵ лексик бирликларнинг гендер хусусиятини, О.Г.Троицкая¹⁰⁶ фонетик тадқиқотларнинг гендер аспектини, Е.А.Земская, М.А.Китайгородская ва Н.Н.Розанова¹⁰⁷ эркак ва аёллар нутқининг ўзига хос хусусиятларини, А.В.Кирилина¹⁰⁸ лингвистик матнларда гендер тадқиқотларини, Н.Л.Пушкарева¹⁰⁹ гендер тадқиқотларининг “туғилиши”, шаклланиши каби масалаларни тадқиқ қилиб, гендернинг воқеланишида тил сатҳлари ролини илмий асослаб беришди.

Маълумки, тилдаги ҳар бир ҳодиса маълум бир тил сатҳига дахлдор. Эркак ва аёллар нутқи ўзига хос хусусиятларга эгаки, бундай хусусиятларни

¹⁰⁴ [электрон ресурс]// <https://uz.m.wikipedia.org>

¹⁰⁵ www.natural-sciences.ru Пак Л.Е., Косицина И.Б. Гендерные особенности использования лексических единиц // Успехи современного естествознания. – 2013. – № 8. – С. 93-93.

¹⁰⁶ main.isuct.ru Троицкая О.Г. Гендерный аспект фонетических исследований [электрон ресурс].

¹⁰⁷ Земская Е. А., Китайгородская М. А., Розанова Н. Н. Особенности мужской и женской речи // Русский язык в его функционировании. – М., 1993. – С. 90–136.

¹⁰⁸ Кирилина, А.В. Гендерные исследования в лингвистических дисциплинах. – М., 2005. – 155 с. //Гендер и язык. М.: Языки славянской культуры, 2005. – С. 7-33.

¹⁰⁹ Пушкарева Н.Л. Гендерные исследования: рождение, становление, методы и перспективы в системе исторических наук // Женщина. Гендер. Культура.– М., 1999. – С. 15-34.

тилнинг фонетика, лексика ва синтаксис сатҳларида кузатиш мумкин. Тил ва гендер муносабатининг турли аспектига бағишланган мақолаларида А.Григорян қуйидаги йўналишларни кўрсатиб беради:

- 1) эркак ва аёл нутқидаги фарқ ва умумий хусусиятлар;
- 2) тилнинг гендер ва андроцентрик белгилари.

В.П.Беляниннинг фикрича, ҳозирги кунда гендерлик ҳақида эмас, балки аёл ва эркак нутқининг ўзига хос хусусияти ҳақида фикр юритиш керак. Бу икки жараён нутқда турлича кўринишларда акс этади. Эркаклар гапиришда кўпинча ташаббускор бўлишади. Бироқ кўпгина олимнинг айтишича, бу жинс вакиллариининг фикрлаш доираси тор, улар ўз нутқларида мавҳум отлардан кўпроқ фойдаланишади. Аёллар эса, аксинча, аниқ отларни кўпроқ ишлатишади. Эркаклар ўз нутқларида от ва сон сўз туркумларидан фойдаланишса, аёллар нутқида эса феъллар кўпроқ учрайди. Шу билан бирга, аёллар сўзлашув пайтида ҳиссий-эмоционал лексикага эътибор беришса, эркаклар кўпроқ стилистик жиҳатдан нейтрал сўзлардан фойдаланишади. Эркаклар ўз нутқларида, кўп ҳолларда, стилистик паст қатламдаги лексика, диалектал сўзларни, аёллар эса стилистик бўёқли ибораларни қўллашади.

Аёллар нутқининг одатий хусусиятларидан бири – нутқини “вой”, “оҳ” сўзлари билан гиперболизация қилиши¹¹⁰: 1. “...**Вой** адаси, хотинлар эрига *ийгламайди, айб бўлади*”, деган (Т.Малик. “Шайтанат” 3-қисм, 195-б.).

Сўзловчининг ўта хурсандлик ёки ўта хафалик ҳолатини ёки қаҳрамоннинг ҳис-ҳаяжони, воқеа-ҳодисага эмоционал муносабатини ифодаловчи ҳиссий-таъсирчан гаплар қаҳрамон руҳиятида кечаётган севиниш, кўрқув, ғазаб каби психологик жараённи кўрсатади.

Аёллар нутқида ундов сўзларга кўпроқ мурожаат қилинади, шу боис уларнинг нутқи эмоцияга бой.

Аёлларнинг эмоционал нутқиға мелодик оҳангга бой модуллардан фойдаланиш хос, эркаклар учун эса лексик ва грамматик воситадан алоҳида фойдаланиш характерли¹¹¹.

¹¹⁰ cyberleninka.ru Беляя Н.В. О проявлении гендерных различий в языке.

Ўзбек тилида эркаклар ўз нутқида пайт, ўрин-жой ва мақсад эргашган гапли қўшма гаплардан, аёллар эса даража ва ўхшатиш эргаш гапли қўшма гаплардан фойдаланишади. Ўзбек эркак ва аёллар нутқи аҳамиятли фарқларга эга, десак, муболаға бўлмайди. Улар бир хил тил бирликларидан фойдаланишса-да, аммо семантик, стилистик, шакл ясовчи ифода ва тасвир воситалари турлича. Эркакларнинг ўзбек тилидаги нутқида мулойимлик ва хушмуомалалик билан бирлашган насихатомуз қатъиятлилик ҳукмронлик қилса, аёллар нутқида юмшоқлик, мулойимлик, хушмуомалалик, муайян уятчанлик ҳамда турмуш ўртоғи, болалари ва яқинларига содиқлик ифода этилади¹¹²:

–Хуш келдингиз, дадаси ! Овқат тайёр!

–Майли, олиб келавер-чи.

–Ҳаммамиз сизни кутиб ўтирувдик.

–Ҳали емадингизми?

–Йў-ўқ, энди, биргалашиб... (жонли сўзлашувдан)

Чиройли гапириш маданияти тарбияси оилада бошланади. Аслида, оиладаги нутқий тарбия – жуда мураккаб жараён, уни ижобий ҳал этишда, яъни оила аъзолари нутқининг келажак шаклланишида оила бошлиқларининг нутқий маданияти, диди, савияси асосий омил бўлиб хизмат қилади. Мураккаб нуқталаридан бири – эр ва хотиннинг бир-бирига мурожаат қилишида ҳозиргача томонларни тўла қаноатлантирадиган, қулайлик туғдирадиган атамалар танланмаганлиги ва услубшунослар томонидан тавсиялар берилмаганлигида¹¹³. Шундай бўлса-да, оилавий муносабатларда эр-хотин фарзандли бўлгунларига қадар “бегим”, “бекам”, фарзанд кўрганларидан кейин эса III шахс бирликдаги эгалик қўшимчаси билан келган “дадаси”, “ойиси” каби мурожаат шаклларида фойдаланишади.

¹¹¹ [электрон ресурс]// <https://novainfo.ru/article/2155>

¹¹² www.google.com Чупулатов М.Ч. Гендерная лингвистика: узбекская мужская и женская речь [электрон ресурс].

¹¹³ Омонтурдиев Ж., Омонтурдиев А. Сўз қўллаш санъати. – Тошкент: Жайхун, 1995. – Б.61.

Эркак ва аёл нутқининг синтактик хусусиятларидан бири эркакнинг кўпроқ ишончга эга бўлган кириш сўзларни қўллаши, аёл эса бу конструкциялардан ишончсизлик билан фойдаланиши саналади. Нутқдаги гендер фарқланишларини ўрганувчи тадқиқотчилар эркаклар коммуникатив ҳаракати ўз шахсини тасдиқлаш, ижтимоий вазифаларни бажаришга ва бир мақсадга йўналтирилган, деган хулосага келишган. Аёллар коммуникатив хулқ-атвори, аксинча, ички дунё, алоқа қулайлиги, бепарволик ва ўз ҳис-туйғуларини ифодалашга қаратилган. Аёллар нутқий вазиятга мослашишга интилишса, эркаклар атроф-муҳитга фаол таъсир ўтказиб, режаларини ўзгартиришга ҳаракат қилишади¹¹⁴.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, эркак ва аёл нутқида талаффузнинг ўзига хос хусусияти мутлақ мавжуд эмаслиги (биологик жиҳатдан аниқланган фарқлар бундан мустасно), лекин маълум фонетик мезонларга нисбатан талаффуз талқинлари аниқланган. Аёллар учун кўпроқ баландпарвоз талаффуз вариантини қўллаш одатий ҳол. Нутқнинг гендер жиҳатидан ўзгарувчанлиги фоностилистика бўлимида ҳам ўрганилади. Т.И.Шевченконинг таъкидлашича, нутқнинг гендер жиҳатидан ўзгарувчанлиги бошқа экстралингвистик омиллар сингари ифода қилиш воситаларини танлашга ҳам таъсир қилади. Кенг миқёсли тажрибавий материалларга асосланиб, аёл нутқи хушоҳанглиги билан эркак нутқидан ажралиб туриши, нутққа оид ҳодисаларга нисбатан сезгирроқ эканлиги аниқланган. Сўзларнинг лексикопросодик хусусиятларини ўрганиш жараёнида Ч.Креймер эркаклар нутқининг ўзига хос хусусиятини аниқлади: қатъиятлилик, талабчанлик, ўзига сўзсиз бўйсундириш, суҳбатда ташаббусни қўлга олиш, агрессивлик (тажовузкорлик) ва ҳ.к. Психолог-олимлар – А.Теледжин ва Д.Любинский бу хусусиятлар эркакларнинг нутқ фаоллигини ажратиб туришини таъкидлашади. Шунингдек, рус тили материаллари асосида ҳам гендер-лингвистик тадқиқотлар олиб борилмоқда. Москвадаги

¹¹⁴ [электрон ресурс]// <https://novainfo.ru/article/2155>

айрим тилшунос (Е.А.Земская, М.В.Китайгородская, Н.Н.Розанова) аёлларнинг нутқи кўпроқ консерватив ва минтақавий хусусиятларни яхшироқ сақлаб қолган, деб ҳисоблайди. Бундан ташқари, улар аёллар талаффузининг ўзига хос хусусияти вокализм соҳасида, эркакларники эса консонантизм соҳасида яхшироқ намоён бўлишини таъкидлашган. Шундай қилиб, олиб борилган изланишлар тил тизимидаги гендер ўзгарувчанлиги фонетик даражада акс этаётганлигини кўрсатади. Умуман олганда, олинган натижалар турли жинс вакиллари нутқининг фарқловчи белгиларини перцептив ва акустик жиҳатдан батафсил ўрганишимиз керак, деган хулосага келишимизга имкон беради¹¹⁵. Ўзбек аёл ва эркаклар нутқида, одатда, вокализм ва консонантизмларни чўзиб қўллаш ҳодисалари аниқ чегарага эга эмас. Чунки ўрни билан бу икки жинс вакиллари нутқида икки ҳолат ҳам кузатилади:

Ботир фирқа... биқинини чангаллаб-чангаллаб инқиллади.

– **У-у-ух!**!.. – дея оҳ урди. – *Тирик, тирик! Ўртоқ командир, улар тирик!*

– *Командир шерикларига юз солди* (Ў.Ҳошимов. “Тушда кечган умрлар”, 6-б.).

– **Уфф!** *Боринг дедим-ку!*

– *Хусанхўжанинг скелети! Тишлари иржайиб турибди. Оғзини кап-катта очиб “ака-а-а” дейди* (Ў.Ҳошимов. “Тушда кечган умрлар”, 169-б.).

– **Х-х-ҳа!** *Бу ишни менга ёпиштирмоқчимисиз? Овора бўласиз, гражданин терговчи!* (Ў.Ҳошимов. “Тушда кечган умрлар”, 42-б.).

– **Об-бо...**–*деди Кесакполвон норози оҳангда, - одам деганни шунақанги эз-зиб, қон қилиб юборасизми, а?* (Т.Малик. “Шайтанат” 3-қисм, 202-б.).

– **Ээ-звординг-а, эзвординг...**–*деди Кесакполвон кулиб* (Т.Малик. “Шайтанат” 3-қисм, 201-б.).

Мисолларда унлиларни бирдан ортиқ ёзиш усулидан қаҳрамоннинг бирор нимадан ҳайратланиш, таажжубга тушиш каби ҳолатларини ифодалашда фойдаланилган. Аслида, орфоэпик меъёр бўйича бир ундош

¹¹⁵main.isuct.ru Троицкая О.Г. Гендерный аспект фонетических исследований [электрон ресурс].

талаффуз қилиниши керак бўлган сўзлар муайян вазиятларда экспрессия ва эстетик мақсад талаби билан атайин қаватланиб талаффуз қилинади. Сўзловчининг ички руҳияти ва мақсадини китобхонга айнан етказиш учун ёзувчилар бадий матнда бу ҳолатни ундошларни бирдан ортиқ ёзиш орқали ифодалашга ҳаракат қилганлар¹¹⁶.

Сухбатда эркакка қараганда аёл, кўпинча, мулоқотни фаоллаштирувчи (инициатор) бўлади. Биринчи репликалар айнан аёлга тегишли бўлади. Одатда, аёл ўз фикр ва мулоҳазаларини билдириб, ўз мақсадларини ҳис-туйғуларни ўрнатиш орқали баён этади.

Кўп ҳолларда биринчи реплика аёл томонидан берилган илк савол билан бошланади ва автоматик равишда сухбатни давом эттиришга туртки бўлади. Икки жинс вакиллари сухбати жараёнида уларнинг семантик майдонлари мос келмаслигининг сабаби – аёлларда дўстлашиш ва муносабатларни сақлаб қолиш истаги бўлса, эркакларда “гапириш” ва “ҳақиқат”ни етказиш истаги устувор¹¹⁷.

Бўлишли шаклда сўроқ оҳанги орқали ҳосил қилинган гапларда инкор маъносини ифодалаш эркаклар нутқида кўпроқ учрайди. Мисоллар:

Бир ходим бирдан ҳушёр бўлди. Аланг-жаланг бўлди.

– Нима-нима?! – деди. – Уйга кетасан? Кетасан-а, кетасан, кетиб бўпсан! Энди, сенинг... ўлигингни орқалаб келиш учун яна борамизми? Нима, сенинг... ўлигингдан бошқа ишимиз йўқми? (Тоғай Мурод. “Бу дунёда ўлиб бўлмади”. 11-б.)

“... ўлигингни орқалаб келиш учун яна борамизми?”, “... ўлигингдан бошқа ишимиз йўқми?” гаплари орқали эркаклар салбий баҳоланадиган сўзлардан фойдаланиши кузатилади.

Тилшуносликда вульгаризм деб аталувчи ҳақорат ва қарғиш сўзларида ўта салбий муносабат, камситиш, менсимаслик, ҳақорат каби бир қатор ифода семалари жуда очиқ кўриниб туришини биламиз. Бундай сўзлар

¹¹⁶ Қурбонова М., Йўлдошев М. Матн тилшунослиги. – Тошкент: Университет, 2014. – Б.116.

¹¹⁷ cyberleninka.ru Белая Н.В. О проявлении гендерных различий в языке.

кўпроқ номинатив маъноларига кўра эмас, айти шу коннотатив маъносига кўра нутқда яшайди. Нутқда, одатда, қарғиш сўзларни кўпроқ аёллар, ҳақорат сўзларни эса эркаклар ишлатишади. Баъзи ҳолларда бу ҳодисалар икки жинс вакиллари нутқида аралаш ҳолда ҳам қўлланилаверади. Бу орқали сўзловчи нутқ маданияти, савияси ва тарбияси белгиланади. Мисоллар:

Она ўнг гапирмади – чап гапирди:

– **Ўчир, бозори касод! Ўчир, зогора нон!** (Тоғай Мурод. “Бу дунёда ўлиб бўлмади”. 3-б.)

Нон дема-я, қирилиб кетгур! – дея, боласи сонини ўйиб-ўйиб олди. – *Ана, ит келяпти, нон дема-я!* (Тоғай Мурод. “Бу дунёда ўлиб бўлмади”. 4-б.)

Шаҳд билан хонадан чиқаркан, эшиттириб пичинг қилди. – Бетингдан бузилгур, юзсиз! Ойимнинг кўзига тупроқ тўлмасдан туриб... (Ў.Ҳошимов “Икки эшик ораси”. 161-б.)

– *Германия аммангнинг маҳалласими, хоҳлаган автобусга осилиб бораверадиган?*

– **Вой** адаси, унақа демадим-ку?

– Демаган бўлсанг, **огзингни юм.**

– Энди...

– Нима энди?

– Одамлар келиб-кетаётганига айтувдим-да...

– *У одамлар бошқа, мен бошқа. Ақлинг етмаса **валдирайверма*** (Т.Малик “Шайтанат”. 3-қисм. 215- б.).

– *Ҳа-а-а!!! Мени-я?! Ўз отангни-я?! Ҳе, энангни...*” (Т.Мурод, “Ойдинда юрган одамлар”. 56-б.)

Ўзбек эркак ва аёл нутқининг лексик, фразеологик жиҳатдан хосланиши, айниқса, қарғиш ва сўқишда янада яққолроқ намоён бўлади.

Маҳмуд Саттор ўзининг “Ўзбек удумлари” номли китобида бу ҳақда куйидагиларни ёзади: “Қарғиш муаллифлари асосан аёллардир. Улар қарғамай туролмайдилар. Болаларини, эрларини, дўстию душманини, эрмак учун бўлса ҳам, қарғайдилар: ...”Жувонмарг бўлсин”, “Оғзидан қони келсин”,

“Уйи куйсин”, “Калта қайтсин”, ”Сочи тахтада таралсин”, “Изи куйсин”, “Оти ўчсин”, “Кўзига тупроқ тўлсин”, “Юзини тескари қилсин”, “Жазосини худо берсин”, “Бири икки бўлмасин”, “Косаси оқармасин”, “Есин-ичсин, буюрмасин”, “Худодан топсин”, “Ўғил-қизининг хузурини кўрмасин”, “Гўр тортсин”, “Тухуми қурисин” ва ҳоказо”¹¹⁸.

Эркак коммуникантлар нутқида феъллар, одатда, мажхул нисбатда қўлланилади:

– *Изимдан юрилсин!*

Ботир фирқа шундай дея, йўлида одимлади (Тоғай Мурод. “Бу дунёда ўлиб бўлмайди”. 5-б.)

–*Ўзи қайтиб келмасмикин!.. Биров олиб кетса қайтиб кела бер, деб қўйилмаган экан-да! Нега йигланади? А? Йигланмасин!* (А.Қахҳор, “Ўғри”, 25-б.)

Кўринадикки, нутқда мажхул нисбат феъллини қўллаш расмий доирада учрайди. Айниқса, эркак сўзлаш жараёнида шахсий муносабатини яширишга ҳаракат қилади. Шунинг учун кўпроқ мажхул нисбатга мурожаат қилинади. Аниқ нисбатда гапирилса, тингловчига бўлган ё ижобий, ё салбий муносабат ифодаланади.

Кўпинча, аёл коммуникантлар нутқида қўлланилиб, хушмуомалалик, эркалашни билдирувчи *айланай, ўргилай, қоқиндиқ, гиргиттон* каби сўзлар ҳам ижобий феъл-атворни кўрсатади ва чиройли мулоқот амалга ошади. Мисолларга мурожаат қиламиз: *Ўғригина болам, ҳой ўғригина болам, ҳойнаҳой, бирор тирикликнинг кўйида томга чиққан кўринадик, ахир касбинг нозик, тумов-пумовингни ёзиб чиқсанг бўлмайдимми, – дебдилар. Ҳой, айланай, ўғригина болам, бошимда шундай мусибат турганда кўзимга уйқу келадими?* (Ғ.Ғулом. Ҳикоялар.)

–*Бу ҳунар сенга ярашмайди, холанг айлансин! Бўлак тирикчилик қил...*(Ў.Ҳошимов. “Тушда кечган умрлар”. 125-б.)

¹¹⁸ Мўминов С. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари// филол. фан. д-ри...дисс. автореф. – Тошкент, 2000. – Б.34.

Ўзбек аёллар нутқининг айрим хусусиятлари бўйича тадқиқот ўтказган Ш.Искандарованинг фикрича, хотин-қизлар нутқида мансуб “айланай”, “ўргулай”, “гиргиттон”, “қоқиндик” сингари сўзлар ижобий маъно нозиклигини ифодаловчи лексик восита ҳисобланади, улар кўпроқ кекса аёллар томонидан нутқий одатнинг турли вазиятларида қўлланилади¹¹⁹.

Демак, эркак ва аёл нутқида қуйидаги одатий хусусиятлар мавжудлигини кузатамиз:

■ эркаклар ўз нутқида кўпроқ мавҳум отлардан, аёллар эса аниқ от сўз туркуми (атоқли отлар)дан фойдаланишади;

■ эркаклар кўпроқ от ва сифатдан фойдаланишса, аёллар, кўпинча, феъл туркумига оид сўзларни ишлатишади;

■ эркаклар ўз нутқларида нисбий сифатлардан фойдаланишса, аёллар, кўпинча, аслий сифатларни қўллашади;

■ эркаклар ўз нутқларида кўпроқ тугалланган ҳаракатни билдирган феълдан фойдаланади;

■ аёллар нутқи эмоционал (ҳис-туйғу ифодаловчи) лексикага бой, эркаклар лексикаси стилистик нейтрал;

■ аёл, биринчи навбатда, ижобий баҳоладиган ундов сўздан фойдаланса, эркак, аксинча, салбий баҳоладиган, жумладан, стилистик паст қатламдаги сўзни, ҳақоратли ибора ва инвективларни ишлатади;

■ эркак кўпроқ адабий бўлмаган сўз ва иборадан, аёл эса стилистик бўёқли иборадан фойдаланади¹²⁰.

Гендер эвфемизмлар воқеланишида сатҳлар ҳамкорлиги. Тил – мураккаб бутунлик, унинг таркибий қисмлари сифатида фонологик, лексик (семантик), морфологик, синтактик ва услубий (функционал) сатҳлар

¹¹⁹ Искандарова Ш. Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари. // Филол.фанл.номзоди...дисс.автореф. – Самарқанд, 1993. – Б.35.

¹²⁰ www.natural-sciences.ru Пак Л.Е., Косицына И.Б. Гендерные особенности использования лексических единиц //Успехи современного естествознания.–2013.–№8.–С.93-93.

ажратилади. Тил тизим табиатига эгаллиги боис унинг таркибий қисмлари ҳам шундай характерда¹²¹.

А.Омонтурдиев эвфема кўчма – мажозий ифода, бадиий-тасвирий ифоданинг бири эканлигини, эвфемия тил тизимининг бирор ярусида жойлашмаслигини таъкидлайди. Бошқача айтганда, эвфема фақат фонетик, лексик, морфологик ёки синтактик бирлик эмас. Унинг фаолият доираси кенг – тил сатҳи бўйлаб ҳаракат қилади. Ҳатто паралингвистик ҳодисалар ҳам эвфемик маъно ифодалаш учун хизмат қилади. Эвфемани бирорта лингвистик бирлик – структура дейишдан кўра, семантик-функционал қатлам – категория деб қараш мақсадга мувофиқ¹²².

Маълумки, эвфемик восита сўз, сўз бирикмаси, содда гап, кўшма гап, матн, ҳатто товуш шаклида мавжуд. Лекин бу ҳолат уларни (мажозий маъно ифодалаганлиги, маънонинг беқарорлиги, “қалқиб” туриши, “тутқич” бермаслиги сабабли) тилнинг битта сатҳи доирасида ўрганишга имкон бермайди¹²³. Шу нуқтаи назардан гендер эвфемизмларини тил тизимининг маълум сатҳига дахлдор дейишдан йироқмиз. Аммо уларнинг воқеланишида тил сатҳларининг роли, ҳамкорлиги масаласини четлаб ўтолмаймиз. Зеро, аёл ва эркак нутқининг ўзига хос хусусиятлари мавжудки, улар маълум бир тизимга дахлдор бўлади.

Нутқнинг гендер хосланишида лексик сатҳ асосий ўрин эгаллайди. Чунки нутқ бирлиги бўлган матн ҳамда уни ташкил этувчи гаплар лексик бирликлар – сўз ва ибора орқали юзага келади. Аёлларга тегишли ҳолат ва жараёни ифодалайдиган гендер эвфемизмларида лексик сатҳ ўрнини мисоллар орқали таҳлил қиламиз: 1. *Ҳозир тугаб қолган шамдай липиллаб ёнаётган жони башарти сўнган тақдирда ҳам, қолган мингтасини ёқиб кейин сўнади* (А.Қаҳҳор. “Анор”, 117-б. Муаллиф) (“ўлган”). 2. *Шу туришида*

¹²¹ [электрон ресурс]// <https://uz.m.wikipedia.org>

¹²² Омонтурдиев А.Ж. Эвфемик воситаларнинг функционал хусусиятлари: Филол. фанлари. номзоди... дисс. – Т., 1997. – 196 б.–Б.65-67.

¹²³ Омонтурдиев А.Ж. Эвфемик воситаларнинг функционал хусусиятлари: Филол. фанлари. номзоди... дисс. – Т., 1997. – 196 б.–Б.65-67.

опаси Бобурга онасининг **бева** қолган ўттиз етти-ўттиз саккиз яшарли пайтларини эслатди (П.Қодиров, “Уч илдиш”, 368-бет. Муаллиф) (“эрсиз”).

3. **Бекам**, тушунинг ахир. Бошқа иложим йўқ (М.Осим “Зулмат ичра нур”, 110-б. Вазир Низомулмулк) (“хотин”).

4. **Оғироёқ** аёллар отда қийналиб кетганда уларни ювошироқ туялар устига ўрнатилган соябонли кажаваларга ўтқазиб олиб боришиди (Мирмуҳсин, “Меъмор”, 155-б. Муаллиф) (“бўғоз”).

5. **Мана**, сизга ўхшаган қизга **насибаси қўшилса**, ақли тезроқ кирар эди (М.Осим, “Карвон йўлларида”, 55-б. Муборакхоним) (“хотин қилиб олмоқ”).

6. **Мен эркин** аёлман, ўзим нима қилишни яхши биламан (жонли сўзлашувдан) (“эрсиз”).

7. **Қизи тушкур жажмондеккина экан. Ҳайфки, бузилганда...** (А.Қодирий, “Калвак маҳзумнинг хотира дафтарида”, 299-б.) (“қиз эмас”).

Ўзбек миллий менталетитида келин ва куёв (энди эр ва хотин) бир-бирининг исмини очик айта олмаслик удуми бу тушунчаларнинг эвфемалашувига сабаб бўлган.

Жуфтларнинг келин-куёвлик даврида бир-бирига қиладиган мурожаат воситалари ўзига хос, у қадар шаклланмаган бўлади. Хусусан, бегоналар олдида очик мурожаат ўрнида *у, улар* каби мавҳум олмош воситасида муомала қилинади. Келин қайнота ва қайнонага эрини – *ўглингиз*; куёв ҳам ота-онасига хотинини *келинингиз* ёки келин ўз ота-онасига эрини – *куёвингиз*; куёв қайнота ва қайнонасига хотинини – *қизингиз* эвфемик атамалари билан мурожаат қилади.

Шарқда, жумладан, ўзбекларда келин-куёвнинг бола кўриш даври бошлангач, бир-бирини тўнғич (хоҳ қиз, хоҳ ўғил бўлсин) фарзандининг номи билан атай бошлайди¹²⁴: 1. – *Дунёнинг ҳамма ташвиши сизда, **отаси**, – деди Маъсума бека Меъморга тасалли бермоқчи бўлиб, – бу иш ҳам Худонинг иродаси* (Мирмуҳсин. “Меъмор”. 76-б.). 2. *Завол пайтида, бо сизга нима бўлди, **Истамбой**, тобингиз қочдимми?* (С.Аҳмад. “Қоракўз мажнун”. 106-б.)

3. **Улар** ўзлари рухсат бердилар (жонли сўзлашувдан)(эр).

¹²⁴ Омонтурдиев А.Ж. Эвфемик воситаларнинг функционал хусусиятлари: Филол. фанлари. номзоди... дисс. – Т., 1997. – Б.196.

Сўзловчи нутқ сўзлашидан кўзланган мақсадни аниқ билиб алоқага киришса, керакли ўринда эвфемик воситани танлай олса, мақсадли нутқ юзага келади. Зеро, мулоқот вазиятини тугал ҳис этмасдан танланган лисоний ифода, ҳар қанча гўзал бўлмасин, мақсад нишонига етиб бора олмайди¹²⁵.

Эвфемик маъно вербал, кинетик восита билангина эмас, маълум грамматик восита ёрдамида ҳам ифодаланади. Тилшуносликда: 1) аффиксоидлар; 2) эркалаш-эъзозлаш формалари; 3) эгалик; 4) кўплик; 5) кесимлик қўшимчалари ёки умуман, модал, субъектив баҳо формаларининг эвфемик нутқ ҳосил қилиш функциялари “модал-эвфема” термини остида тушунилади ва ўзига хос хусусияти, чунончи, эвфематик даражаси (нисбийлиги) таъкидланади¹²⁶. Киши феъл-атвориға хос ижобий хулқ, албатта, нутқ жараёнида иштирок этаётган сўз, қўшимча воситасида ҳам ўзини намоён қилади. Демак, морфологик сатҳнинг ҳам гендер эвфемизмлар ҳосил бўлишида аҳамияти катта.

Кўпинча, аёл коммуникант нутқида қўлланиб, хушмуомалаликни, эркалашни билдирувчи грамматик шакллар гапга эвфемик руҳ беради. Қуйидаги гапга эркалаш-эъзозлаш қўшимчаси *-хон* эвфемик маъно берган: “*Хушчақчақ, файзли Гулбаҳорхон барчага қадрдон бўлиб қолган*” (“Саодат” журнали, 2009, № 6, 5-б.). Негаки, гапнинг “*Хушчақчақ, файзли Гулбаҳор барчага қадрдон бўлиб қолган*” кўринишида ҳурмат маъноси сезилмайди. *-хон* аффикси аёл коммуникатга хос грамматик восита.

Бу тухматларнинг тагида бирор сиёсий мақсад борлиги эҳтимоли тўғрисида Президентимизнинг ўзлари ҳам айтган эдилар (“Оила ва жамият”) гапи *-миз, -лар* аффиксларисиз “яланғоч”ланиб қолган бўлар эди (денотати – ...Президентнинг ўзи ҳам айтган эди). Ҳолбуки, бунда *-миз, -лар*

¹²⁵ Маҳмудов Н. Тил. – Тошкент: Ёзувчи, 1998. – 40 б.–Б. 5.

¹²⁶ Омонтурдиев А.Ж. Профессионал нутқ эвфемикаси. – Тошкент: Фан, 2006.

гап мазмунини – денотатни ҳурмат, эъзоз каби модус, эвфоник маънолар (коннотат) билан бойитган, энг муҳими, гап эвфемик характер касб этган.

Маълумки, эгалик шакли соф эгалик, қарашлилиқ маъносидан ташқари эркалатиш, койиш, нолиш, тинчлантириш, ачиниш, киноя, кесатиш, камтарлик каби модал маънони ифодалашга хизмат қилиши мумкин. Юқоридаги мисолда эгалик шакли орқали ҳурмат маъноси очиб берилган. Шунинг учун *-имиз* эгалик шакли тобеланган сўз кўплик *-лар* шаклида воқеланган. Акс ҳолда, *-имиз* ҳамда кўплик *-лар* кўшимчаларисиз денотат (*Президентнинг ўзи айтган эди*) “қуруқ дарахт”га ўхшаб қоларди. Қуруқ ёғоч ўтиндан бошқасига ярамаганидек, юқоридаги мисолимиз ҳам ҳурмат маъно оттенкасисиз таъсирчан бўлмайди ҳамда гап эвфемик характер касб этмайди. *Бир куни отахон менга сирни очдилар* (“Саодат” журнали, 2009, № 6, 5-б.) мисолида эса *-хон* ва *-лар* аффикслари эвфемик восита бўлиб хизмат қиляпти. Публицистик услубга хос қуйидаги гапда кўшимча орқали модал-эвфемик муносабат ифодаланган: *Президентимиз, Қуrolли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучлари ташкил этилганининг 21 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табригида ҳарбийлар қатори биз, зиёлилар, маданият, санъат, спорт намояндалари, мамлакатимиз кенг жамоатчилиги вакиллари учун ҳам бугунги ва эртанги фаровон ҳаётга гаров бўладиган муҳим вазифаларни аниқ белгилаб бердилар* (“Халқ сўзи”, 2013, 9 январь).

-лар шаклининг ҳурмат тамойили нуқтаи назаридан эвфемик маъно касб этиши, асосан, аёллар нутқида, айрим ўринда эса эркақлар нутқида ҳам кузатилади. Грамматик шаклларнинг эвфемик маъно касб этиши морфологик сатҳ ролини белгилаб беради.

Сўз бирикмаси шаклидаги эвфемик восита [тобе сўз + ҳоким сўз] қолипига эга. Бундай эвфемизмлар нутқий ҳодисалиги ва барқарор эмаслиги билан иборадан фарқланади. Сўз бирикмаси шаклидаги эвфемик восита ҳар икки жинс вакиллари нутқида ҳам қўлланилади. Масалан, *ажал оғзи* (“ўлим”), *бюрократ тўралар* (“мансабпараст амалдорлар”), *фикр қарамлиги*

(“шахсий фикрга эга бўлмаслик”), *гугурт чақмоқ* (“ёвузликка сабаб бўлмоқ”), *маънавий бўшлиқ* (“онгсизлик”), *муҳтож табақа* (“камбағал”), *олий жазо* (“ўлим”), *оёғидан айрилмоқ* (“чўлоқ бўлмоқ”), *озодликдан маҳрум бўлмоқ* (“камалмоқ”), *ақл-ҳушини йўқотмоқ* (“жинни”), *болалар уйи* (“етимхона”), *қизлигидан жудо қилмоқ* (“зўрламоқ”), *бир пачка қизил* (“пул пораси”):

1. Унинг отаси урушдан **оёғидан айрилиб** қайтган, ўшанда уни сельпо магазинига сотувчи қилиб тайинлашган эди (Ў.Ҳошимов. “Нур борки, соя бор”. 75-б.).
2. Фарзандлар оилада тўғри тарбия олишолмаганликлари учун **озодликдан маҳрум бўлишгача** боришяпти (Т.Малик. “Алвидо, болалик”. 210- б.).
3. Шу кеча мени 15 ёшимда **қизлигимдан жудо қилдилар** (Ч.Айтматов. “Биринчи муаллим”. 42- б.).
4. **Ақл-ҳушини йўқотган** одамдай стрелкачининг будкасига – Дуйшеннинг ёнига югурдим (Ч.Айтматов. “Биринчи муаллим”. 51-б.).
5. Мени бир нечта етим болаларга қўшиб, Тошкентга, **болалар уйига** жўнатишди (Ч.Айтматов. “Биринчи муаллим”. 46-б.).
6. Аэропортга кузатишга чиқдим, **бир пачка қизилни** чой пули қиларсиз деб, папкасига солиб қўйдим (Ў.Ҳошимов. “Нур борки, соя бор”. 75-б.).

Юқоридаги мисоллар гендер эвфемизмлар юзага чиқишида синтактик сатҳнинг ҳам ўрни борлигини кўрсатади. Тил эстетикасининг муҳим бўғини сўзларнинг ифода имконияти масаласи, яъни сўз эстетикасидир. Агар тил фақат коммуникатив вазифасининг ўзи билангина яшаганда эди, у бениҳоя қашшоқлашган бўларди.

Сўз қўлланиши ва ундаги эстетик имкониятига кўра жуда ҳам мураккаб. Адабиётшунос Н.К.Гей ўзининг “Сўз санъати” номли китобида жуда ўринли таъкидлаганидай, бир сўз илмий рисолада ҳам, ташвиқий мақолада ҳам, лирик шеърда ҳам ва жонли сўзлашувда ҳам қўлланиши мумкин, лекин уларнинг ҳар бирида сўз ўзига хос алоҳида маъно нозиклигига эга бўлади.

Шунииг учун ҳам сўзлар сурат жилосидаги рангдан ёки ҳайкалтарошликдаги турли формалардан бекиёс бой ва мазмунлироқдир¹²⁷.

Хулоса шуки, гендер эвфемизм воқеланишида тилнинг лексик, морфологик ва синтактик сатҳлари муҳим роль ўйнайди. Зеро, вужудга келган гендер эвфемизм тилнинг қайсидир тизимидан ўрин олган бўлади.

Гендернинг нолисоний воситалар билан ифодаланиши. Маълумки, гендерология – инсон биологик жинсининг билими, маданийлиги, ижтимоий маънаси, ҳуқ-атвори, шахсияти, психологик хусусиятлари, жумладан, нутқ муносабатларини ўрганувчи йўналиш. Нолисоний воситаларнинг миллий ўзига хосликлари, мулоқот актидаги ўрни, роли, ишлатилиши, уларнинг лисоний ифодалари олимлар томонидан атрофлича тадқиқ этилгани ҳолда коммуникантлар жинси, ёши, ижтимоий вазифаси билан боғлиқ жиҳатлари тўғрисида йўл-йўлакай фикрлар билдириб ўтилган¹²⁸.

Новербал коммуникация (lot. verbalis – “оғзаки” ва lot. communication – “мулоқот”) – кишиларнинг ўзаро таъсири ва эмоционал ҳолатидаги ҳуқ-атворини кўрсатувчи мулоқот шакли.

“Новербал” термини “нолисоний тил” деб тушунилади. У инсон танасининг ҳаракатлари, нутқнинг товушли услуби, шунингдек, атроф-муҳитнинг турли элементлари, ташқи кўриниши ва ҳатто санъатнинг турли соҳаларини ҳам ўз ичига олади. Новербал нутққа, асосан, имо-ишора, юз ифодаси, нигоҳ ва овоз оҳанги киради. Жинсий фарқлар ҳақида мулоҳаза юритганимизда, новербал нутқда ифодаланадиган стереотип (қолип)лар ҳақида эслатиб ўтамиз. Шахсий ҳаракатлар ва ҳатто новербал нутқнинг барча услуби аёл ва эркекнинг нолисоний хатти-ҳаракати деб баҳоланди. Имо-ишоранинг энг муҳим элементида бири – бу нигоҳ (назар, кўзқараш). Нигоҳ

¹²⁷Абдурахмонов Х., Маҳмудов Н. Сўз эстетикаси. – Тошкент: Илм, 1981. – Б.49.

¹²⁸Нурмонов А. Ўзбек тилининг паралингвистик воситалари ҳақида. – Андижон, 1990.; Саидхонов М. Новербал воситалар ва уларнинг ўзбек тилида ифодаланиши: филол.фан.номз...дис...автореф. – Тошкент, 1993.

хам ижобий, ҳам салбий эмоцияларнинг муҳим элементидан бири, ҳиссиётни етказишнинг асосий услуби¹²⁹.

А.Р.Даирова: “Тиллар, миллатлар, миллий маданият, миллий хусусият, миллий тушунча ва ўз-ўзини англаш, бу ҳодисалар инсониятнинг этнографик хилма-хиллиги ва маданий хусусиятини аниқлаб, улар орасида шахснинг индивидуал параметри, жумладан, инсон жинсини ўрганувчи гендерология ҳам муҳим роль ўйнайди”, – дейди¹³⁰.

Дунё моделларининг қурилишида эркак ва аёлнинг рамзий маънолари тавсифловчи ролни бажаради. Инсоннинг эркак ёки аёл эканлиги ҳулқ-атворининг мотивацияси, ҳиссиётлари, унинг дунё ва бошқа одамларга бўлган муносабат, миллий шароитга боғлиқ.

Кўплаб маданиятларнинг жинсий рамзларида, “эркак” илоҳий, руҳий, овоз, маданият, фаолият, ёруғлик, шакл ва бошқаларга тенглаштирилса, “аёл”–материя, хаос, табиат, заифлик, пассивлик, эмоционаллик, қоронғулик, бўшлиқ, шаклсизлик ва бошқа нарсаларга ўхшатилади. Бунга Алан Пизанинг эркак ва аёлнинг қўл бериб саломлашиши ҳақидаги фикри мисол бўла олади. Охирги ўн йилликларда аёллар бизнес (тижорат) дунёсида жиддий ўринни эгаллаб олган бўлса ҳам, кўпчилик ҳозиргача саломлашиш борасида ноқулайликларни бошдан кечирмоқда. Эркакларда қўл бериб кўришиш одати ота-боболаридан ўтган бўлса ҳам, аммо кам сонли аёллар бундан бохабар. “Эркак саломлашиш учун аёлга қўл узатганда, аёл унинг юзига қараб, буни сезмасдан қолса, эркакнинг қўли ҳавода муаллақ қолади. Эркак уялиб қўлини тортиб олади, бироқ шу вақтнинг ўзида аёл узатган қўлни сезади ва жавобан қўл узатади. Аммо энди аёлнинг қўли жавобсиз қолади”¹³¹.

Тилшуносликдаги гендер йўналишининг асосий жиҳати – аёл ва эркак

¹²⁹ elar.urfu.ru Кочетова Д.А. Невербальная коммуникация как средство изображения гендера в эмоциях женских персонажей (на материале романа Джона Стейнбека «Гроздь гнева») [электрон ресурс].

¹³⁰ www.google.com Нарожная В.Д. Женский и мужской невербальный язык как концепт гендерных исследований: аспекты межкультурного общения [электрон ресурс].

¹³¹ www.google.com Нарожная В.Д. Женский и мужской невербальный язык как концепт гендерных исследований: аспекты межкультурного общения [электрон ресурс].

нутқини фарқлашга қаратилгани билан бир қаторда бу икки жинс вакили тилидаги фикр ифодалашнинг новербал усулидан ҳам фойдаланишда фарқлар сезилиши кузатилади. С.Мўминов ўзбек эркак коммуникантлари учун хос бўлмаган нолисоний воситалар сифатида қош учуриб, чимириб гапириш; ноз қилишни ифодаловчи кўз сузиш; сабабсиз оғизни тўсиб гапириш; ҳайронлик, беҳабарлик, менсимаслик маъносида лаб буриш; ачиниш маъносида тилни тишлаб, бошни қимирлатиш; ўпишиб (айниқса, ўз жинсига мансуб кишилар билан) кўришиш; жимжилоқни лабга теккизиб уялиб ерга қараб туриш; кўрсаткич бармоқни иякка қўйиб, ўй суриш; суҳбатлашиб турганда ўнг ёки чап томонга бир силтаниб қайрилиб ва бошни ҳиёл пастга эгиб суҳбатдошдан аразлаш; коммуникант билан ўта яқин (50-60 сантиметрдан қисқа) масофада туриб сўзлашиш каби белгиларни, аёл коммуникантлари учун хос бўлмаган нолисоний воситалар сифатида эса коммуникантнинг юзига тик боқиб туриб гапириш (тинглаш); қўлни арра (пахса) қилиб гапириш; қўлни силтаб, маҳкам қисиб, тортиб... сўрашиш; ичкилик ичишга ишора маъносида томоққа чертиш; баланд овозда “хо-хо”лаб кулиш; бош бармоқни орқага қайириб “мен” маъносида кўкрагига ишора қилиш; муҳаббат изҳори маъносида “дўст” деб кўкракка уриш каби ҳолатини қайд этади¹³².

Эвфемизмнинг новербал усулда кўриниши ҳам тилшунослар томонидан ўрганилган.

Ифода усулига кўра эвфемик материаллар: 1) вербал восита (ВВ); 2) новербал восита (НВ)ларга ажратилади. Эвфемик маъно кўп ҳолда НВлар орқали ифодалашни тақозо қилади. НOVERбал эвфемик нутқ, одатда, ихчамлик, тежамкорлик – тил иқтисоди; контекст ва нутқий вазият талаби қонунига асосланади. НOVERбал эвфемик воситалар имплицит, кинетик ифода турига ажралади. Имплицит ифода усули кўпроқ контекстга (ёзма нутққа) таянади. Бунда прессупозиция, эллипсия, интонация – сукут, тўхтама каби

¹³² Мўминов С. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари// филол. фан. д-ри...дисс. автореф. – Тошкент, 2000. – Б.34.

ходисаларга эътибор берилади. Имплицит ифодада, кўпинча, табулаштирилган воқеликнинг эвфемик воситаси реал кўлланмайди, бироқ улар замиридаги тушунчалар контекст ва интонация (оҳангнинг бирдан кесилиши, тугалланмаганлиги, сукут, давомлилик кабилар) орқали англашилиб туради. Бунда: а) гапнинг тузилиши ўзгаради: тўлиқсизлик, эллиптиклашиш юз беради. Гап мазмунида ҳам ўзгариш содир бўлади: денотат (ҳис-ҳаяжон, оҳангдорлик, субъектив баҳо каби) коннотат маънолар билан бойиб, фигурал нутқнинг шаклланишига сабаб бўлади. Масалан, *Одам ҳам дарахтдай гап: ўсади, унади, мева беради, сўнг...* (С.Сиёев) Гофир (титраб): *Жамила, кўзимга қара! Сен чиндан ҳам бой билан...*(Ҳамза) гапларида *ўлим* ва *уят* тушунчаси сўзсиз (ёзувда кўп нуқта орқали) ифодаланган¹³³.

Ўзбек мулоқот маданиятида сукутнинг ўрни катта. Сукут – кенг маъно ифодаловчи новербал восита. У нафақат эвфемизм сифатида, балки мулоқотда бошқа мақсадлар учун ҳам (ҳурмат, ризолик ва б.) қўлланади. Доно халқимиз бежиз: “Сукут – ризолик аломати”, – демаган.

Эвфемизмнинг гендер хусусиятида сукутнинг ўрни алоҳидалигини эътироф этиш лозим. Зеро, эвфемизм салбий воқеликни аташдан қочиш, шундай воқеликнинг салбий таъсирини юмшатиш учун хизмат қилиб, кишининг иззат-нафсига тегадиган, унга малол келадиган, ҳурматсизлик ифодалайдиган, ахлоқий меъёрга зид ҳолатнинг ёки тўғридан-тўғри айтиш мумкин бўлмаган махфий воқеликнинг салбий таъсирини камайтириш, уларни яшириш, беркитиш; нохуш хабарни беозорроқ, юмшоқроқ шаклда етказиш, ифодалаш учун ишлатилади¹³⁴. Сукут сўзлашув нутқида жим туриш, чуқур нафас олиш орқали кўринса, ёзувда кўп нуқта воситасида ифодаланади.

¹³³ Омонтурдиев А.Ж. Профессионал нутқ эвфемикаси. – Тошкент: Фан, 2006. – Б.56.

¹³⁴ Омонтурдиев А.Ж. Профессионал нутқ эвфемикаси. – Тошкент: Фан, 2006. – Б.56.

Фикримизни бадий асарлардаги қаҳрамонлар нутки орқали далиллашга ҳаракат қиламиз: *Бир тонналик бетон плита шунчаки ўз оғирлигини кўтаролмай чокидан узилиб кетди, бир эмас, уч қаватни босиб қолди. Яхшиямки, кечаси бўлган. Агар шу фалокат эрталаб, мактаб боласи ўқишга кетаётганида ёки кечқурун одамлар ишдан қайтаётганида рўй берса...* (Ў.Ҳошимов. “Икки эшик ораси”. 7-б.) Ушбу жумлада сукут “Одамлар бетон тагида қолиб ўларди” деган маънони ифодалашга хизмат қилган. *Улар азбаройи зилзила туфайли ўғлимиз ўқишни ташлаб кетди, деб ишонади. Мен бўлса... Зилзила нима бўпти! Ўқишни ташлаш нима бўпти! Мунаввар бўлмаганидан кейин...* (Ў.Ҳошимов. “Икки эшик ораси”. 11-б.) *Мен бўлса...* жумласида “Мунаввар учун ўқишни ташладим”; *Мунаввар бўлмаганидан кейин...* гапидан эса “Ҳеч нарса керак эмас” маъноси англашилиб турибди. *Ҳали Нилуфар, “бувим ўлдила”, деб бежиз айтмаган. Бундан чиқди... Кўқондаги ойим...* гапида сукут “ўлибдилар” маъносини ташишга хизмат қилган. Эътибор берсак, бола нутқида “ўлмоқ” сўзи тўғридан-тўғри ишлатилиб, эвфемизациялашмаган. Болалар ўз нутқида сўзнинг маъносини юмшатмай, кўчма маънода қўлламай ишлатади.

1. *Ёрқин (зўрга) Бекка: Шамнинг биттасини ўчириб, биттасини тоқчанинг устига олиб қўйсинлар...Бек: Иннайкин-чи? Ёрқин (зўрга қалтираб): Иннайкин...Билганлари!..* (Чўлпон. “Ёрқиной”. 344-б.)
2. *Кечлатиб келинг... Яхши палов қиламан. Хоним ҳам бўлади, тобингиз бўлса, у ёғи осон...* (Чўлпон. “Кеча ва кундуз”. 153-б.)
3. *Наригиси қалай...тобингиз борми шу хотинга?”* (Чўлпон. “Кеча ва кундуз”. 61-б.)
3. *Эсингдами, бугдойзорда...гарам ичида...* (Эркин Воҳидов)

Юқоридаги мисолларда “жинсий алоқа қилмоқ” маъноси яширинган, улар бадий матнда кўп нуқта орқали берилган, аммо нутқий вазиятда унинг ҳақиқий маъноси сўзловчи ва тингловчи, ҳатто ўзга учун ҳам равшан. *Пўлат. Мен қўпол бўлсам, мени ҳайданг-да, қаршингизда чиройли йигит – хонзодангиз турадир, ўшанга...* (Чўлпон. “Ёрқиной”. 373-б.) жумласига “эрга тегинг” маъноси сингдирилган. *Бек: Бугун биласанми, охирги кун!.. А...*

охирги кун деганимми? ...қизингнинг охирги қизлик куни! (Чўлпон. “Ёркиной”. 340-б.) Ушбу гапда уч нуқта орқали “Қизингнинг қизлиги кетади, зўрланади” маъноси англашилади. –*Робия, –деди илтижо билан... – Мен... мен..., – деди юпқа лаби титраб* (Ў.Ҳошимов. “Икки эшик ораси”. 125-б.). Қаҳрамон “Сизни севаман” маъносини сукут орқали ифодалаган.

Новербал усулдан оҳанг орқали ҳам эвфемизм ҳосил қилиш мумкин. Бунда кўпроқ риторик сўроқ гапдан фойдаланилади: *Унинг кими бор? Қаерга боради?* (Ғ.Ғулом.1-том. 140-б.) *Унинг кими бор?* жумласи орқали “ҳеч кими йўқ”, “етим” тушунчалари, *Қаерга боради?* гапи орқали эса “Етимхонагами?” маъноси ифодаланган.

Юқорида кўриб ўтган мисолларимизда сукут орқали эвфемик маъно ифодалаш эркак ва аёл нутқида баравар қўлланган.

Жонли сўзлашув тилида, бадий, айниқса, драматик асарларда (ремаркада) аёлларда “лабини тишлаш”, “бошини ёки кўрсаткич бармоғини тебратиш” ҳолатлари кўрқув ёки урушмоқ, эркакларда “мушт кўрсатиш”, “ўқрайиб қараш”, “томоқ қириш” жазоламоқ ёки икки жинс вакиллари томонидан амалга ошириладиган “юзига дуо тортиш” жараёни “ўлмоқ” маъноларида қўлланиб, гендер эвфемизмларининг новербал ифодаланиши сирасига киради: *Бувим (юзига дуо тортиб), энди, энди нима қиламиз?* (жонли сўзлашувдан)

Абдулла Қодирийнинг эвфемизм ва дисфемизмдан фойдаланиш маҳоратини ўрганган Х.Қодирова ёзувчи асарларида имплицит ифодаланган ҳақорат, қарғиш ҳам мавжуд эканлигини кўрсатади: *Кўлингдан қамчин, белингдан ошпичоқ, шопдек муртингнинг остидаги сассиқ оғзингдан “Қизингни... онангни... динингни... ота-бобонгни...” деган зикри олийлар доим фаввора урар эди* (“Мочалов”)¹³⁵.

Чўғ оймомо юзларидан, Оймомо юзлари чўгдан қолишмайди. Янга бўлмиш кенжасини Оймомога берди. – Бўлди, сукут аломати ризо,– деди

¹³⁵Қодирова Х.Б. Абдулла Қодирийнинг эвфемизм ва дисфемизмдан фойдаланиш маҳорати: Филол.фанлари номзоди...дисс. – Тошкент, 2012. – Б.15.

(Т.Мурод. “Ойдинда юрган одамлар”. 8-б.). Мисолда қизнинг ташқи кўриниши орқали Қоплонга турмушга чиқишга розилиги билиниб турибди. Ўзбек қизлари ризолигини тили билан ифодалаши уят саналади, розилик аломати, одатда, новербал йўл билан билдирилади. Катталар уларнинг жавобини юз ифодасидан билиб олади. Бу ҳолат ўзбек қизларига хос одоб, хушхулқлик, шарқона тарбия ва миллий ментал характери намоён қилади.

...Қоплон аёлига оғриниб қаради.

–Қайси юз билан?

–Оймомо чаппа бурилиб олди.

– Бу кишига иш керак, мол-дунё керак. Қайғуси болами?... – деди

(Т.Мурод. “Ойдинда юрган одамлар”. 55-б.).

Берилган парчада аёлнинг хафа бўлиши, норозилиги “чаппа бурилиб олиши” ҳаракати орқали ифодаланган. Оймомо турмуш ўртоғига “Жаҳлим чиқди”, “Хафа бўлдим”, деб айтолмаганлиги учун айни маъно унинг хатти-ҳаракати билан кўрсатилади. *Ер ёрилмади, Оймомо ерга кириб кетмади! Боши узра ўйнатмиш қўлларини оҳиста-оҳиста туширди. Кафтлари билан юзларини бекита-бекита, даврадан чиқиб жўнади* (Т.Мурод. “Ойдинда юрган одамлар”. 77-б.). Бу ҳолатда Оймомонинг “кафтлари билан юзларини бекитиш” ҳаракати унинг шармандали ҳолатга тушиб йиғлаганига ишора қилмоқда.

Тадқиқотчи В.Д.Нарожная гендер тадқиқотларида аёл ва эркаклар новербал нутқини концепт сифатида ўрганиб, қозоқ жамиятида гендер муносабатнинг ўзига хослигини асослаб берган. Олимнинг экспериментал тадқиқот ва кузатув материаллари Жанубий Қозоғистонда яшовчи чет эллик корейсларда имо-ишора ва эмоция (ҳис-туйғу) чегараланганлиги ҳақида маълумот беради.

Г.Р.Крейдлин аёлларнинг имо-ишораси ва ҳолат (гавданинг вазияти)ларига сочни тўғрилаш, бошни бир оз эгиш, тиззаларни ёпиб ўтириш, қўлларни қовуштириб, қорин устига қўйиш, гавданинг сон қисмини тебратиб юриш ва шу кабиларни киритган.

В.П.Конецкая аёл белгиларига кўрқувдан кўзни юмиш, асабийлашганда бармоқдаги узукни айлантириш кабиларни кўшади¹³⁶.

Ўзбек миллатида эса азалдан каттага тик қараб гапирмаслик, гап қайтармаслик, гапга аралашмаслик, суҳбатдошга ахлоқ меъёрлари доирасида муомала қилиш каби ҳолатлар одоб меъёрига кирган. Ўзбек тили гендер эвфемизмларида новербал воситадан сукут аёл ва эркак томонидан бирдек қўлланилса, икки жинс вакилларининг ўзига хос ҳаракатлари нутқ жараёнида гендер эвфемизмларини ифодалашга хизмат қилади. Бундай усуллар нутқда, кўриб ўтганимиздек, одатда, вербал ифодадан кўра таъсирли ва самаралироқ натижа бериб, сўзловчи ва тингловчининг коммуникатив мақсадини аниқ рўёбга чиқаради.

Кўпгина воқеликни ифодалашда вербал эвфемик воситалар ҳам “ожиз”лик қилади. Муайян вазият сўзловчи ёки тингловчини қаноатлантирмайди – ноқулайликдан қутқара олмайди. Бундай ҳолларда новербал эвфемик восита (кинетик ифода усули) ёрдамга келади. Бошқача айтганда, вербал нутқ эвфемик маънони лексик-семантик кўчим, нутқий фигуралар ёрдамида ифодаласа, новербал нутқ имо-ишора, мимика, жестикуляция, суҳбатдош ҳаракат-ҳолати, нутқий вазият ва шу жараёнлар билан боғлиқ оҳанг, унинг унсурлари – просодик, экстралингвистик ёки паралингвистик воситалар билан иш кўради. Лекин нутқнинг бу икки воситаси бир-биридан ажратилган ҳодиса эмас, албатта. НOVERBAL восита вербал нутқ оқимида – тил базасида ҳаракат қилувчи воқеликнинг реаллашувида хизмат қилувчи ёрдамчи восита¹³⁷.

Хуллас, новербал эвфемик воситалар ҳам нутқий вазиятда сўзловчи ёки тингловчини ноқулайликдан қутқара олувчи воситалардан биридир.

¹³⁶ www.google.com Нарожная В.Д. Женский и мужской невербальный язык как концепт гендерных исследований: аспекты межкультурного общения [электрон ресурс].

¹³⁷ Омонтурдиев А.Ж. Эвфемик воситаларнинг функционал хусусиятлари: Филол. фанлари. номзоди... дисс. – Т., 1997. – Б.71.

Биринчи боб бўйича хулоса

1. Табу ва эвфемизм ҳодисалари жаҳон тилшунослигида атрофлича тадқиқ этилган, одатда, эвфемизм ҳодисаси табу билан боғлиқ ҳолда ўрганилган. XX-XXI асрларда эвфемистик лексика муаммоси ва унинг бошқа тил ҳодисалари билан алоқасига доир олиб борилган бир қатор илмий тадқиқотда эвфемизм маданий нутқ яратишда асосий роль ўйнайдиган, сўзловчининг дунёқараши ва фаҳм-фаросатини кўрсатувчи бирлик эканлиги, уларнинг гендер хосланиши хусусида салмоқли фикрлар ҳам қайд этилган.

2. Гендер хусусиятлар, одатда, гендерологияда ўрганилади. Гендерология–биологик жинсни социал муҳитда ўрганувчи энг ёш фан. “Гендер” термини дастлаб тиббий маънога эга бўлган бўлса, ҳозирги кунда гендерология йўналиши ижтимоий фан сифатида қабул қилинади. Гендер – жамиятдаги эркак ва аёлнинг нафақат биологик фарқини, балки улар билан боғлиқ ижтимоий-маданий меъёрларни ҳам белгилаб берувчи кенг қамровли серқирра тушунча. Шу боис тилшуносликда эвфемизмларнинг гендер ифодалаш хусусиятини гендерология соҳасидан айри таҳлил этиб бўлмайди.

3. Рус ҳамда европа тилшунослигида ўтган асрнинг 90-йилларида пайдо бўлган гендер муаммоси, кўпинча, тилшунослик билан кесишувчи психолингвистика, социолингвистика, этнолингвистика ва лингвокультурология каби туташ йўналишлар асосида ўрганилди. Ўзбек тилшунослигида гендер ҳодисасига дахлдор айрим тадқиқотлар олиб борилганки, улар кейинги изланишларга замин ҳозирлайди.

4. Ўзбек нутқ одобида эвфемизмлар хушмуомалалик тамойилларининг таркибий воситаси вазифасини бажаради. Шу нуқтаи назардан гендер эвфемизмларини қуйидагича гуруҳлаш ўринли:

а) аёл ва эркак нутқида қўллаш ноқулай бўлган тушунчаларни суҳбатдошнинг кўнглига тегмайдиган бирликлар орқали ифодалаш;

б) турли жинсга мансуб жисмоний камчиликларни ифодаловчи гендер эвфемизм;

в) аёл ва эркакнинг ахлоқий, эмоционал ва интеллектуал сифатларини англатадиган эвфемизм.

5. Гендер эвфемизмлар фақат фонетик, лексик, морфологик ёки синтактик бирлик эмас, балки унинг ҳаракат доираси бутун тил сатҳи бўйлаб ёйилган. Ҳатто паралингвистик ҳодисалар ҳам эвфемик маъно ифодалаш учун хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан гендер эвфемизмларини тил тизимининг маълум сатҳига дахлдор деб бўлмайди. Аммо гендер эвфемизмлар воқеланишини лисоний омилларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

6. Ўзбек тили эвфемизмларининг гендер хусусиятида нафақат лисоний, балки нолисоний ҳодисалар ҳам аҳамиятли. Новербал восита (сукут, юз ифодаси, кўл, елка ҳаракати ва б.)лар муайян маъно билдириб, кўп ҳолларда лисоний воситалар ифодаляйдиган маънодан-да кучлироқ таъсир этувчи нутқ локуциясини тингловчи (суҳбатдош, ўқувчи)га тўлақонли етказиб бериш учун хизмат қилади.

II БОБ. НУТҚДА ЭВФЕМИЗМЛАР ҚЎЛЛАШНИНГ ГЕНДЕР ХОСЛАНИШИ

2.1. Аёл жинсига оид эвфемизмларнинг лексик-семантик таснифи

Аёлларнинг ахлоқий, эмоционал ва интеллектуал сифатларини англатадиган эвфемизмлар. Тил ва нутқ ҳодисалари марказида инсон турар экан, ҳар бир жараён унинг нутқи билан бевосита ва билвосита алоқадорликда ривожланади. Нутқ кўрки бўлган эвфемизмлар жамиятда мавжуд бўлган икки қарама-қарши жинс вакилларига хосланганлик нуктаи назаридан фарқланади.

Нутқдаги эвфемизм – ширин қобикдаги аччиқ дори. Нутқдаги эвфемизмлар – бу хушмуомалалик билан гапиришга дохил восита. Эвфемизмлар ёрдамида, бир томондан, суҳбатдошимизга нисбатан хушмуомалаликни намоён этамиз ва у учун ёқимсиз дақиқаларни бир қадар бартараф қиламиз. Бошқа томондан, эвфемизмлар аллегорик тарзда ифода этилган асосий мазмунни ифодалайди: *Сиз янглишиясиз* (“Сиз ноҳақ, фикрингиз нотўғри”), *Ҳақиқатдан узоқлашманглар* (“Нотўғри гапирманг”), *Бу кийим сизни катта кўрсатади* (“Бу кийим сизни қари кўрсатади”) ва ҳ.к. Иқтидорли режиссёр Сергей Эйзенштейн айтганидек, суратга олиш жараёнида санъаткор қизларнинг гўзал пушти териси орқали бош суягини кўра билиши керак. Ҳа, эвфемизм ҳам худди шундай пушти қобикдир. Унинг шакли қанчалик чиройли бўлмасин, биз ҳар доим унинг ортида қандай маъно борлигини тушунамиз¹³⁸.

Жамият эволюцияси шуни кўрсатадики, биологик томондан эркакларнинг кучлилиги ва аёлларнинг уларга нисбатан заифлиги – рад этиб бўлмас ҳақиқат. Демак, улар орасидаги жиддий фарқлар икки жинс вакилининг нутқида ҳам ўз аксини топади. А.Н.Прудивус таснифи бўйича, эвфемизация қадимда пайдо бўлган, одамлар нутқида қулайликлар яратиб берган.

¹³⁸sn.ria.ru Кошова М. Эвфемизм в языке – горькое лекарство в сладкой оболочке.

Тадқиқотчи Г.А.Вильданова эвфемистик сўзлар луғати таҳлилидан эвфемизмлар системасида “аёл” ва у билан боғлиқ тушунчалар муҳим ўрин эгаллаши маълум бўлганлини таъкидлайди. Баъзи тадқиқотчиларнинг фикрича, “аёл” тушунчасининг ўзи эвфемизациялашади¹³⁹.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да ҳам аёл умуман эркакка қарама-қарши жинсдаги шахс эканлиги, “хотин”, “рафиқа” (эрга нисбатан) тушунчаларини ифодалаши айtilган: *Аёлим қишин-ёзин ичкари ҳовлининг юмушини қилади: кир ювади, уй-жойни супуради, нон ёпади, кўрна қавийди* (Ойбек. Танланган асарлар). *Аҳмад бригадирнинг юрагига гулгула тушди, сергак тортиб, аёлига қаради* (С.Нуров. “Нарвон”). Бундан “аёл” тушунчасининг ўзи эвфемалашган эканлигини англаш мумкин¹⁴⁰. Таърифдан ўзбек тилида ҳам *аёл* сўзининг ўзи гендер характерга эга эканлигини кўриш мумкин: 1. *Уйда аёлимизга бор гапни айтиб бердим. Аёлимиз олдин ишонмади* (Т.Мурод. “Отамдан қолган далалар”. 131-б.) (“хотин”). 2. *Ўзингникидан қиз олма, демишлари ҳаққаст чин бўлди* (Т.Мурод. “Отамдан қолган далалар”. 134-б.) (“хотин”). Мисолларда *аёл* сўзи *хотин* сўзи ўрнида қўлланган эвфемизм, нутқий маданият белгиси.

Р.Холдер эвфемизмлар луғатида *заиф жинс* – аёл, қисқача, оиланинг заиф қисми (ирқи), заифроқ қисми, деб қайд этиб, бир вақтнинг ўзида уни ҳам эвфемизм, ҳам дисфемизм деб атади, чунки сиёсий тамойил томонидан бу шовинистик термин ҳисобланади. Шу билан бирга, бу иборани кўпчилик аёл ўзини хафа қиладиган даражада қабул қилишини таъкидлайди.

Тадқиқотчи Г.А.Вильданова “аёл” эвфемистик тезаурусининг бир нечта мавзувий гуруҳларини кўрсатади:

- 1) табиий-жисмоний ва психологик хусусиятларни ифодаловчи эвфемизм;
- 2) табиий ногиронликни яширадиган эвфемизм;

¹³⁹ www.twirpx.com Вильданова Г.А. Гендерный аспект эвфемизации (на материале английского языка)/ дис... кандидата филологических наук. – Бирск, 2008. – С.193.

¹⁴⁰ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. //Биринчи жилд. – Тошкент: ЎзМЭ, 2006. – Б.43.

3) “гўзаллик саноати” билан боғлиқ эвфемизм (косметология, пластик жарроҳлик ва ҳ.);

4) физиологик жараён ва тана қисмларини белгилайдиган эвфемизмлар;

5) касб-ҳунар номини ифодаловчи эвфемизм¹⁴¹.

Тадқиқотчи табиий-жисмоний ва психологик хусусиятларни ифодаловчи эвфемизм гуруҳига аёлларнинг хулқ-атвори, ташқи кўриниши, ёши, маълумоти, никоҳдаги ҳолатига нисбатан муносабатини ифодаловчи лексик бирликларни киритган. Анъанавий равишда аёлларга тегишли заифлик ва камчилик ҳисобга олиниб, улар эвфемизациялаштирилади. Ушбу гуруҳни ташкил этувчилар умумий ўрганилган эвфемизмнинг 17,6 % ини ташкил қилган. Тадқиқотлар “осон эришиб бўладиган”, “енгилтабиат” каби аёллар сифатини белгиловчи эвфемизм жуда кўплигини кўрсатади.

Ўзбек тилида аёл жинсига тегишли эвфемизмларнинг лексик-семантик таснифига кўра:

- 1) ахлоқий, эмоционал ва интеллектуал сифатларни англатадиган;
- 2) ёшни билдирадиган;
- 3) ташқи кўринишни ифодалайдиган;
- 4) тана аъзолари билан боғлиқ;
- 5) касб-корни ифодаловчи;
- 6) касаллик билан боғлиқ эвфемизмлар мавжуд.

Аёлнинг ахлоқий, эмоционал ва интеллектуал сифатини англатадиган эвфемизм хусусида тўхталиб ўтамиз: 1. *Айниқса, ёлғиз аёл жамиятга мослаша оладими?* (“Хуррият”, 2018 йил 26 сентябрь) (“эрсиз”) Ижтимоий ҳаётда инсоннинг оилавий шароити, турмуши бир-бирига умуман ўхшамайди. Жамиятда ёши ўтган бўлса-да, турмуш қурмаган ёки турмуши бузилган, эри ҳаётдан кўз юмган (тул) аёллар қатлами мавжудки, уларга нисбатан қўлланадиган сўзга ниҳоятда эҳтиёт бўлиш лозим. Юқорида

¹⁴¹ www.twirpx.com Вильданова Г.А. Гендерный аспект эвфемизации (на материал английского языка)/ ДИС... кандидата филологических наук. – Бирск, 2008.

қўлланган “ёлғиз аёл” эвфемизми эрсиз аёлларга нисбатан қўлланилади ва айтиш ноқулай бўлган тушунчани силлиқ етказишга хизмат қилади.

“Бошингиз очикми?”, – у гапнинг дангалига кўчиб қўя қолди. *“Яхши бир йигит бор, нима дейсиз?” Қиз жавоб беришни ҳам эп кўрмай, боши билан йўқ ишорасини берганча, биздан узоқлашди (сўзлашувдан) (“эрсиз”).* Мисолда қўлланган “боши очик” ибораси эвфемик характерга эга, “эрсиз” деган тушунчани ифодалашга хизмат қилади. Аммо ўзбек нутқ одобида бундай очик, дисфемизм тарзида қўллаш мақсадга мувофиқ эмас. Холдернинг айтишича, “жазман” тушунчаси учун жуда кўп эвфемизм мавжуд. Чунки эркак билан никоҳсиз яшайдиган аёл жамият томонидан қоралаб келинган. Эркаклар эса буни *чап қўлли хотин, кичик хотин, севгилиси, котиба, жиян, аёл-дўст* эвфемизми орқали яширишга ҳаракат қилади¹⁴².

1. *Бу сафар ҳам “тайёр нарса”ни ташлаб кетгиси келмади. Уни уйига – Чорсуга кузатиб борди* (Ў.Ҳошимов. “Нур борки, соя бор”. 275-б.) (“ўйнаш”). 2. *Аксига олиб энди моторни юргизганда ўша жонон оёқ остидан чиқиб қолди* (Ў.Ҳошимов, “Нур борки, соя бор”, 275-б.) (“ўйнаш”).

Мисолларда *жонон, тайёр нарса* эвфемизмлари “ўйнаш” маъносида қўлланаётганини нутқий вазият кўрсатиб турибди. Жамиятда енгилтабиат аёллар борлигини инкор этиб бўлмайди. Аммо уларни тўғридан-тўғри дисфемизм билан аташ нутқий этикетга тўғри келмайди. Шу сабабли тушунча номини юмшоқроқ бирлик, яъни эвфемизм билан алмаштириб қўллашга эҳтиёж туғилади.

“Шармандали иш”га қўл ураётган қизлар, афсуски, орамизда учраб туради (сўзлашувдан) (“фоҳишалик”). Нутқда маънавияти ўта паст, ахлоқсиз қизу аёллар ўзларига “касб” қилиб олган, жамиятнинг иллоти ҳисобланган “фоҳишалик” маъносини ифодалашга хизмат қилувчи “шармандали иш” эвфемизми мавжуд.

¹⁴²www.twirpx.com Вильданова Г.А. Гендерный аспект эвфемизации (на материале английского языка)/ дис... кандидата филологических наук. – Бирск, 2008. – С.193.

1. *Ёши ўтган қизга харидор бўлсак, уйдагилари “жон” деб беради!* - деб жавоб берди (iqbol.uz) (“қариқиз”). 2. *Ёши ўтган қизларнинг “тихи қайрилган” бўлади. Балки, шу боисми, қизим фалончининг қизига ўхшаб ўтириб қолмасин деб, ота-оналар ҳам қизларини эрта узатиш тараддудига тушиб қолишади* (iqbol.uz) (“қари қиз”). Турмушга чиқмай қолган қари қизларга нисбатан қўлланадиган *ёши ўтган қиз* эвфемизми салбий тушунча номини юмшатишга хизмат қилган.

Эрга чиқмаган қизларга “бокира”, “иффатли”, “қиз бола” эвфемизми қўлланса, турмушга чиқмай бокиралиги қолмаган аёлларга нисбатан “гуноҳкор”, “номуси топталган”, “қурбон бўлган”, “зое кетган” эвфемизмлари ишлатилади: 1. *Ўзининг бокира эканлигини таъкидлаган қиз фарзандни дунёга келтирди* (aniq.uz). 2. *Самарқанд вилояти Тайлоқ туманида яшаган қиз номуси топталгани боис ўз жонига қасд қилди* (“Постда”, 2015, 15 июль).

Хитой тилида эса салбий муносабат қуйидаги эвфемизмлар воситасида ифодаланади: *қоқилган аёл, жинсий алоқа билан шуғулланувчи ишчи-аёл ёки қора танли аёл* ва ҳ.к.

Сўнгги йилларда “мисс” (ёш хоним) сўзи эвфемизмлар қаторидан жой олиб, “*фоҳиша*” маъноси ўрнида қўлланади. Шунинг учун ҳозирги вақтда ёш қизга нисбатан бу лексика фамилияси билан бирга ишлатилади¹⁴³.

Г.А.Вильданова тадқиқоти шуни кўрсатадики, аёлларнинг ҳиссиёти ва интеллектуал фазилатини изоҳлайдиган эвфемизмлар жуда кам (2,3 %). Жамият томонидан рад этилган аёлларга нисбатан “бошқалар ҳисобидан яшайдиган”, “бировга қарам бўлиб яшаш турмуш тарзи” каби эвфемизмлар қўлланилади.

Баъзи гўзал аёлларда ақлнинг йўқлиги ҳақидаги стереотипни қўллаб-қувватлаш мақсадида Р.Холдер *doll* (қўғирчоқ, чиройли, аммо аҳмоқ аёл)

¹⁴³ cyberleninka.ru Чжань Чань Эвфемизмы сексуальных отношений в русском и китайском языках.

сўзлашув эвфемизми ва *real doll* (ақли ўзида жозибали аёл) эвфемизмини мисол сифатида келтиради¹⁴⁴.

Барча эстетик ва ахлоқий қонунлар замонавий рус ва хитой тилида жинсий мавзуда тўғридан-тўғри гапиришни тақиқлаган бир пайтда эвфемизм жуда кенг қўлланилиб келмоқда.

Интим алоқалар билан шуғулланадиган аёл ҳақида сўз борганда уларга нисбатан *фоҳиша* сўзи ўрнида жуда кўп ифодани қўллаш мумкин:

–*Ойи, фоҳиша ким? – деб сўради бола, ойна олдида ўралашиб ўтирган онасидан.*

– *Бу кўп вақтини эркаклар жамиятида ўтказадиган аёл, – деб жавоб берди Ада Анатольевна.*

Русча эвфемизмлар луғатида қуйидаги мисоллар ҳам келтирилади: *тунги капалак, оқсуяк хоним, кайф-сафо учун аёл, кўча аёли, севги бандаси, эркин касб эгаси, оммавий аёл, жўшқин жамият қурбони, енгилтабиат аёл* ва ҳ.к: *У бутунлай эркин ва севги хизматкорлари аёллари турига тегишли эди*¹⁴⁵.

Тадқиқотлар таҳлилидан кўринадикки, юқорида қайд этилган сўзларнинг кўпчилиги ҳар доим ҳам эвфемизм бўлиб хизмат қилолмайди. Бундай лексик бирликларнинг эвфемистик хусусиятга эга эканлигини фақат мулоқот ҳолатидан келиб чиққан ҳолда билиш мумкин.

Аёлнинг ёши билан боғлиқ эвфемизмлар. Г.А.Вильданова ўз ишида Ҳолдер фикрини қуйидагича келтиради: ёшни тавсифловчи эвфемизм кўплаб аёл учун оғриқли нуқта эканлиги маълум. Шу муносабат билан эллик ёшгача бўлган ҳар қандай аёлни “қиз” деб чақириш таклиф этилади¹⁴⁶. Бадиий адабиётларда *кўк соч, кулранг соч* каби сўзларни учратамиз, бу сочига оқ тушган, ёши каттароқ аёлга ишора: *1.Тўрдаги стол қаршисида сочлари*

¹⁴⁴ www.twirpx.com Вильданова Г.А. Гендерный аспект эвфемизации (на материале английского языка)/ дис... кандидата филологических наук. – Бирск, 2008. – С.193

¹⁴⁵ cyberleninka.ru Чжань Чань Эвфемизмы сексуальных отношений в русском и китайском языках.

¹⁴⁶ twirpx.com Вильданова Г.А. Гендерный аспект эвфемизации (на материале английского языка)/ дис... кандидата филологических наук. – Бирск, 2008. – С.193. –164-с.

оқарган доктор ўтирарди... Бу аёл қишлоқда “Ҳури дўхтир” деб танилиб кетган (Ў.Ҳошимов. “Баҳор қайтмайди”. 21-б.) (“қари”). 2. Сочига оқ оралаган бир аёл дорихонага кириб, дори сотувчига: «Оқарган сочларга бирор нарса борми?» деди. Сотувчи: «Ҳа, хоним, менда оқ соч толаларига чуқур эҳтиром бор», деб жавоб берди! (“қари”) 3. Оёқлари оғриб, белидан қувват, кўзидан нур кетганида, ҳасса олиб берган... бу – Бизлармиз. (<http://muslim.uz>). (“қари”) 4. Ўлим тўшагида, сўнгги манзилга тайёргарлик кўраётганида, ишимиздаги муваффақиятни кўзимизда ёш билан нишонлаётган бу – Бизлармиз (muslim.uz). (“ўлмоқ”) 5. Тухумда юқори миқдорда оқсиллар, А, Д, В ва В12 витаминлари, шунингдек, ёши ўтган одамларда кўриш билан боғлиқ ёқимсиз ҳолатлар олдини олувчи лютеин ва зеаксантин моддаларини топиш мумкин (интернетдан). (“қари”) 6. Одатда, умр бўйи вақтни қадрламаган, ёши бир жойга етиб “кўзи очилган” ижодкорлар эликдан ўтиб сермахсул бўлиб қолишади (“Бухоронома”, 2013, 27 февраль). (“қари”) 7. Одам ёши улгайган сари ҳаётий тажрибаси ҳам ортиб боради, рўзгор ишларига ҳам уқувли бўлади (iqbol.uz). (“қари”)

Келтирилган мисоллардаги сочлари оқарган, сочига оқ оралаган, белидан қувват, кўзидан нур кетган, сўнгги манзилга тайёргарлик кўраётган, ёши ўтган, ёши бир жойга етган, ёши улгайган эвфемизмлари қари аёлларга нисбатан қўлланилади.

Инглиз тилида “баҳор”, “жўжа” каби ифодалар аёллар ёшига нисбатан бироз ҳазил ва киноя тарзида ишлатилади: –*Ҳей, – деб хириллади у, – сиз баҳор товуги эмассиз*”.

Умуман олганда, бу каби гендер хусусиятли эвфемизмлар гуруҳи жуда кичик, гендер жиҳатидан хушмуомалалик эвфемизмларининг 0,7 фоизини ташкил этади¹⁴⁷.

¹⁴⁷ www.twirpx.com Вильданова Г.А. Гендерный аспект эвфемизации (на материале английского языка)/ дис... кандидата филологических наук. – Бирск, 2008. – С.193.

Мисоллардан кўринадикки, ёшни ифодаловчи кўпгина эвфемизмларда гендер фарқланмайди. Бу эвфемизмларни аёл ва эркекка нисбатан бемалол қўллаш мумкин. Зеро, унда жинс масаласи муҳим ўрин тутмайди.

Аёлларнинг ташқи кўринишини ифодалаш билан боғлиқ эвфемизмлар. Аёлнинг жозибадорлигини таъкидлайдиган эвфемизм, кўпинча, эркек томонидан қўлланилиб, маълум бир аёлнинг манфаатини яширишга ва муайян миқдорда маъқуллаш учун ёрдам беради.

Аёл жозибадорлиги ва никоҳ ҳолатини тасвирлайдиган эвфемизм кам, бу унинг замонавий жамиятда бир оз табулашганидан.

Эслатиш лозимки, бундай баҳо беришнинг аксарияти, одатда, ирония (киноя) билан алоқадор, кулгили вазият билан боғлиқ. Масалан, *ётиб қолган товар (мол)* (турмуш қуриш имкони кам бўлган турмушга чиқмаган аёл ҳақида), *балиқ тутадиган флотилия (кема)* (чет элда эр топиш мақсадида юрган никоҳ ёшидаги қизлар ҳақида) ва ҳ.к.¹⁴⁸.

Айни пайтда, нозиклиги қадр-қимматга эга бўлмаган аёллар ҳам борлиги, аксинча, “тўлишиш”ни орзу қиладиган аёллар ҳам йўқ эмаслигини айтиб ўтиш жоиз. Ж.Нимен ва К.Сильвер бундай аёлга нисбатан “нозик”, “қамиш”, “ингичка”, “хипча” каби эвфемизмларни қўллаш тўғрилигини маъқуллашган.

Хушмуомалалик гендерли эвфемизмларини яратиш ва улардан фойдаланиш, кўпинча, савдо сабаби билан ҳам боғлиқ. Истеъмолчини хафа қилмасдан муайян маҳсулотни сотиб олиш учун жалб қилиш истагида улар “тўла”дан келган аёллар кийим-кечагини хушмуомалалик билан таърифлаб, ишлаб чиқарувчининг мўъжизасини кўрсата билиши керак¹⁴⁹.

Аёл гўзаллиги билан боғлиқ эвфемизм – кун тартибидан тушмайдиган мавзу. Чунки чиройли кўриниш аёлни ҳар қандай косметик муолажани бошдан кечиришга мажбур қилади. Масалан, қадди-қомат, юз териси, соч

¹⁴⁸www.twirpx.com Вильданова Г.А. Гендерный аспект эвфемизации (на материале английского языка)/ дис... кандидата филологических наук. – Бирск, 2008. – С.193.

¹⁴⁹www.twirpx.com Вильданова Г.А. Гендерный аспект эвфемизации (на материале английского языка)/ дис... кандидата филологических наук. – Бирск, 2008. – С.193.

турмаги ва ҳоказони яхшилаш учун улар ҳамма нарсага тайёр. Бироқ ҳеч бир аёл ўзининг гўзаллиги косметолог меҳнати натижаси эканлигини тан олмайди. Улар косметика воситалари орқали камчиликларини яшириб, “ўзига қараган” аёл тоифасига киришади.

1. *Агар ўша лўппи юзли официантка учрамаганда ҳам тўғри уйга келган бўларди* (Ў.Ҳошимов. “Нур борки, соя бор”. 274-б.). (“семиз”) 2. *Тўлача аёл айқаш-уйқаш сўз оқими орасидан совуқ ердан тўппа-тўғри ва мағрур кўтарилаётган гулларга боқар ва унинг қиёфасида ҳайрат зоҳир эди* (“Жаҳон адабиёти”, 2015 йил, 5-сон). (“семиз”) 3. *Улар жуда қотма ҳам, тўлача ҳам бўлмасликлари, кейин юришлари ҳам бинойидек бўлиши лозим* (“қилтирик”, “семиз”).

Мисолларда *лўппи юзли, тўлача* эвфемизмлари “семиз” маъносини беришга хизмат қилган. Маълумки, меъёрдан ортиқ семизлик гўзаллик белгиси эмас. Шу сабабдан сўзловчи бу сўзни қўллашдан “тийилади” ҳамда унинг маъносини ифодаловчи эвфемик бирликларга эҳтиёж туғилади: *Хотин, аксинча, камкўримгина, ночоргина*. (oliysud.uz) (“хунук”). “Камкўримгина” (камкўрк) эвфемизми “хунук” сўзи ўрнида қўлланиб, фикрни кўнгилга оғир ботмайдиган тарзда етказилишни таъминлайди.

1. *Мутахассислар фикрича, ялтирбошлик сабаби бошда соч йўқлигида эмас, балки тўкилган соч ўрнига ўсиб чиққан янги сочларнинг сифатида* (сўзлашувдан). (“кал”) 2. *“Сочи тўкилган бошда ҳам ўшанча сондаги асос ҳужайралари сақланиб қолиши уларни реактивация қилишга умид уйғотади”, - дейди жаноб Костарелис* (интернетдан).

Мисоллардаги *ялтирбошлик* ва *сочи тўкилган бош* эвфемизмлари “кал”, “тепакал” сўзлари ўрнида қўлланиб, маънони юмшоқроқ ифодалашга хизмат қилади.

Минг афсуски, сариқ сочлар фақат сариқ сочли бўлиб тугилганларгагина ярашади. Сунъий сариқ соч гўзал қизларни оддий ва кўримсиз қизларга айлантиради (интернетдан). Бу мисолда “хунук” сўзининг эвфемик ифодаси – “кўримсиз” ва келтирилган мисоллардаги аёллар ташқи

кўринишини ифодаловчи эвфемизмлар, кўпинча, вазн ҳамда ташки қиёфа билан боғлиқ эканлигини тасдиқлайди.

Аёлларнинг баъзи тана аъзолари номи билан боғлиқ эвфемизмлар.

Рус тили фольклорида ҳам эвфемистик иборанинг ишлатилиши кузатилади. Инсон танасидаги жинсий органлар, кўпинча, рус тилида айтилган частушкаларда кўп учрайди: аёлларда – *олд, наст, наст жой* (жинсий органнинг жойлашиши ва табиати). Масалан, аёл органлари ва унинг қисмлари, *жинсий алоқа органи* (ҳаёт дарвозаси ёки ҳаёт эшиги), *ҳомиладорлик* (кутиб юривчи аёл), *жинсий алоқа орқали юқадиган касаллик* (юқумли касаллик) ва ҳ.к.¹⁵⁰. *Сийна, эмчак сўзи кўкрак, олди туртиб чиққан, оби ҳаёт, боланинг озуқа манбаи* каби эвфемизмлар билан ифодаланади. ***Боланинг озуқа манбаида чақалоқ учун зарур бўлган барча озиқ моддалар мавжуд*** (интернетдан). ***Ўзи қотмадан келган, кўйлаги олдинга туртиб чиққан ёш қиз мен томонга кела бошлади*** (интернетдан). Аёлларнинг жинсий органи номини ифодалаш учун “уятли жой”, “у ер” каби эвфемизмлар ҳам ишлатилади.

Демак, тилда кам миқдорда бўлса-да, аёлнинг тана аъзоси билан боғлиқ гендер эвфемизмлар мавжуд ва нутқда улардан фойдаланиш маданиятлилиқ белгисидир.

Аёлга хос касб-кор номини ифодаловчи эвфемизмлар. Аёлга хос айрим касб-кор номлари эвфемалашуши мумкин. Бу ўша касб номини жамиятда очиқ айтиш маданий нуқтаи назардан тўғри келмаслиги билан изоҳланади. *Бу – менинг ишим. Биз эҳтиёж жуда катта бўлган хизматни кўрсатаямиз. Кўнгли нозик миллиардерга эрга тегмайсизми?*

Бу ўринда “*эҳтиёж жуда катта бўлган хизмат*” бирикмаси орқали *даллоллик иши, қўшмачилик* англашилади. Маълумки, жамиятда, кўпинча, аёл жинсига мансуб шахс бировга хотин, бировга эр топишни ўзига касб қилиб

¹⁵⁰ cyberleninka.ru Лазаревич Е.М. Употребление эвфемизмов с функцией политкорректности в публицистических текстах (на материале английского языка) // Вестник Томского государственного университета. –2014. № 378. –С. 25–29.

олади (далла, қўшмачи). **Осон даромад топиш** илинжида барибир яширинча йўллар билан бу ишни давом эттираверишади. “Осон даромад топувчи” эвфемизми “фоҳишалик” касби билан шуғулланишга ишорадир.

Супуриб-сидириш билан шуғулланувчи аёлларга “тозаловчи”, “хизматчи”, аёлларни туғдирувчи кишиларга “доя”, “акушер” касб номи қўлланиб, уларнинг эвфемизацияга учраганини кўрсатади.

“Кичик тиббий ходим” эвфемизми касалхоналарда фаррошлик иши билан шуғулланувчи одамларга нисбатан қўлланади.

Г.А.Вильданова аёлларнинг сиёсий тамойилга боғлиқ бўлган баъзи касб-корлари эвфемистик бирликларга ўзгариши мумкинлигини таъкидлайди: *пушти ранг ёқали ишчилар* (маоши жуда кам ишчилар). Олима тадқиқотида сиёсий жиҳатдан эвфемистик номлар билан бирга ижтимоий маъқул касблар гуруҳи 6% ни ташкил этади, бу эса ушбу соҳада ижтимоий-маърифий табу борлигини кўрсатади¹⁵¹.

Аён бўладики, ижтимоий ҳаётда аёлга хос айрим касб-корни ифодалаш учун гендер эвфемизмлар мавжуд, булар касб номини юмшатиб ифодалашга хизмат қилади.

Аёлларнинг жинсий аъзоларида учровчи касаллик ва физиологик ҳолат номларлари билан боғлиқ эвфемизмлар. Аёллар касалликларига *метрит* ([юн. *metra* – бачадон] – бачадон мушак қаватининг яллиғланиши), *эндометрит* (бачадон шиллиқ қавати – эндометрининг яллиғланиши), *эндометриоз* (бачадон найчалари, спайкаларнинг ёпилиб қолиши, ўтказувчанлигининг камайишига, иммунологик муаммоларга сабаб бўлиб, уруғланиш жараёни ва эмбрион имплантациясига салбий таъсир кўрсатади), *аднексит* (бачадон йўллари ва тухумдонларнинг яллиғланиши), *мастит* (одам сут безининг яллиғланиши; касаллик аксарият янги туққан аёл ва ҳомиладорларда кузатилади) кабилар киради ва уларнинг илмий номи эвфемик характер касб этади.

¹⁵¹www.twirpx.com Вильданова Г.А. Гендерный аспект эвфемизации (на материале английского языка)/ дис... кандидата филологических наук. – Бирск, 2008. – С.193.

Аёлнинг ҳайз кўриши халқ орасида қуйидаги мулойим эвфемизмлар орқали ифодаланади: *хола таширфи, рангли телевизор, қизил армия, байрам, ойбоши* ва ҳ.к.

Демак, аёлга оид касаллик номи ҳам эвфемизм, уларнинг лотинча номи хавфнинг олдини олишда хизмат қилади, яъни касалнинг юрагида хавотир ҳисини уйғотмай, ахборот етказишни таъминлайди.

Шундай қилиб, аёлларга хос бўлган эвфемизмлар ўзига хос мавзу турларига бўлиниб, жамиятда “аёл” ва “эркак” гуруҳининг мавжудлигини тил омиллари орқали ҳам кўрсатади.

2.2. Эркак жинсига оид эвфемизмларнинг лексик-семантик таснифи

Эркакнинг ахлоқий, эмоционал ва интеллектуал сифатини англатадиган эвфемизмлар. Қадимдан алломалар оламнинг асосида тўрт унсур (ер, ҳаво, сув, олов) ётишини эътироф этишган. Чамамда, “эр, эркак” сўзи асли “ер”, Худо Ерни, сўнг у бир ўзи ёлғизланмаслиги учун ухлаб ётганида жуфти Ҳавони унинг қовурғасидан яратган. Уларнинг илк маскани бўлган “Боғи Эрам” (русчада “Эдем”, яъни “земля” сўзи билан ўзаги бир) ҳам асли “Боғи Ерам”. Маҳмуд Кошғарийнинг девонида ҳам “эр” сўзи “одам” маъносида қайд қилинган. Шунингдек, табиатда фақат сув уч агрегат ҳолатга эга: қаттиқ, суюқ ва газ. “Хотин-қиз” иборасидаги “қиз” сўзи “қизимоқ” феълининг буйруқ майли, бу “хотин” сўзининг ҳам маъноси “ўт” дейишга асос бўлади. Шунингдек, арабча “аёл” сўзи ҳам туркий “йал, йол” (ёлқин) сўзи билан, русча “женщина” сўзи туркий “жан, йон” (ёнмоқ) сўзи билан ўзакдош бўлса, эҳтимол. Қолаверса, инглизча “hot” ([хот] иссиқ), “hades” ([ҳейдс] дўзах, оташ), русча “ад” сўзлари туркий “ўт” сўзига, инглизча “terra” ([терра] terra, тупроқ) сўзи туркий “турпоқ” сўзига ўзакдош. Шунинг учун ҳам, эркакларда ер-тупроққа хос оғир-вазминлик, чайирлик, дағаллик, қаттиқлик жиҳатлари бўлганидек, аёллар ҳаво ва сувга (ҳаво ва сув моҳиятан

бир-бирига жуда яқин) хос юмшоқлик, ҳавойилик, мулойимлик сифатига эга¹⁵².

Г.А.Вильданова ўз тадқиқотида эвфемизмларнинг гендер хосланишида фақат аёллар билан боғлиқ ҳолатларни ўрганади¹⁵³. Тадқиқотчи Н.А.Наджапова¹⁵⁴ эса форс тилидаги эвфемизм ва табуни ўрганганда форс тилидаги ахлоқ билан боғлиқ *ёмон ахлоқли аёл, фоҳиша, бузуқ, тўқ бўяниб олмоқ, ноз-карашма қилмоқ, эркаклар бошини айлантирмоқ, худди раққосалардек (ҳаммани ўзига қаратувчи ҳаракат қилмоқ)* каби бир қатор сўзларнинг эвфемик вариантларини беради. Кўринадикки, ахлоқ билан боғлиқ сўзнинг эвфемалашуви аёл билан боғлиқ. Аммо тадқиқотимиз давомида ўзбек тилида оз бўлса ҳам, эркак жинси билан боғлиқ эвфемизмлар мавжудлигига гувоҳ бўлдик. Зеро, эвфемизм ранг-баранг характерга эга, улар аёл жинсига хосланиши билан бирга эркакларга ҳам хос тушунчаларни ифодалашга хизмат қилади. Эркак жинси бирликлари маъно жиҳатидан юқори ижтимоий мақомга эгаллиги билан фарқ қилади. Эвфемизация ҳодисасида аёлга хос хусусиятлар кўп учраса-да, аммо эркакларни ифодаловчи эвфемик бирликлар ҳам мавжуд. Эвфемизмнинг гендер хосланиши аёл ва эркакка нисбатан жамиятнинг муносабатига ҳамда уларнинг ижтимоий ролига боғлиқ¹⁵⁵.

Эркак жинсига тегишли эвфемизмларни куйидагича гуруҳлаш мумкин:

- 1) ахлоқий, эмоционал ва интеллектуал сифатларни ифодаловчи;
- 2) ёшни билдирадиган;
- 3) ташқи кўринишини ифодалайдиган;
- 4) жинсий тана аъзолари ва касалликлар номи билан боғлиқ;
- 5) касб-корлари номини ифодаловчи.

¹⁵² ziyouuz.uz Атаев Ф. Муштарак илдизлар (Тилимиз ҳақидаги шахсий мулоҳазалар).

¹⁵³ www.twirpx.com Вильданова Г.А. Гендерный аспект эвфемизации (на материале английского языка)// дис... кандидата филологических наук. – Бирск, 2008. – С.193.

¹⁵⁴ Наджапова Н.А. Форс тилида эвфемизм ва табу сўзларнинг функционал ва семантик таҳлили // маг...дисс... – Тошкент, 2013. – 88 б.

¹⁵⁵ nauchkoq.ru Нарышкина Ю. В. Эвфемизация в рамках концепта «женщина/мужчина» // Выпускная квалификационная работа соискателя не степень бакалавра.– Санкт-Петербург, 2017.

Тадқиқотчи Т.А.Кулешова “Фразеологические эвфемизмы английского языка, характеризующие лиц мужского пола” мақоласида инглиз тилининг замонавий эвфемизм ва табу луғатидан саралаш усули асосида эркаклар жинсини тавсифловчи гендер бирликларни ажратиб олиб, “эркак” концептини аниқлаган. Бу эса ўз навбатида, эркакнинг инглиз жамиятидаги ўрни, хулқ-атвори, атрибути ва роли ҳақида тасаввурга эга бўлишга ёрдам беради. Асосий эътибор фразеологик эвфемизмларнинг контекстуал ва таркибий хусусиятларига қаратилган. “Эркак” сўзи ўрнида *аёллар хушомадгўйи, Дон Жуан, хотинбоз, жисмоний жозибали, хотинчалиш, гомосексуал* тушунчалар билан бир қаторда, *бўйдоқ, мукамал қаллиқ* каби иборалар ҳам ишлатилиши мумкинлиги айтиб ўтилган.

Энг катта фразеологик эвфемизмлар гуруҳи ичида аёллар қалбини забт этувчи эркакларни 2 гуруҳга ажратиш мумкин:

1) хотинлар кўнглини овловчи, хотинпараст (хотинбоз). Бу ерда фразеологик эвфемизмлар билан бир қаторда, асосан, субстантив бирликлар ифодаланган, шу билан бирга, эркакларнинг ишқий саргузаштларини тавсифлаш мақсадида бадиий адабиётлардаги қаҳрамонлар номи (Дон Жуан, Казанова ва б.к.) қайд этилган;

2) “бирор иш, юмушни бажаришдан ўзини тортишлик, пайсалга солиб чўзишлик” маъносини англатувчи бирликлар. Бундай бирликларга баъзи бир сўзларни қўшиб ҳам ишлатиш мумкин, масалан, “овлаш, тажовуз, таъқиб қилиш, ейиш” ва ҳ.к.

Бир қатор феълли эвфемизмлар эркакларнинг номуносиб ёки ноўрин ҳаракатини ифодалайди: “бир қараш билан аёллар гўзаллигини баҳолаш”, “аёлларга ошкора кўрсатмалар бериш” ва ҳ.к. Эркакларнинг салбий хулқ-атвори сифатлар ва ҳайвонларга таққослаш йўли билан ифодаланади.

Масалан, “шаҳвоний эркак”, “шаҳватли кекса одам”, “ишқ-муҳаббати қайнаб турган эркак” ва ҳ.к.¹⁵⁶.

Эркак ва аёл жинсини ифодаловчи юздан ортиқ лексик бирлик таҳлили эвфемик бирлик асосида эркак жинсини ифодаловчи куйидаги гуруҳлар мавжудлигини кўрсатди:

1) аёл нигоҳида муваффақиятга эга бўлган эркакни тасвирловчи эвфемизмлар;

2) ноанъанавий жинсий ҳаёт тарзига эга бўлган эркакни ифодаловчи эвфемизмлар.

Бундай эвфемизмлар асосида сиёсий хушмуомалаликни англаш, жамиятдаги коммуникатив зиддиятлардан сақланиш ётади. Эркаклар образини ифодаловчи замонавий эвфемизмларни кўриб чиқиб, шуни таъкидлаш жоизки, нутқдаги мазкур лексик бирликлар жамият инкор этадиган кўпол, салбий сўзларни ифодалашга хизмат қилади. Масалан, эркаклар жамиятини хуш кўрадиган эркакни *гомосексуалист*, *хотинчалиш*, *хотинак* каби дисфемизмлар билан ифодалаш мумкин. Хулоса қилиб айтганда, эвфемизация ҳодисаси орқали сўзловчи учун қулай лексик бирлик яратиб берилади¹⁵⁷. Мисоллар: *Шаҳвоний ҳирс ва беҳаёликни, енгил-елли ҳаётни тарғиб қилувчи оҳанг ва тасвирлар тақиқланади* (санъаткорларга клипларда татуировкани кўрсатиш ва ётоқхонада ёнбошлаб қўшиқ куйлаш тақиқланди (kun.uz)

Шаҳвоний сўзи изоҳли луғатда *ҳирсли*, *эҳтиросли*; *шаҳватпараст*; *шаҳват* ва *шаҳватпарастликка оид*, *шаҳват билан боғланган*, яъни эркаклар жинсий безидан ажраладиган суюқлик маъносини ифодалашни қайд этилган. Демак, эркакларнинг ҳайвоний истакларини ифодалашда қўлланади.

1.У ҳамон *хотинининг измида юради* (сўзлашувдан). (“хотин кули”) 2. *Эркак бошимиз билан бир аёлнинг “дирижёрлик таёқчаси”га термулиб*

¹⁵⁶gramota.net Кулешова Т. А. Фразеологические эвфемизмы английского языка, характеризующие лиц мужского пола // Филологические науки. Вопросы теории и практики.–Тамбов: Грамота, 2014. –№ 2.

¹⁵⁷nauchkor.ru Нарышкина Ю.В. Эвфемизация в рамках концепта «женщина/мужчина» // Выпускная квалификационная работа соискателя не степень бакалавра.– Санкт-Петербург, 2017.

ўтиришимиз эркаклик даражасини йўқотиш эмасми? (fikt.uz) (“хотин қули”) “*Лойи*” бўш эркак бирикмаси ҳам хотин қули бўлиб, ота-онасидан, жону жигаридан кечиб кетадиган эркакка нисбатан қўлланиб, эвфемик маъно касб этади.

Кашанда ва оғзи бузук отага қаршилик кўрсатиш мумкинми? (islom.uz). Мисолда “оғзи бузук” эвфемизми сўкинувчи шахсларга нисбатан қўлланиб, нутқий этикет меъёрларига жавоб беради.

Айби бор учун уйланмай юргандир-да (сўзлашувдан). “Хезалак” маъносини ифодаловчи *айби бор* эвфемизми каторида А.Омонтурдиев *беушит, безурриёд, жинсий алоқадан маҳрум, жисмоний камчилик, мижозии заиф, ҳалигиси йўқ, номига эр, тўй кунидан қўрқмоқ* каби ўттизга яқин эвфемик вариантларини келтириб ўтган¹⁵⁸.

Эркакнинг ахлоқсизлигини ифодаловчи “зўрламоқ” маъноси *номусига тегмоқ, бокиралигини ўғирламоқ, нопоклик қилмоқ, номусини булғамоқ* каби эвфемизмлар орқали берилади: ***Номусга тегуш*** деганда, *аёл жинсидаги шахс билан унинг эркига қарши ёки эркидан ташқари зўрлик ишлатиб, қўрқитиб ёхуд жабрланувчининг оғизлигидан фойдаланиб, табиий усулда жинсий алоқа қилиш тушунилиши лозим* (Ўзбекистон Республикаси Олий Суди пленумининг қарори, 118-модда).

Демак, ўзбек тилида эркакнинг ахлоқий, эмоционал ва интеллектуал сифатларини англатадиган эвфемизмлар мавжуд, улар нутқий вазиятни юмшатиб ифодалашга хизмат қилади. Зеро, сўнгги йилларда тилшунослик адабиётида эвфемизмга анъанавий равишда нутқ ахлоқи воситаси сифатида қаралади. Бу борада А.В. Карасик “маданий тилшунослик жамиятида нутқда катгий ман этилган ҳақоратли сўзлар мавжуд”лигини қайд этади. В.П.Москвин эса эвфемизмларни “муайян вазиятда фойдаланилиши нотўғри

¹⁵⁸ Омонтурдиев А. Ўзбек тилининг қисқача эвфемик луғати. – Тошкент: Фан, 2006. – Б. 46.

бўлган сўз ва иборалар (яъни, табу) ўрнида ишлатиладиган лексик бирликлар”, деб тушунтиради¹⁵⁹.

Эркакнинг ёшини билдирадиган эвфемизмлар. Биз юқорида аёлнинг ёши билан боғлиқ гендер эвфемизмлар таҳлилида ёш масаласи, одатда, гендер фарқланишга камдан-кам учрашини таъкидлаб ўтган эдик. Инсоннинг кекса ёши – у хоҳ эркак, хоҳ аёл бўлсин, нозик масала.

Кузатишимизча, айрим ҳолларда ёш билан боғлиқ эвфемизм гендер хосланиши мумкин. Масалан, эркакда “қари” тушунчасини *белидан қуввати кетмоқ, соқоли қордай, жуфтига майли қолмаган, ёши улуг, ёши катта, тажрибали, яқинлик қила олмаслик* каби эвфемизмлар орқали бериш мумкин. Мисоллар: 1. *Аммо баъзан асрдан сўнг икки ёш йигит ҳам кексалар суҳбатига сомеъ бўлишади* (Аҳмад Лутфи Қозончи. “Қайнона”. 3-б.). 2. *Устам бериб юборди. Новвойхонага бир ёши катта одам келди, уста билан суҳбатлашди, кейин шу дафтарни қўлимга тутқазиб, сизга бериб юборишди* (Аҳмад Лутфи Қозончи. “Қайнона”. 8-б.). 3. *Йигирма беш йил кейинги ҳаётимни хаёлан тасаввур қиламан. Сочларим оқарган, ўғлим уйланган* (Аҳмад Лутфи Қозончи. “Қайнона”. 15-б.). 4. *Ёшим улуг. Улугларга ҳурмат қани?* (Аҳмад Лутфи Қозончи. “Қайнона”. 18-б.).

Таъкидлаш керакки, *ёши катта, сочлари оқарган, ёши улуг* каби ёш билдирувчи эвфемизмлар ҳар икки жинс вакилларига нисбатан қўлланиши мумкин.

Ота, дардинг йўқми? Нега хурсандсан? Устингда юк, хиргойи қилиб кетяпсан? - деб сўрашибди (Аҳмад Лутфи Қозончи. “Қайнона”. 9-б.). Нутқда қари одамларга нисбатан “ота” деб мурожаат қилиш ҳам эвфемалашган ифодага мисол.

Ҳеч бўлмаса, ёшини ҳурматида тилимни тияй дедим, қўлимдан келмади (Аҳмад Лутфи Қозончи. “Қайнона”. 18-б.). Мисолдаги *ёшини ҳурмати* (адабий тил меъёрига кўра: *ёшининг ҳурмати*) бирикмаси орқали

¹⁵⁹ human.snauka.ru Белобородова А. В. Эвфемизмы тематической группы «физические данные и возможности» // «physical abilities» в русском и английском.

“қари” маъноси англашилади. Зеро, ёши катта одамларга нисбатан хурмат билан гапириш – нутқ одобининг асосий талаби.

1. **Соқоли қордай отахон ҳақимга дуо қилди (сўзлашувдан). Ёши бир жойга боргандан кейин жуфтига майли қолармиди?** (salomatlik.uz) Ёши бир жойга борган ҳамда жуфтига майли қолмаслик эвфемизмлари “қари” тушунчасини ифодалаб, нутқий вазиятни юмшатиб берган.

Демак, нутқда кам миқдорда бўлса-да, эркакнинг ёшини ифодаловчи эвфемизмлар мавжуд. Бундай эвфемизмлар мавжудлиги ёш масаласи инсон учун ҳар вақт нозик масала эканлигига далолатдир. Сухбат жараёнида коммуникантлар илиқ муносабатларини уйғотувчи бирламчи омил – тил ва нутқ birlikларини тўғри танлаб, ўз ўрнида қўллаши зарур.

Эркакнинг ташқи кўринишини ифодалайдиган эвфемизмлар. Таъкидлаш лозимки, бу иккала жинс вакиллари учун энг характерли гуруҳ бўлиб, тўлаликни яшириш истаги билан боғлиқ, чунки яхши, ихчам кўринишга интилиш ҳар икки жинс учун одатий ҳолдир. Оғир вазн муаммолари қуйидаги эвфемизмларда кўринади: *гигант, катта вазн, тўлиқ шакл, етук гавда* ва ҳ.

Эркак ташқи кўриниши ва ақлий характеристикасини таърифловчи эвфемизм бир қатор сабаб билан ажралиб туради. Биринчидан, бу эвфемизм жинсий эътироз каби эркак жозибаторлигини англашиб, тўғридан-тўғри номдан фойдаланиш ахлоқ талабига мос келмай, табулашади ва натижада тилда эвфемистик birlikлар пайдо бўлади. Эвфемистик луғатларда жисмоний жиҳатдан жозибатор эркак қиёфасини тасвирлаб берадиган номинациялар кўпайиб бормоқда. Таъкидлаш жоизки, жисмоний жозибаторлик доимо ақлий қобилиятнинг мавжудлигини англамайди¹⁶⁰.

Ўзбек тилида ҳам эркакнинг ташқи кўринишини ифода этувчи эвфемизм оз миқдорда бўлса ҳам мавжуд. Қорин қўйиб олган эркакка нисбатан “*раис*”, “*командир*”, “*ўртоқ бошлиқ*” каби кесатикли эвфемизмлар ишлатилади:

¹⁶⁰nauchkor.ru Нарышкина Ю. В. Эвфемизация в рамках концепта «женщина/мужчина» // Выпускная квалификационная работа соискателя не степень бакалавра. – Санкт-Петербург, 2017.

1. *О-о-о, раис бува бўлибсиз-ку!* (сўзлашувдан) 2. *Мана, ўртоқ бошлиқнинг ўзлари келдилар* (сўзлашувдан). 3. *Командир, сиз нима десангиз, шу-да!* (сўзлашувдан)

Қўлланган гендер эвфемизм – кинояли эвфемизм, нутқда енгил ёки аччиқ кулги кўзғатиб, сўзловчининг қандайдир мақсадини ифодалаш ҳамда эркакнинг салбий ташқи кўринишини юмшатиб кўрсатишга хизмат қилган.

Эркакнинг жинсий тана аъзолари ва уларнинг касалликларини ифодаловчи эвфемизм. Эвфемизм, одатда, тана аъзоларининг номларини ҳам ифодалашга хизмат қилади. Инсон танасининг уятли қисмлари, одатда, хайвонлар номи билан алмаштирилади. Масалан, эркак жинсий аъзосини ифодалаш учун *хўроз* эвфемизми қўлланган. “Хўроз” эвфемизми замонавий инглиз тилида жуда кўпол сўз ва умумий истеъмолдан чиқиб кетган десак ҳам бўлади. Рус тилида бу сўз ўрнида “тараклатмоқ” сўзини кўриш мумкин¹⁶¹.

Рус фольклорида ҳам эвфемистик ибораларнинг ишлатилиши кузатилади. Масалан: *эркакда – тиззагача, ярим метр* (катталиги); *ўтин эмас, ёғоч* каби¹⁶². Ўзбек тилида бу сўзлар *жинсий аъзо, олат, аппарат* эвфемизмлари билан ифодаланади.

Руҳий ва жисмоний қобилият эса қуйидаги иборалар орқали ифодаланади: *кўр – кўрмайдиган, ногирон – имкони чекланган, ақлдан озган – руҳий хаста, хаёли қочадиган* ва ҳ.к.

Таъкидлаш керакки, касалликларнинг тиббиётдаги номлари эвфемизм сифатида хизмат қилади. Бу ҳодисани А.А.Реформатский ҳам таъкидлаб ўтган¹⁶³. Зеро, касалликларнинг лотинча номларини халқ тушунмайди ва шу орқали касаллик номи эвфемалашади. Одатда, шифокорлар ўзаро тиббиёт тилида гаплашишади. Агар касаллик адабий тилида тушунтирилса, одамлар

¹⁶¹ <https://dic.academic.ru/dic.nsf/ruwiki/9380>

¹⁶² <https://inde.io/article/1>

¹⁶³ inde.io Реформатский А.А. Табу и эвфемизмы.

кўнглини кўрқув эгаллайди, натижада, бемор руҳиятига қаттиқ таъсир қилади.

Простата халқда “йигитнинг иккинчи юраги” дейилади. Шу касаллик “иккинчи юраги шамоллаган” эвфемизми орқали ифодаланади. Ёши улғайган эркекларда простата безининг касалланиб, ўсмасимон катталашуви *простата бези аденомаси*, жинсий алоқа сусайиши *андропауза*, эркекларда уруғ найларининг яллиғланиши *везикулит (сперматоцистит)*, мойк ортиғининг яллиғланиши *эпидидимит*, сперматик ичакнинг яллиғланиши *фуникулит*, жинсий олат (закар) терисининг яллиғланиши *баланит*, тухум хужайрани уруғлантира олмаслик *эркаклар бепуштлиги* деб номланиб, булар эвфемизм бўлиб хизмат қилади: 1. У: “*Эр менга яқинлик қила олмади*”, *деган даъво ила ундан ажрамоқчи* (Шайх Муҳаммад Содиқ. “Бахтиёр оила”). *Яқинлик қила олмаслик* “жинсий алоқага ярамаслик” маъносида қўлланган.

Касаллик ёки жинсий аъзолар номининг эвфемалашгани – олий нутқ маданиятининг намунаси.

Эркекнинг касб-кори номлари билан боғлиқ эвфемизм. Касблари хавф-хатарга эга бўлган кишиларнинг баъзи сўзларида бидъат табулари (ман этилган сўзлар) учрайди. Масалан, учувчилар, парашютчилар, цирк артистлари *охирги* сўздан фойдаланишдан кўрқадилар. Бунинг ўрнига “четки” (ёки “яна бир бор”, билвосита циркда “сўнгги”, “яқунловчи” ёки “яна бўлсин” бирликларидан фойдаланиш одат тусига кирган), масалан, “четки парвоз”. Шунингдек, ўлим сўзини “суякли”, “бурунсиз” каби ифодалар билан алмаштиришга ҳаракат қиладилар. Олтин конида ишлайдиганлар *олтин* ўрнида *сарик металл* бирикмасини ишлатсалар-да, ички органлар ҳисоботида худди шу нарса олтин деб юритилади, чунки махсус текширув олиб қўйилган материалнинг табиати ва характеристикаси тўғрисида якуний

хулосани беради ҳамда сариқ металлни олтин сифатида қабул қилиш қароридан олдин ноқонуний ҳисобланади¹⁶⁴.

Назорат ўтказиш пунктида текширувчи сифатида ишлайдиган кекса ёшдаги шахс (иккала жинс вакилига тааллуқли), одатда, нутқда “хавфсизлик” сўзи билан ифодаланади. Ғарбда (айниқса, АҚШда) талаб даражаси катта, бироқ машҳур бўлмаган кўплаб касблар ўз номларини обрўли қилиб кўрсатишга ҳаракат қилишади: *ахлат йиғувчи – санитария одами, дафн этувчи – дафн маросимида қатнашувчи* ва ҳ.¹⁶⁵.

Ўзбек тилида “аравакаш” маъносида *юк ташувчи* эвфемизми, ҳар қандай юмушни бажарувчи эркакни *ёлланма ишчи, мардикор, ҳаммол* эвфемизмлари орқали ифодалаш, гўрковни *қабристон ходими*, оёқ кийимларни таъмирловчиларни *косиб, ҳунарманд* эвфемизмлари билан аташ орқали жамиятда паст мавқега эга бўлган фаолият турларининг номини юмшатиб, шу касб эгаларига бўлган илиқ муносабатни ифодалашга хизмат қилади: 1. *Отамиз маҳалламиз косибни эдилар* (сўзлашувдан). (“этиكدўз”) 2. *Битта ман эмас, буви, маҳалладаги ҳамма косибларнинг аҳволи шунақа* (Ғ.Ғулом. “Менинг ўғригина болам”). (“этиكدўз”) 3. *Ҳаммоллик қилай десам, аввалгидек қоплаб галла, қоплаб сабзи-шолғом оладиган бадавлатнинг тухуми қуриган* (Ғ.Ғулом. “Менинг ўғригина болам”). (юк ташувчи қора ишчи)

Демак, жамиятда мавқеи паст касб-кор номлари эвфемалашган вариантга эга ҳодисадир.

Эркак жинсига оид эвфемизмнинг лексик-семантик таснифи эркакнинг ахлоқий, эмоционал ва интеллектуал сифати, ёши, ташқи кўриниши, тана аъзолари ва касалликлари ҳамда касб-корини англатадиган эвфемизмлар каби турларга бўлиб ўрганишни, шу билан бирга, бу таснифни яна давом эттириш

¹⁶⁴ Лазаревич Е.М. Употребление эвфемизмов с функцией политкорректности в публицистических текстах (на материале английского языка)// Вестник Томского государственного университета. – 2014. №378. –С. 25–29.

¹⁶⁵ <http://languagereal.ru/page/evfemizmi-0>

мумкинлигини кўрсатади. Зеро, нутқнинг ранг-баранглик хусусияти бунга имкон бера олади.

2.3. Аёллар ва эркаклар нутқида фарқланмайдиган эвфемизмларнинг лексик-семантик таснифи

Эркак ва аёл жинсига мансуб шахс нутқининг индивидуал ва ўхшаш жиҳатлари. Ҳозирги кунда иккала жинс вакиллари тили гендер лингвистикасида бирдек қабул қилиниб, ўрганилмоқда. Бунда аёл ва эркакнинг дунёқарашлари ўртасидаги фарқ сезиларли даражада коммуникацияга таъсир этиб, уларни тилдан ажратган ҳолда кўриб чиқиш мумкин эмас. Жинсий омиллар алоқа самарадорлигига тўғридан-тўғри таъсир қилади¹⁶⁶. “Биз турли тилларда гаплашамиз”, деб ёзган эди шоир Константин Бальмонт. Бу жумлани эркак ва аёл ўртасидаги фарқни англаш учун тезис сифатида қабул қилиш мумкин. Дарҳақиқат, барча эркак ва аёл нутқ алоқасининг истисносиз бир хил гендер хусусиятларига мос келишини айтиш ноҳақлик бўлади. Тилшуносларнинг айтишича, инсоннинг жинси унинг нутқида акс этиши мумкин. Бу ҳолатда олимлар “жинс” атамасидан биологик эмас, ижтимоий-маданий термин сифатида фойдаланадилар.

Олимлар XVII асрлардаёқ турли жинс вакиллари нутқидаги жинсий фарқларга эътибор беришни бошладилар. Саёҳатчи Ж.дю Тертр Кичик Антил ороллари аҳолиси ҳақида шундай ёзган эди: “Аёллар ўз лаҳжаларида, эркаклар ўз тилларида гаплашишади, уларнинг тилларини бирлаштириш эса жиноят бўлар эди”.

XVIII асрда Кариб ороллари зийрат қилган пастор Лабат маҳаллий аҳолини учта тилга эгаллигини таъкидлаган эди. Булар – *эркаклар тили*, *аёллар тили* ва *ҳарбий тил*. Эркаклар аёллар тилини билишга ҳаракат қилишлари керак эди. Ҳарбий тил сирли, на аёллар, на болалар бу ҳақда билишмаган. Бироқ даниялик тилшунос Отто Есперсеннинг айтишича, икки тилнинг мавжудлиги, бир тилда аёл сўзлашса (уларда баъзи сўзларнинг талаффузи

¹⁶⁶ www.pglu.ru Тамбиева К.Т. Гендерный аспект мужской и женской разговорной речи.

тақиқланган), иккала тилда эркак сўзлашиши мумкин эди. Бундан ташқари, аёллар учун муайян қоидалар ва нутқ меъёрлари мавжуд эди. Замонавий филологларнинг айтишича, аёл фойдаланиши мумкин бўлган нутқ жанрлари ахлоқ қоидалари китобларида акс эттирилган. Масалан, қизларда ғазабни ифода этадиган, уятсиз сўзларни ишлатиш тақиқланган; улар мулойим, секин, паст овозда гапиришлари шарт бўлган¹⁶⁷.

Эркак ва аёл турли хил интонациялар билан гапириши, новербал коммуникациянинг турли воситаларидан фойдаланиши, сўзларни турлича талаффуз қилишини биламиз. Аёллар, кўпинча, нутқида ҳис-туйғу (*вой, эй, худойим* каби) ифодаловчи ундов ва эркаловчи (*шириним, эркакчам, асалим* каби) сўзлардан фойдаланишади. Эркаклар эса бундай лексикани болалар ёки меҳмонлар билан мулоқотда бўлгандагина (*баъзан*) ишлатишади. (*Қани, кўйлакчангни кийиб чиқ!* ёки *Қизилчадан ичасизми, оқчадан?*) Бундан ташқари, тилшунослар сўнгги пайтларда ёшларнинг нутқида гиперболизм элементлари кучайганлигига эътибор беришган (*Бу фильм мега даҳшат*). Бундай жумлани қизлар ҳам, йигитлар ҳам қўллаши мумкин¹⁶⁸.

А.Кириллина ва М.Томская ҳаммуаллифлигидаги «Лингвистические гендерные исследования» номли мақоласида эркак ва аёллар ёзма нутқига хос фарқли томонларни тавсифлаб беришди.

Эркаклар ёзма нутқи: 1) армия ва қамоқхона жаргонидан фойдаланиш; 2) кириш сўзларини кўпроқ ишлатиш (*албатта, шубҳасиз* ва ҳ.); 3) жуда кўп мавҳум отлардан фойдаланиш; 4) ҳиссиётни ифодалашда эмоционалликдан камроқ фойдаланиш; 5) яқин қариндош ва дўстлар билан сўзлашганда расмий ва эмоционал лексикадан фойдаланиш; 6) газета ва журналлардан фойдаланиш; 7) ахлоқсиз сўзлардан кириш сўзлари сифатида фойдаланиш; 8) эмоционал нутқда тиниш белгиларининг мос келмаслиги билан фарқланади.

¹⁶⁷ www.pglu.ru Былкова С. В., Крат В.А. Речь мужчин и женщин: гендерный аспект.

¹⁶⁸ www.pglu.ru Былкова С. В., Крат В.А. Речь мужчин и женщин: гендерный аспект.

Аёллар ёзма нутқи: 1) кўплаб кириш сўзнинг мавжудлиги, ишончсизлик, тахминни билдирувчи аниқловчи, ҳол, олмош ва модал сўзлар (*балки, эҳтимол, менимча ва ҳ.к.*) ни қўллаш; 2) “нуфузли” сўзлардан фойдаланишга мойиллик; 3) коннотатив нейтрал сўзлар ва ифодалардан фойдаланиш; 4) шахсларни номи ўрнида ҳақоратли сўз ва иборалар билан аташ (*ярамас, пасткаш ва ҳ.*); 5) ҳис-туйғуларни ифодалашда нутқда кучайтирув юкламалари, сифат ва равиш сўз туркумидан фойдаланиши билан ажралиб туради.

Кўплаб тилшунослар, жумладан, В.В.Потапов аёллар нутқининг ўзига хос хусусиятларидан бири уларнинг баҳоловчи сифатлардан кўпроқ фойдаланиши деб таъкидлайди. Эркаклар эса улардан фойдаланган тақдирда ҳам миқдорий ва параметрик муносабатни ифода этишади, холос¹⁶⁹.

Гендер мослашуви ҳар бир мулоқот шароитида эркак ва аёлнинг коммуникатив стратегияларининг фарқлари ва ўхшаш хусусиятларидан келиб чиқиши мумкин. Гендер устуворлигини таъкидлаш асосида С.Тремель-Плетц эркак ва аёл нутқий хатти-ҳаракатларининг идеал моделларини тасвирлаб беради. Натижада аёл услуги учун тенглик, ҳамкорлик ва сахийлик хусусиятлари ўринли деб изоҳланади¹⁷⁰.

Эркак ва аёл нутқининг фарқланиши фақат маълум бир миллатгагина дахлдор ҳодиса эмас. Жумладан, ўзбек тилида ҳам бу икки жинс нутқида ўзига хослик мавжуд. Масалан, аёл фикрини чўзиб, узоқдан бошлаб, тафсилотлари билан бирма-бир ифодаласа, эркак, аксинча, қисқа ва лўнда қилиб гапиради.

Эркак ва аёл нутқининг ноўхшашлиги билан бирга ўхшаш томонлари ҳам мавжуд. Улар нутқининг айрим ўхшаш жиҳатлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- 1) тил бирликларидан баравар фойдаланиш;
- 2) товушларни чўзиб ифодалаш;

¹⁶⁹ google.com Поплевко А. В. Надольская Е. П. Гендерное различие мужской и женской речи.

¹⁷⁰ [электрон ресурс] <http://www.allbest.ru>

- 3) вульгаризмлардан фойдаланиш;
- 4) фикрни новербал ифодалаш.

Эркак ва аёл нафақат биологик жиҳатдан, балки тил бирликларидан фойдаланиш нуқтаи назаридан ҳам ўзига хос фарқларга эга. Демак, эркак ва аёл МХ (мулоқот хулқи) ўртасидаги фарқлар даражаси меҳнат тақсимоти ва жинслараро психологик тафовутлар билан бевосита боғлиқдир.¹⁷¹

Хуллас, эркак ва аёл нутқидаги хатти-ҳаракатлар бўйича юқорида қайд этилган маълумотларни турғун деб айтиш ноўрин. Чунки эркак ва аёл нутқининг хусусиятлари ўзгарувчан бўлмаса-да, улардан фойдаланиш тенденциялари турличадир. Ваҳоланки, биз бу айнан аёлга хос ёки бу эркак учун одатий, бу эркак ва аёл нутқининг ягона услуби деёлмаймиз. Эркак ва аёлнинг нутқ хатти-ҳаракатларида кўрсатган ўзига хос хусусиятларидан бири – бу уларнинг қисман жамиятдаги анъанавий ролига (аёл – она, тарбиячи, уй бекаси, ота – оила бошлиғи, боқувчи) боғлиқлигини англатади, шунингдек, инсоннинг кучли ёки заиф жинсга тегишлилигини билдиради. Шу билан бирга, эркак ва аёл нутқидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатлар нафақат уларнинг жинси, балки мураккаб сабаблар (суҳбат жанри, вазият, атроф-муҳит, ёш, касб, маълумот, психологик хусусиятлар, суҳбатдошлар ўртасидаги муносабат ва ҳ.)га боғлиқ.

Эвфемизмнинг гендер маъно ифодалашини мурожаат шакллари мисолида. Ўзбек тилшунослигида мурожаат шакллариининг ижтимоий-лисониий хусусиятлари Ш.Искандарова, С.Мўминов, К.Расулов, Н.Ахмедова, З.Акбаровалар¹⁷²нинг илмий ишларида қайд қилинган.

¹⁷¹ Мўминов С.М. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисониий хусусиятлари: Фил.фан.док.дис. – Тошкент, 2000. – Б. 198-204.

¹⁷² Акбарова З. Ўзбек тилида мурожаат шакллари ва унинг лисониий тадқиқи: Фил. фан. номз.дисс. – Тошкент, 2007. – 122 б.; Ахмедова Н. Ўзбек тилида мурожаат бирликларининг семантик-коннотатив тадқиқи: Фил. фан. номз.дисс. – Тошкент, 2008. – 132 б.; Искандарова Ш. Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари: Фил.фан.номз.дисс. – Тошкент, 1993. – 141 б.; Мўминов С.М. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисониий хусусиятлари: Фил.фан.док.дис...автореф. – Тошкент, 2000. – 148 б.; Расулов К. Ўзбек мулоқот хулқининг функционал хосланиши: Фил. фан.номз. ...дисс. – Тошкент, 2008. – 118 б.

З.Акбарова томонидан мурожаат шакллариининг ижтимоий хусусиятлари, ундалма ва мурожаатнинг умумий ҳамда фарқли томонлари, ифодаланиш усул ҳамда воситалари, мурожаат ифодаланишининг экстралингвистик ҳамда психоллингвистик восита ва омиллари, мурожаат лексиконининг тематик таснифи кенг ёритиб берилган. Тадқиқотчи З.Акбарова ундалма ва мурожаатнинг фарқли ҳамда ўзига хос томонларини ёритар экан, мурожаат ифодаловчи сўз ҳам моҳиятан грамматик аспектда ёндашилса, у ундалмага тўла мос тушади, деган фикрни билдиради. Лекин мазмунан мурожаат объектини ифодаловчи сўз мурожаат шакли сифатида, сўзловчининг нутқи қаратилган шахснигина эмас, ҳар қандай объектни ифодалай олади.

Н.Аҳмедова ўз илмий ишида ундалмаларга янгича қараш билан ёндашиб, “ундалма” термини ўрнига “мурожаат бирлиги” терминини қўллаш таклифини беради.

Ўзбек мулоқот хулқининг жинс жиҳатдан хосланишининг асосий сабаблари, ўзбек эркак ва аёллари мулоқот хулқига хос бўлган умумий хусусиятлар – саломлашиш ва кўришишдаги, мурожаат шаклларидаги, нутқнинг даромад босқичидаги, сўз ва ибораларни, шунингдек, лисоний воситаларни қўллашдаги хосланишлар мавжудлиги¹⁷³.

Мурожаат шакллари сифатида ундалмаларда гендер маъно айрим ўринларда воқеланади. Масалан, оилада эр-хотин бир-бирининг исмини олиб чақириши табу, унинг ўрнида қўлланувчи сўзлар эвфемизм саналади.

Унаштирилган (“фотиҳа” қилинган) кундан бошлаб қиз – *келин*, йигит–*куёв* номини олади. Никоҳдан кейин келин тилида куёв ва унинг оила аъзоларининг номлари, куёв тилида келин ва унинг оила аъзоларининг номларини аташ табулашади. Бир-бирлари учун уларнинг оталари – *қайнота*, оналари – *қайнона*, акалари – *қайнога*, укалари – *қайн* (қайнини, қайнука),

¹⁷³ Мўминов С.М. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари: Фил.фан.док.дисс. – Тошкент, 2000. – Б. 198-204.

опалари – қайнопа, сингиллари – қайнсингил бўлгач, ўзига хос эвфемик воситалар билан мурожаат қила бошлайдилар¹⁷⁴.

А.Омонтурдиев ўзбек тилида “эр (эрим)” тушунчаси (хотинлар нуткида) *отаси, дадаси, адаси, умр йўлдош (-им), умрдош (-им), турмуш ўртоқ (-им), ҳаёт йўлдош (-им), жуфти ҳалол (-им), жуфт (-им), кўз очиб кўрган (-им), танмаҳрам (-им), хўжайин (-им), хўжа(-м), тўра (-м), бек (-им), киши (-м), бой (-им), мард (-им), мардак(-им), эркак (-им)* каби эвфемик воситаларга эгаллигини; “хотин (им)” тушунчаси ўрнида эса *аёл (-им), оила, онаси, ойиси, аяси, опаси, ажаси, бийиси, бека (-м), қаллиқ (-им), умрдош (-им), умр йўлдош (-им), йўлдош (-им), турмуш ўртоқ (-им), ҳаёт йўлдош (-им), ёстиқдош (-им), рафиқа (-м), соҳиба (-м), завжа (-м), аҳлия (-м), заифа (-м), ожиза (-м), зан (-им), ҳалола (-м), аврат (-им), ҳасм (-им), танмаҳрам (-им), ҳарам (-им), маҳрам (-им), эвлуг (-им)* каби эвфемик атамалар қўлланилишини таъкидлаб ўтган¹⁷⁵.

Айтиш мумкинки, эвфемизмнинг гендер маъно ифодалашини мурожаат шаклларида ҳам воқеланади. Фикримизни мисоллар асосида изоҳлаймиз:

– **Онаси**, ол дастурхонни ҳеч нарса емаймиз, – деди. Хонимнинг йиғлаши учун шунинг ўзи кифоя.

– **Онаси**, яна йиғлаяпсанми? (Аҳмад Лутфи Қозончи. “Қайнона”. 37-б.)

– Манови ёқдан шекилли... – дедилар. – Ўзи, вақтинг хушми, **момоси**? Эсон-омон юрибсанми? Тўрт мучалинг бутми? (Т.Мурод. “Ойдинда юрган одамлар”. 42-б.)

Қайлиқ завқланиб - завқланиб кулди.

–Мен бу кишини **боваси** деб чақираман.

–Мен сени **момоси** деб чақираман (Т.Мурод. “Ойдинда юрган одамлар” 48-б.).

¹⁷⁴ Омонтурдиев А.Ж. Профессионал нутқ эвфемикаси (чорвадорлар нутқи мисолида): Фил.фан.док.дисс. – Т., 2009. – 252 б.

¹⁷⁵ Омонтурдиев А.Ж. Профессионал нутқ эвфемикаси (чорвадорлар нутқи мисолида): фил.фан.док....дисс. – Тошкент, 2009. – 252 б.

Диалогларда қўлланган *онаси, боваси, момоси* каби мурожаат шакллари *хотин* ва *эр* сўзларининг юмшатишган вариантлари, гендер эвфемизм вазифасини бажарган. Аммо жадал ривожланаётган ҳозирги кунда эрини тўғридан-тўғри исми билан ёки исмига *ака* сўзини қўшиб мурожаат қилиш табиий ҳолга айланган. Лекин бу миллий нутқий этикетимизга умуман тўғри келмайди. Унинг ўрнида чиройли эвфемизмлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Оилада қайнона-келин ва қайнота-келин муносабатида ҳам мурожаат шакллари *эри* катта. Буларнинг бир-бирларига исми билан мурожаат этиш ҳам табу ҳисобланар экан, қайнона ёки қайнота келинини *келин, келинпошиша, келинмулло, қизим, болам, пошишожон, пошишоҳон* каби эвфемизмлар, келин эса қайнонани *ойишон, она, ойи, ая, она, хола, амма, эна, бибишониси, асал бибиси, момошониси, қайнотани ота, оташон, амаки, амакимулло, дадашон* сингари бирликлар билан аташи эвфемик характер касб этиб, мурожаатда ҳам ўзига хос гендер хусусиятлар мавжудлигини кўрсатади. Масалан: 1. –*Машааллоҳ, қизим. Демак, сизнингча, тузсиз шундай бўлади, тўғрими? Бу овқатни бир кўринг, агар умрингизда заҳар емаган бўлсангиз, заҳар қанақа бўлишини билиб оласиз, - деди қайнонам* (Аҳмад Лутфи Қозончи. “Қайнона”. 43-б.). 2. – *Хайрли тонг, қизим, қалайсиз? - дер экан келинининг ҳолсизлигини дарҳол билди.*

–*Хайрли тонг, она!* (Аҳмад Лутфи Қозончи. “Қайнона”. 47-б.)

Бундай мурожаат шакллари гендер эвфемизм, тилдаги маълум бир ҳодисага хосланиши билан бирга, нутқ маданиятини кўрсатувчи, оиладаги муносабатни яхшиловчи воситалар бўлиб хизмат қилади. Аммо ҳозирги кунда айрим оилаларда мурожаат эвфемизмидан ўринли фойдаланилмаяпти. Зеро, оила аъзолари томонидан бир-бирларига исмларини айтиб мурожаат этиш “одатий ҳол”га айланган. Аммо бу ўзбек миллатига хос хусусият эмас. Чунки тил қонуниятлари бузилган жойда ҳурмат тамойили ҳам йўқолади.

– *Овқат пишириши менинг вазифамми? Сиз нима учун келин бўлиб келгансиз?*

Сўнг дагал оҳангда қўшиб қўйди:

– *Менга қаранг, кеннойи, бу уйда сизнинг эмас, бизнинг айтганимиз бўлади (Ахмад Лутфи Қозончи. “Қайнона”. 41-б.).*

– *Кеннойи, жудаям маърифатлисиз, – деди киноя билан.*

– *Сиз ҳам яхшисиз, зайратлисиз, – дедим (Ахмад Лутфи Қозончи. “Қайнона”. 43-б.).*

– *Янга, сизга бир нарса айтмоқчиман, мендан рози бўлинг, – деди.*

Нигорнинг гоҳо “келинойи”, кўпинча “келинпошиша”, “келинхоним” дейишига ўрганиб қолгандим, ҳозир “янга” дейишига ҳайратлангандай бўлдим (Ахмад Лутфи Қозончи, “Қайнона”. 43-б.).

Ушбу мисолларда қайнсингилнинг келинга нисбатан қўллайдиган мурожаат шакллари ўз аксини топган. Келин қайнсингилга *синглим*, қайнопага *она* деб, қайнсингил ёки қайнопанинг келинга *янга*, *янгажон*, *келинойи*, *келинпошиша*, *келин хоним* деб мурожаат қилиши нутқий одоб қоидаларига мувофиқ.

Хулоса шуки, эвфемизмларнинг гендер маъно ифодалашини мурожаат шакллари мисолида ҳам ўз аксини топади ва бу мурожаат шакллари нутқий одоб тамойилларини кўрсатувчи ойна вазифасини ўтайди.

Касаллик номларини ифодаловчи эвфемизмларнинг ҳар икки жинс учун умумийлиги. Инсон биологик жиҳатдан эркак ва аёл жинсига мансублиги билан ажралиб туради. Тиббиётда шундай касалликлар мавжудки, улар фақат эркак ёки фақат аёлга хос бўлиши билан бир қаторда, ҳар иккала жинсда ҳам учраши мумкин.

Ижтимоий ва кундалик ҳаётнинг турли соҳаларида ишлатиладиган кўплаб эвфемизм касаллик ва ўлим мавзулари билан боғлиқ. *Касал* сўзи ўрнида *у ўзини ёмон ҳис қиляпти*, *умидсиз касал* бўлган одам ҳақида *у жуда ёмон*, *ўлган ўрнида орамизда йўқ* ёки *орамиздан кетган* ва ҳ. Ногиронларни

жисмоний нуқсони бор, улар катнашадиган олимпиада ўйинларини *Паралимпия ўйинлари* деб аташади¹⁷⁶.

Л.П.Крисин ўзининг баъзи ишларида тиббий нутқни ўрганиш, бемор олдида эвфемизмдан фойдаланиш жоизлигини айтиб ўтган. С.И.Маджаеванинг фикрича, эвфемизм – тиббиёт терминологиясини бойитишнинг бир воситаси¹⁷⁷.

XIX-XXI асрларда яратилган баъзи бадиий адабиётдаги шифокорлар нутқи таҳлили шуни кўрсатдики, улар фойдаланган эвфемизмни камида 8 та мустақил мавзуга ажратиш мумкин: 1) шифокорлар “ёлғони”; 2) ўлим мавзуси; 3) ўлимга олиб келадиган касалликлар мавзуси; 4) беморнинг оғир аҳволи мавзуси; 5) “уятли” касалликлар мавзуси; 6) инсон танасининг “пастки қисми” мавзуси; 7) инсон танасининг “пастки қисми” таъсирида келиб чиқадиган физиологик жараёнлар; 8) жисмоний ва ақлий ногиронлик мавзуси¹⁷⁸.

Тиббиёт ходимлари (шифокорлар) нутқида *у танасининг барча ресурсларини истеъмол қилди, у ҳаёти учун охиригача курашди, унга ёрдам беришининг иложи йўқ эди, у касалликка чидашга қодир эмас эди, унда ҳаётга қайтиш эҳтимоли йўқ эди* каби ибораларни учратамиз.

Баъзи ҳолларда эса хорижий сўзлар ва атамалар ҳам эвфемизм сифатида кўлланилади: *рак – саратон, педикулёз – бит босиб кетган (битли), алопеция – соч тўкилиши (кал)* ва ҳ.¹⁷⁹.

А.А.Реформатский таъкидича, шифокорлар беморлар олдида, кўпинча, касалликларнинг лотинча номларига мурожаат этишади. Масалан, шифокор хавfli касаллик ташхисини яшириш мақсадида беморга шундай мурожаат қилади: *Сизда саратон эмас, канцер*.

¹⁷⁶medconfer.Мамедова К.М., Хаустова Т.Ю. Эвфемизмы в современном русском языке и врачебной практике ГБОУ ВПО.

¹⁷⁷istina.msu.ru Агаджанян С.А. Эвфемизмы в системе средств речевого воздействия в коммуникативном пространстве «врач - пациент» (на материале английского языка).

¹⁷⁸vestnik-camgu Малигина Е.Н. Характеристика эвфемизмов медицинской речи в художественных текстах русской литературы XIX-XXI вв.

¹⁷⁹medconfer.Мамедова К.М., Хаустова Т.Ю. Эвфемизмы в современном русском языке и врачебной практике ГБОУ ВПО.

Баъзи тилшунослар, жумладан, В.П.Москвин “айнан бир усул, масалан, бир атамани бошқасига ўзгартириш, ҳам иборани юмшатиш (*тўладан келган семиз ўрнида*), ҳам алдаш мақсадида (*Чернобиль ҳалокати Чернобиль фалокати ўрнида*) ишлатилиши мумкинлигини айтади. Олимнинг фикрича, бу ерда эвфемия ва ёлғон бир-бирига қарама-қарши қўйилган¹⁸⁰.

Тиббиётда ҳар иккала жинс вакилларида учраши мумкин бўлган касалликлар мавжуд. Буларга *бавосил (геморрой), гангрена (қорасон), глаукома (кўксув), паротит (тепки), кифоз (букрилиқ), лепра, проказа (мохов), боткин (саргайма), базедов (бўқоқ), гипертония (хафақонлик), пневмония (зотилжам), гонорея (сўзак), сифилис (захм)* каби касалликларни киритиш мумкин. “Сариқ” касаллиги “вирусли гепатит” касаллигининг эвфемизми, “давосиз дард”, “унақа”, “тузалмас”, “олиб кетадиган” каби эвфемизмлар “рак” ёки “ОИТС” каби касалликлар номининг юзага келишига хизмат қилган.

Жинсий ожизлик араб тилида “анийн” дейилади ва аёлга яқинлик қила олмайдиган эркакка ҳамда эркакка яқинликни истамайдиган аёлга нисбатан ишлатилади. Бу ҳам касалликнинг бир тури бўлиб, ҳар иккала жинсда ҳам кузатилиши мумкин: *Жинсий ожизлик ўта нозик хасталиқдир* (интернетдан).

Таъкидлаганимиздек, касалликларнинг лотинча номлари, одатда, эвфемизм бўлиб хизмат қилади. Юқоридаги касаллик номларини ифодаловчи эвфемизмлар ҳар икки жинс учун умумий бўлиб келган. Бу айрим сўз ёки ҳодисаларнинг нейтрал қўлланиши билан боғлиқ. Чунки тилда ҳар икки жинсни фарқловчи тил белгилари бўлиши билан бирга икки гуруҳ учун умумий бўлган ҳолатлар ҳам мавжуд.

Иккинчи боб бўйича хулоса

1. Турли жинс вакиллари эвфемистик лексикасида гендер нуқтаи назаридан сезиларли даражада фарқлар мавжуд, улар “аёллар дунёси”,

¹⁸⁰vestnik-samgu Малигина Е.Н. Характеристика эвфемизмов медицинской речи в художественных текстах русской литературы XIX-XX вв.

“эркаклар дунёси” каби мавзуларга бўлинади, булар қуйидагиларда намоён бўлади:

–эркак ва аёл фақат биологик жиҳатдан эмас, балки тил ва нутқ бирликларидан фойдаланишда, уларни қўллаши билан ҳам бир-биридан фарк қилади. Зеро, физиологик тафовут нутқий фарққа ҳам сабаб бўлади;

–эркак ва аёл портрети унинг нутқи орқали реаллашар экан, уларга хос бўлган ва уларнинг нутқида қўлланиладиган эвфемизмлар ҳам генедер хосланиши мумкин.

2. *Аёл* сўзининг ўзи эвфемалашган. Аёл жинсига тегишли эвфемизмнинг лексик-семантик таснифида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: 1) ахлоқий, эмоционал ва интеллектуал сифатларини англатадиган; 2) ёшни билдирадиган; 3) ташқи кўринишни ифодалайдиган; 4) тана аъзолари билан боғлиқ; 5) касб-корни ифодаловчи; 6) касаллик номи билан боғлиқ эвфемизмлар.

Бу гуруҳни яна давом эттириш мумкин. Чунки тасниф ранг-барангликка эгадир. Зеро, аёлнинг ахлоқий, эмоционал ва интеллектуал сифатларини англатадиган эвфемизм ёши, ташқи кўриниши, тана аъзолари, касб-кори ва касаллигини ифодаловчи эвфемизмдан кўпроқ миқдорни ташкил этади.

3. Эркак жинсига тегишли эвфемизмни қуйидагича гуруҳладик: 1) ахлоқий, эмоционал ва интеллектуал сифатларини ифодаловчи; 2) ёшни билдирадиган; 3) ташқи кўринишини ифодалайдиган; 4) тана аъзолари ва касалликлар билан боғлиқ; 5) касб-корни ифодаловчи эвфемизмлар.

Ёшга боғлиқ эвфемизмлар, одатда, икки жинс вакиллари учун умумий. Баъзан эркак нутқида хос бўлган эвфемизм аёл нутқида, аёлга хос бўлгани эркак нутқида кўчиши ҳам кузатилади.

4. Ҳар бир жинсга хос тил ҳодисалари мавжудлиги билан бирга, аёл ва эркак нутқида бирдай қўлланиладиган эвфемизм ҳам мавжудки, улар бетараф гуруҳни ташкил этади.

5. Эркак ва аёл жинсига мансуб шахслар нутқи жинсга хосланиши жиҳатидан индивидуал ва ўхшаш жиҳатларга эга, улар, шу билан бирга,

мураккаб сабаблар (сухбат жанри, вазият, атроф-муҳит, ёш, касб, маълумот, психологик хусусиятлар, сухбатдошлар ўртасидаги муносабат ва ҳ.)га ҳам боғлиқ.

6. Эвфемизмларнинг гендер маъно ифодалаш шакллари мисолида ҳам яққол намоён бўлди. Чунки жинсий тафовут ундалмаларда ёрқин кўринади.

7. Ҳар икки жинсда учрайдиган касаллик номлари ҳам гендер ўхшашликни ҳосил қилади. Гендер тамойили нутқ стратегияси сифатида ҳушмуомалалик, ҳурмат муносабатида бўлишга қаратилган бағрикенглик ва сабр-тоқатни таъкидлайдиган нозик тил шаклларида ифодаланган ҳар қандай жинс вакилининг салбий хусусиятларини яшириш мақсадида ишлаб чиқилган.

8. Қайд этилган сўзларнинг кўпчилиги ҳар доим ҳам эвфемизм бўлиб хизмат қилолмайди. Бундай лексик бирликларнинг эвфемистик хусусиятларга эга эканлигини биз фақатгина мулоқот ҳолатидан келиб чиққан ҳолда тушунишимиз мумкин.

III БОБ. ЭВФЕМИЗМЛАРДА ГЕНДЕР ФАРҚНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ОМИЛЛАР

3.1. Эвфемизмларда гендер маъно воқеланишининг прагматик омиллари

Эвфемик гендер маъно воқеланишида шахс омили. Она тили таълими жараёнида асосий диққатни ўқувчининг сўз бойлигини ошириш, сўзларнинг маъно нозикликлари, фарқ ва ўхшашликларини ҳис қилиш ва англаб етиш, беҳато талаффуз қилиш ва ёзиш, сўзларни боғлаб гап, гаплардан эса матн туза олиш, бирикмалардаги маъновий ва грамматик, матндаги мантиқий хатоликларни топиш ва тузатиш, ўзгалар фикрини тўғри англаш, бир фикрни турли шаклда ифодалаш, узилган фикрнинг давомини тиклаш каби қатор мантиқий операцияларни бажариш, нутқ вазиятини тўғри баҳолаш ва тил имкониятларидан унга мос равишда фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш ва малакасини ўстиришга қаратиш зарур. Ўқувчига мана шу амалиёт учун керак бўлган айрим фонетик, лексик ва грамматик қоидаларнигина бериш, фикрни ифодалаш ва англашнинг турли механизм ва усулларини, уларни турли нутқ шароитига мос равишда қўллаш йўллари тавсия этиш, бунга асосланган машқ ва топшириқлар тизимини ишлаб чиқиш, нотиқлик ва маданий нутқ машғулотларига эътиборни кучайтириш зарур. Демак, том маънодаги замонавий таълимда тилшуносликнинг илмий масалаларига доир қоидалар кескин қисқартирилиб, унча чуқурлаштирилмаган лингвистик маълумотлар тафаккур ва нутқ ўстириш амалиёти “сояси”да бўлиши ва унга хизмат қилиши, ўқувчининг мияси зинҳор самарасиз лингвистик қоида ва идроки тил қурилишига доир машқлар билан банд қилиб қўйилмаслиги мақсадга мувофиқ¹⁸¹.

Демак, давр она тили дарсликларидан ёшларимизга тил қурилиши ҳақидаги билимни эмас, балки том маънода она тили имкониятини эгаллаш

¹⁸¹ protoday.uz Менглиев Б.Р. Тил – миллий ғуруримиз.

механизм ва усулларини беришини тақозо қилмоқда. Ўзбек тилининг XX асрда очилган лисоний имкониятларидан амалий фойдаланишни тадқиқ қилиш вазифаси – давр талаби. Бу эса тил тадқиқи ва таълимига прагматик ёндашувни тақозо қилади.

Маълумки, лингвистикада илмий парадигма анъанавий тарзда уч турга ажратилиб ўрганилмоқда. Булар қиёсий-тарихий, систем-структур ҳамда антропоцентрик парадигмалар. Янги йўналиш – антропоцентрик парадигма марказида прагматик таҳлил ётади.

Прагматика (юнон тилидан “иш”, “ҳаракат”) коммуникацияда белгилар хулқ-атворини реал алоқа-муносабат жараёнларида ўрганади. Прагматика марказида ҳаракатдаги тил туради, у ўзининг вазифалари ва ижтимоий хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Прагматика учун тил нафақат қотиб қолган белгилар мажмуи, балки ҳар қандай вазиятдаги ижтимоий-этномаданий жамият аъзолари мулоқотининг ўзаро муносабатини намоиш этиш услуби¹⁸².

К.Я.Сигалнинг ёзишича, “мулоқотни ўрганишни ўз ичига олган тилшунослик соҳаси прагматикаси сўзловчининг нутқий фаолиятида хусусий-коммуникатив функцияларни онгли равишда ўрганиш ва коммуникатив-семантик вазифалардан фойдаланиб, нутқий ва нутқий бўлмаган ҳаракатларни амалга ошириш”дир¹⁸³.

Тилшунос олим Ш.Сафаров таъкидлаганидек, лисоннинг нутқ ижодкори билан боғлиқ томонларини ўрганиш муҳим. Бу эса антропоцентрик парадигманинг асосий вазифаси. Шунга кўра, тил воситаларини прагматик тадқиқ қилиш бир қанча омил билан боғлиқ, бу омиллар қуйидагиларда намоён бўлади:

- 1) шахс омили;
- 2) нутқий вазият;

¹⁸²moluch.ru Лазаревич Е.М. Прагматический аспект эвфемии [электрон ресурс].

¹⁸³Сигал, К. Я. Синтаксические этюды / К. Я. Сигал. – М.: Академия гуманитарных исследований, 2006. – 156 с.

- 3) нутқ шароити;
- 4) нутқ пайти;
- 5) нутқ ўрни.

Прагматик ёндашув ўзбек фанида шаклланаётган тилшуносликнинг янги эмпирик йўналиши сифатида лисоний имкониятларни сўзловчи-тингловчи ва уларнинг мулоқот жараёнидаги ўзаро муносабати, мулоқот вазияти сингари нолисоний ҳодисалар билан боғлиқ ҳолда ўрганади. Шахснинг лисоний имкониятлардан амалий фойдаланиши сўзловчи ҳамда тингловчининг шахсий сифатлари, нутқ мақсади ва унинг турлари (яширин ёки ошқора), нутқ шакллари (хабар, сўроқ, буйруқ, илтимос, маслаҳат, ваъда бериш, саломлашиш, сўрашиш, хайрлашув, узр, табрик, шикоят кабилар), нутқ услублари, стратегияси ва тактикаси, нутқ одоби, мулоқот маданияти, сўзловчи ёки тингловчининг дунёқараши, билим даражаси, қизиқишлари каби қатор нолисоний омиллар билан муштарак ҳолда юзага чиқади¹⁸⁴.

Гендер хусусиятли сўзларнинг прагматик асослари А.В.Кирилина (1998), Е.И.Горошко (1999), Р.К.Потапов (2002), В.В.Потапова (2006), И.И.Халеева (2000)ларнинг тадқиқотларида атрофлича ўрганилган ва уларда гендер стереотипи “ҳар икки жинс вакилларининг хулқий меъёрларида, атрибут ва сифатларида маданий ва ижтимоий шароитлар билан боғлиқ ҳолда шаклланган ва нутқ, матнда воқеланадиган белгилар” сифатида таърифланади¹⁸⁵.

Е.М.Лазаревич¹⁸⁶ эвфемизмларнинг айрим прагматик хусусиятлари ҳақида, Г.А.Вильданова¹⁸⁷ эса ўз диссертациясида гендер эвфемизмларининг прагматик жиҳатлари тўғрисида фикр юритган. О.С.Сахно¹⁸⁸ XIX-XXI асрларда рус бадий адабиёти материалида иборалар номинацияси нутқий

¹⁸⁴ Кўчибоев А. Матн прагматикаси. – Самарқанд, 2015.

¹⁸⁵ Кўчибоев А. Матн прагматикаси. – Самарқанд, 2015.

¹⁸⁶ moluch.ru Лазаревич Е.М. Прагматический аспект эвфемии.

¹⁸⁷ www.twirpx.com Вильданова Г.А. Гендерный аспект эвфемизации (на материале английского языка)// дис... кандидата филологических наук. – Бирск, 2008.

¹⁸⁸ Сахно О.С. Фразовая номинация как средство речевой эвфемизации (на материале языка русской художественной литературы XIX–XXI вв.): Автореферат дис. ... канд. филол. наук: 10.02.01 / О. С. Сахно; Пятигорский гос. лингв. ун-т. – Таганрог, 2006. –19 с.

эвфемизация воситаси сифатида намоён бўлишини таҳлил қилган. М.Л.Ковшованинг “Семантика и прагматика эвфемизмов: Краткий тематический словарь современных русских эвфемизмов”¹⁸⁹ луғатида эса эвфемизмларнинг семантикаси ва прагматик жиҳатлари ёритиб берилган.

Эвфемизм ва прагматика ўртасидаги алоқа (боғлиқлик)ни тушуниш учун эвфемизм ҳақида М.Л.Ковшова келтирган таърифга эътибор қаратиш муҳим: “Эвфемизм, сўзловчининг фикрича, нутқ қоидаларига тўғри келмайдиган, нотўғри коммуникацияга олиб келиши мумкин бўлган баъзи сўз ва ибораларни алмаштириш учун хизмат қиладиган сўз ёки ифода”¹⁹⁰.

О.С.Сахно эвфемизмни нутқ фаолиятининг конвенциал ифодаси, денотатнинг пардаланган номланиши деб ҳисоблайди¹⁹¹.

Эвфемияга прагматик ёндашув нутқ меъёрларининг талаблари билан боғлиқ¹⁹².

Е.Г.Борисова ва Ю.С.Мартемьяновларнинг сўзларига кўра, “сўзловчи ва тингловчи нотаниш “баҳс”га киришиб, сўзловчи эвфемизмни онгли равишда кодлаб, маъносини яширади, тингловчи эса унинг маъносини тушуниб, бир қатор оғзаки-когнитив операцияларни амалга оширади”¹⁹³.

Нутқий акт, индикатив бўлмаган сўзлар, контекст, нутқий вазият, сўзловчи шахси каби тушунчалар лингвистик прагматиканинг марказий тушунчаларидир.

Эвфемизмда гендер маънонинг воқеланиши прагматик омиллар билан бевосита ва билвосита боғлиқ. Зеро, эвфемизмда гендер хосланиш шахснинг жинсий тафовути билан алоқадор экан, демак, унда алоҳида бўртиб

¹⁸⁹Ковшова, М. Л. Семантика и прагматика эвфемизмов: Краткий тематический словарь современных русских эвфемизмов / М. Л. Ковшова. – М.: Гнозис, 2007. – 320 с.

¹⁹⁰Ковшова, М. Л. Семантика и прагматика эвфемизмов: Краткий тематический словарь современных русских эвфемизмов / М. Л. Ковшова. – М.: Гнозис, 2007. – 320 с.

¹⁹¹Сахно, О. С. Фразовая номинация как средство речевой эвфемизации (на материале языка русской художественной литературы XIX–XXI вв.): Автореферат дис. ... канд. филол. наук: 10.02.01 / О. С. Сахно; Пятигорский гос. лингв. ун-т. – Таганрог, 2006. – 19 с.

¹⁹²moluch.ru Лазаревич Е.М. Прагматический аспект эвфемии [электрон ресурс].

¹⁹³moluch.ru Лазаревич Е.М. Прагматический аспект эвфемии [электрон ресурс].

турадигани – шахс омили. Сўзловчи шахснинг жинсий табақаланиши эвфемик бирликдан ўринли фойдаланишни белгилаб беради.

Ўзбек тилида шахс омилининг намоён бўлиши қуйидагилар билан:

- 1) эркак ва аёлнинг физиологияси;
- 2) характер-хусусияти;
- 3) ташқи кўриниши;
- 4) касб-кори билан боғлиқ.

Шахснинг жинсий мансублилигига қараб эвфемизмлар хосланар экан, бу хосланишда уларнинг биологик ва физиологик ҳолати ҳам муҳим. Масалан, *бокира* эвфемизми соф, тоза, қўл тегмаган, эр кўрмаган кизга нисбатан қўлланилади: 1. *Ҳеч қаёққа кетмайман, менга осилманг, бўлмаса, бир бокира жоннинг уволига қоласиз!* (К.Яшин. “Ҳамза”). 2. *Сенга шундай бокира жононларни топиб берайки, хуснини кўриб, ақлинг оғмаса – ҳисобмас* (Ж.Абдуллахонов. “Тўфон”). Ёки *бошқоронги* эвфемизми ҳомиладор аёлларда ҳомиладорликнинг дастлабки ойларида бўладиган ҳолат, аҳвол (масалан, бирор нарсани тусаш ёки унга тоқат қилолмаслик)га нисбатан ишлатилади.

Унинг анорга боши қоронги.

Боши қоронгига олам қоронги (мақол).

Унинг иттифоқо “соса-сола”га боши қоронги бўлиб қолди (Мирмуҳсин. Ҳикоялар ва қиссалар).

Юқоридаги мисолларда шахс омили аёлларнинг физиологик ҳолати билан боғлиқ бўлса, *номига эр, эркаклиги йўқ, миждози заиф* кабилар эса эркакларнинг жисмоний ҳолатини кўрсатиб, гендер хосланган.

Маъшуқа сўзи *хуштор, жазман* маъноларида қўлланиб, эвфемик характер касб этса, *осон даромад топувчи, шармандали иш эгалари* бирикмалари *фоҳиша* лексемасининг маъносини юмшатиб келади ва аёллар табиатини кўрсатади.

1. *Парво қилма, ўлиб кетди аждаҳор, Келиб маъшуқини топгандир Шакар* (“Ширин билан Шакар”). 2. *Осон даромад топиш илинжида барибир*

яширинча йўллар билан бу ишни давом эттираверишади (“Постда”, 2004, 14 апрель).

Нопоклик қилмоқ, номусини булгамоқ, номусига тегмоқ, номусини барбод этмоқ эвфемизмлари зўрламоқ сўзининг силлиқлашган варианты бўлиб, эркакларнинг бузуқ хулқини ифодалаб келади: Эй беномус, нопоклик қилишдан ор қилмайсизми, - деб бақирди Мўмина (Т.Малик. “Номус”. 41-б.).

Кўриняптики, шахс омилида инсонда мавжуд бўлган барча хусусият – хоҳ салбий, хоҳ ижобий бўлсин, ўзини намоён этади. Шу нуқтаи назардан, прагматик муҳит ташкил этувчилари миқдоран ранг-баранлиги ва кенг камровлилиги билан характерланади. Шахс, вазият, шароит сирасида шахс омили, коммуникантларнинг табиати ва мавқеи, ўзаро муносабати кабилар катта аҳамиятга эга. Биргина шахснинг нутқий ҳолати жинсий тафовут, феъл, савия, ижтимоий мавқе, ёш, маълумот, мутахассислик, соғлик, кайфият каби кўринишлардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири лисоний бирликларнинг нутқий воқеланишига маълум даражада таъсир кўрсатади.

Н.Д.Арутюнованинг фикрича, “ҳар қандай нутқий ҳодиса маълум бир мақсад асосида намоён бўлади. Одамлар нимадир ҳақидаги ўз муҳокамаларини баён қилиш ниятида маслаҳат бериш, ваъда бериш ёки тақлиф этиш каби тингловчини бирор-бир нарсага ишонтириш мақсадида сўзлайди”¹⁹⁴. Прагмалингвистиканинг муҳим бирликларидан бири бўлган интенция, яъни сўзловчининг мақсади эвфемизмда тингловчининг юрагига ботмайдиган тарзда силлиқ ифодаланади ва бу эса юқорида санаб ўтилган бир қанча омилларнинг воқеланишини таъминлайди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, прагматик омилларнинг эвфемизмга таъсири, албатта, ўзбек мулоқот маданияти, мулоқот хулқи, мулоқот одоби, миллий менталитети билан боғлиқдир. Дарҳақиқат, чиройли ҳамда айтилиши ноқулай бўлган фикрни “қоғозга ўраб” суҳбатдошга етказиб бериш –ўзбекона мулоқот маданиятидан далолат. Демак, нутқда эвфемизмлардан фойдаланиш сўзловчининг маълум мақсадини ифода этишга хизмат қилади.

¹⁹⁴ Арутюнова Н.Д. Предложение и его смысл. – М.: Наука, 1976. – С.47.

Умуман олганда, ҳар қандай жараён – хоҳ у жисмоний, хоҳ ақлий бўлсин, инсон омилисиз юзага чиқмайди. Барча ҳаракатлар замирида озми-кўпми инсон омили туради. Демак, шахс омили прагматик омилларнинг марказида уларни уюштирувчи куч сифатида юқори мавқега эга бўлади. Шахс омили асосий ўрин эгалламас экан, локутив, иллокутив ва перлокутив ҳаракатлар ўз-ўзидан юзага келмайди. Нутқий акт мавжуд бўлмаса, мулоқот жараёни юзага чиқмайди.

Шундай қилиб, прагматик эвфемия сўзловчилар орасидаги муносабатни, яъни мураккаб ва ёқимсиз туйғуларга олиб келадиган тушунчаларни тартибга солишга имкон берадиган мослашувчан механизмдир¹⁹⁵.

Эвфемизмда гендер маънонинг воқеланишида вазият омили. Гарчи тил материал сифатида умумга тегишли бўлса-да, нутқда ундан фойдаланишнинг чексиз имконияти мавжуд. Сўзловчи шахси, унинг жамиятдаги мавқеи ҳамда нутқий вазият билан боғлиқ равишда тил воситаларидан амалдаги меъёрлар доирасида истаганча фойдаланиш мумкин. Тил воситаларидан фойдаланишдаги турли-туманлик вариантликнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади¹⁹⁶. “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”да *прагматика* тушунчасига қуйидагича тавсиф берилган: “Прагматика инсоннинг ижтимоий фаолиятини ўзида қамраб олувчи нутқ жараёни, муайян алоқа вазияти орқали намоён бўлади. Лингвистик прагматика аниқ шакл, ташқи кўринишга эга эмас; унинг доирасига сўзловчи субъект, адресат, уларнинг алоқа-аралашувидаги ўзаро муносабатлари, алоқа-аралашув вазияти билан боғлиқ кўплаб масалалар киради”¹⁹⁷.

Демак, прагматика инсоннинг коммуникатив фаолияти, унинг маҳсули бўлган мулоқот жараёни ва мулоқот вазияти воситасида юзага чиқади. Прагматика объекти аниқ форма ва қиёфадан холи, уни адресант ва адресат табиати ҳамда уларнинг мулоқот жараёнидаги ўзаро муносабатини коммуникатив вазият билан боғлайдиган муаммолар мажмуи ташкил қилади.

¹⁹⁵moluch.ru Лазаревич Е.М. Прагматический аспект эвфемии.

¹⁹⁶ Хасанова Х. Фоностилистикада экстралингвистик омиллар. // Наука XXI века.– 2018. № 9.

¹⁹⁷Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 7-жилд. – Тошкент: ЎЗМЭ, 2004. – Б. 164.

Масалан, адресант табиати билан боғлиқ бўлган ҳамда мулоқот сифати ва самарасини белгилайдиган коммуникатив интенция; мулоқот стратегияси ҳамда тактикаси; мулозамат ва мулоқот одоби; коммуникантларнинг лисоний компетенцияси, қарашлари, қизиқишлари, макон ва замон кабилар мулоқот вазиятининг таркибий узвлари саналади.

Прагматик ёндашувда фикр ифодалашнинг қулай ва унумдор шаклларини қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Нутқий вазият, аввало, эркин ва эркин бўлмаган вазиятларга бўлинади¹⁹⁸.

Олима М.Эрназарова эркин нутқий вазиятда, мулоқотда сўзловчи эркин ҳаракат қилади ва лисоний имкониятдан унумли фойдаланади, деб эътироф этади¹⁹⁹. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, эркин бўлмаган нутқий вазият маълум бир талаб доирасида рўёбга чиқади. Бунда энди лисоний имкониятдан маълум қоида асосида фойдаланилади. Бизнингча, эркин вазият сўзлашув услубида тўла-тўқис амал қилади. Эркин бўлмаган вазият эса нутқнинг бошқа – бадий, публицистик, расмий ва илмий услубларида ўз аксини топади. Шу ўринда айтиш керакки, эвфемизмлар нафақат бадий, балки сўзлашув ва бадий услубларда ҳам кенг қўлланади. Масалан, *ажал оғзи* гендер хосланмаган эвфемизми ўлим, *белидан қувват*, *кўзидан нур кетган* эвфемизми кексайган, қартайган, *бокира* эр кўрмаган, турмушга чиқмаган *қиз* маъносида публицистик услубнинг материали бўлиб хизмат қилади: 1. *Жигарбандига “ризқинг узилмасин, болажоним” деган хавотир-ҳадикда нон тишлатган муштира оналар фарзандини армияга эмас, ажал оғзига жўнатаётгандай жон ҳовучлаб қоларди* (“Халқ сўзи”, 2013, 30 январь). 2. *Оёқлари оғриб, белидан қувват, кўзидан нур кетганида, ҳасса олиб берган... бу – Бизлармиз* (“Оила даврасида”, 2015, 18 март). 3. *Ўзининг бокира эканлигини таъкидлаган қиз фарзанд дунёга келтирди* (“Саодат”, 2006. № 4.).

¹⁹⁸ Эрназарова М.С. Грамматик маъно лисоний ва прагматик омиллар яхлитлигида // Фил.фан.док. (DSc) дисс... – Самарқанд, 2018.

¹⁹⁹ Эрназарова М.С. Грамматик маъно лисоний ва прагматик омиллар яхлитлигида // Фил.фан.док. (DSc) дисс... – Самарқанд, 2018.

Юқоридаги парчаларда эвфемик воситаларнинг қўлланганлиги – фикримиз далили ва публицистик услубнинг эвфемик ифодалар билан бойиб бораётганлигини кўрсатувчи ёрқин мисол. Эвфемик воситалар сўзлашув услуби таркибида ҳам фаол қўлланади. Сўзлашув нутқи нутқ momentiдагина мавжудлиги, сўз танлаш ва сўз қўллашнинг ёзма нутққа нисбатан эркинлиги, сўз иқтисод қилиш қонуниятининг амал қилиш жараёнлари эвфемадан осонлик билан фойдаланиш имкониятини беради²⁰⁰, шу сабаб сўзловчи кўпинча *ўлибди ўрнида бўлмабди, ўтибди, кетиб қолибди* каби айтилиши ўнғай эвфемаларни қўллайди. Ёхуд бошқа мисолга мурожаат этамиз: *Фонус ёруғида аёлнинг кўйлаги қизил эканини кўрдим. Аёл кенг енги билан фонусдан кўзини пана қилиб:*

– *Саломалайкум! - деди наст товуида.*

– *Ваалайкум, - дедим. – Кечирасиз, безовта қилдик. Ахтамовнинг уйига келган эдик. Ошнамит бўлади у киши. Овулдан ҳали қайтмаган эканлар. Овуллари узоқдамити. Шу кечага жой берсангиз, ётсак. Биз икки кишимиз.*

Хотин жавоб бермади.

– *Мен ўзим Бойсундан, - дедим. – Ўртоғимиз Тошкентдан. Гумонсираманг.*

– *Шундай-ку, - деди аёл ниҳоят. – Эркагим йўқ. Бўлмасам...* (Шукур Холмирзаев. Сайланма. 2-жилд)

Қўлланилган эвфемик бирлик бу услубнинг ҳам ўзига хос маданийлашган вариантлари кўлами мавжудлигини исботлайди. Зеро, сўз мулкисининг султони Алишер Навоий сўз кудратини *сўз ўлган одам танасига руҳ бағишлайди, сўздан тандаги руҳ ҳалок бўлиши мумкин*, деб таърифлаганида сўз маънавий бойликларимиз хазинаси эканлигини уқтирмақчи бўлган.

Эвфемик гендер маънонинг воқеланишида вазият омилининг ҳар иккиси (эркин ва эркин бўлмаган) ҳам аҳамият касб этади. Зеро, эвфемизмнинг дунёга келиши нутқий вазият билан боғлиқ жараёндир. Эркак ва аёлга хос эвфемизм маълум нутқий талаб асосида воқеланади. Масалан, айтилиши

²⁰⁰ Ўринбоев Б. Ўзбек тилининг сўзлашув нутқи масалалари. – Т.: Фан, 1975.

ноқулай мурожаат шакллари, касалликлар, касб-корлар, физиологик, психологик жараёнлар, ёшга ва ташқи кўринишга оид тушунчалар вазият тақозоси билан эвфемалашади. Улар нутқнинг этик-эстетик талаби асосида эвфемик характер касб этади. Фикримизни мисоллар асосида далиллаймиз: *Бола мўлжалдаги хонадонга келганига ишонч ҳосил қилгач, чўнтагидан бир кичик дафтар олиб, қаршидаги бева аёлга узатди.*

– Хола, бу дафтарни олиб анави қайрилишдаги новвойхонага борасиз. Бир варагини йиртиб узатиб, битта нон оласиз. Икки варагини узатиб, иккита нон оласиз (Аҳмад Лутфи Қозончи. “Қайнона”. 8- б.).

Мисолда *бева* сўзи эвфемик характер касб этиб, “эри ўлган якка аёл” маъносини ифодалашга хизмат қилган. Муаллиф нутқий вазиятнинг эстетик талаби билан эвфемик бирликдан фойдаланган: *Ё Раббим, уйланадиган бўлсам, менга покиза бир хоним насиб эт. Ҳалол сут эмган, Сенга бандалик қиладиган, мени Сенинг йўлингдан қўймайдиган умр йўлдошига рўбарў қил. Менинг ҳам, онамнинг ҳам ҳаққига риоя қиладиган, бу дунё, у дунё юзимни ёруғ қиладиган бир жуфти ҳалол насиб эт. Эй Аллоҳим, яхши турмуш, гўзал ҳаёт насиб айла. Агар турмуш яхши кечмаса, бир-биримизни тушунмасак, менинг уйланишимдан фойда йўқ. Аллоҳим, мени ҳузури покинда уятга қўйма!* (Аҳмад Лутфи Қозончи. “Қайнона”. 11- б.).

Юқоридаги парчада *хотин олмоқ* бирлиги *уйланмоқ*, *хотин* сўзи *умр йўлдош*, *жуфти ҳалол* эвфемизмлари орқали силлиқ қилиб ифодаланган. Асар қаҳрамони Мустафонинг тўйи бўлгунча намозларида, ёлғиз қолган кезларида қилган дуоси, нутқида эвфемизмни кўллаши – унинг тарбиясидан, маданиятидан далолат. Муаллиф уни шундай гапиртирмаса эди, қаҳрамон зиммасидаги “юк”ни кўтара олмаган, яъни ёзувчининг мақсадини ифодалай олмаган бўлар эди. Яна шуни таъкидлаш керакки, ўзбек тилида эвфемизм нафақат аёл, балки эркакка ҳам хос, уларнинг нутқида ҳам етакчилик қилади. Кўриниб турибдики, нутқий вазият ифодаланиши керак бўлган интенция билан чамбарчас боғлиқ.

Иккала хотин овозларини пича кўтара тушиб, хотинлар қий-чуви орасида суҳбатда бемалол давом этдилар, Зебининг қулоғи ҳам гўё деразага осилиб қолди.

*– Қизингиз **балозатга етди, мингбоши додҳога бермайсизми?**- деди уларнинг биттаси овозини кўтара тушиб (Чўлпон. “Кеча ва кундуз”. 111- б.).*

Мисолда *балозатга етмоқ, етилмоқ, додҳога бермоқ* бирликлари “хотинликка бермоқ” маъносида эвфемик характер касб этган. Албатта, бу каби эвфемаларни қўллашни нутқий вазият тақозо этган. А.Омонтурдиев таъкидлаганидек, совчилик аслида давлат дипломатиясига ўхшайди, ҳатто ундан ҳам нозик иш. Дипломат давлат номидан гапиради, талаб (баъзан ултиматум) қўяди. Совчи бировнинг уйига (от савдосига, суюнчи олишга, суҳбатлашишга эмас, албатта) боласини – қизини оилага янги аъзо, яъни келин қилиб олишга боради. Бу жараён ҳар қандай одамни сукут сақлашга, ўйлашга, гапни нимадан бошлашга, нозик иборалар қўллашга, эҳтиёт бўлиб сўзлашга, ўйлаб жавоб беришга мажбур қилади. Шунинг учун ҳам совчилар гапга чечан, гапдон, сухандон, сўзамол, доно, зукко, топқир, зийрак, донишманд, босиқ, психолог, айни замонда, кўпни кўрган, оқ-қорани таниган, эътиборли, баобрў кишилардан танланган²⁰¹. Шунинг учун бу икки аёл сўзни танлашда эҳтиёткорлик билан ёндашган. Сабаби мингбошининг ёши бир жойга борган, учта хотини бор. Унга 17-18 ёшли қизни сўрашнинг ўзи номувофиқ иш эди, аслида. Шу боисдан бундай вазиятда эвфемизмга эҳтиёж туғилиши, табиий. *Ҳамманг бир қора мўйимга арзирмидинг, қалай?.. Агар олмоқчи бўлса, ҳаммангни икки қўллаб тутардим ўша газетчи даюсга!.. Менга битта хотин бас эди... зурриётлик бўлса... Шунча давлатни кимга ишиониб қолдираман? Учта безурриётгами?..*

– Нимага ҳаммани баробар айблайсиз? Фазилатни оғизга олмайсизми?

²⁰¹Омонтурдиев А. Профессинал нутқ эвфемикаси (Чорвадорлар нутқи мисолида): фил.фан.док...дис. – Т., 2009. – 185 б.

–Фазилатинг менга асқотармиди? Бир-икки йилдан кейин **бировларнинг қўлига сув қуюдиган бўлади. Қиз фарзанд бўлармиди? Қайси биринг ота-онангга асқотдинг!..** (Чўлпон. “Кеча ва кундуз”. 84- б.)

Парчада эса *безурриёт* эвфемизми *бефарзанд*, *бировларнинг қўлига сув қуюдиган бўлмоқ* ибораси *хотин бўлмоқ* маъносида қўлланган. Эътибор берилса, асар қаҳрамони мингбоши ғирт саводсиз бўлса-да, нуткида эвфемизмлардан ўринли фойдаланган. Бу ўринда нутқий вазият шуни талаб қилмоқда.

Кўринадики, биргина шахснинг нутқий ҳолати вазият, савия, ижтимоий мавқе, ёш ва ҳаётий тажриба каби кўринишлардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири лисоний бирликларнинг нутқий воқеланишига таъсир кўрсатади. Демак, эвфемизмларда гендер маънонинг воқеланишида вазият омилининг таъсири катта.

Эвфемизмларда гендер маънонинг воқеланишида шахс ва вазият омили уйғунлашуви. Прагмалингвистика – лисоний сатҳлараро бир тизимда бўлган фан.У социолингвистика, психолингвистика, когнитология, риторика, стилистика, этнолингвистика, семиотика ҳамда лингвокультурология билан бирга нутқий фаолият назариясини ташкил этади.

Бугунги кунда прагматика атамаси лингвистик адабиётларда кенг маънода қўллана бошлади. Айни пайтда, кўпчилик тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, лингвистик прагматика тушунчасининг аниқ чегаралари белгиланган эмас. Унинг умумий чегараларини лисоний белгиларнинг нутқ жараёнида функцияга киришуви, шунингдек, нутқ фаолияти жараёнида билдирилган фикрларнинг ўзаро муносабатлари, гапирувчи ва тингловчи муносабатлари, нутқ актларидаги коммуникатив вазият сифатида белгилаш мумкин.

Лингвистик прагматика «лисоний белги – ундан фойдаланувчи» занжирига боғлиқ бўлган барча лисоний ҳодисаларни ўрганади. Унинг тадқиқот объекти сифатида нутқ субъекти, тингловчи (реципиент), уларнинг мулоқот жараёнидаги ўзаро муносабатлари, бу муносабатларга нутқ

вазиятининг таъсири каби комплекс масалаларни ўз ичига олади. Бу ўринда лингвистик прагматиканинг энг муҳим тушунчаси инсон омили эканлиги барча тадқиқотларда тан олинади. Юқорида эса эвфемизмда гендер маънонинг воқеланишида шахс омили етакчилик қилишини мисоллар асосида кўриб чиқдик.

С.Азнаурова ўз тадқиқотида тилшуносликда илк маротаба коммуникатив прагматик вазиятнинг асосий мезонларига асосланиб, сўзнинг лингвопрагматик таҳлили тамойилларини назарий жиҳатдан асослаб берди. Олима улар қаторига қуйидагиларни киритади:

- коммуникатив акт рўй берадиган вазият ва жой;
- мулоқот мавзуси ва мақсади;
- мулоқот иштирокчиларининг этик, индивидуал характеристикаси;
- мулоқот иштирокчиларининг ўзаро муносабатлари²⁰².

Кўриниб турибдики, прагматик вазият прагматик мақсад ва ҳаракатни ифодалашнинг бирламчи омили бўлиб хизмат қилади.

В.И.Заботкина бу назарияни янада ривожлантириб, тилнинг луғат таркибини прагматик нуқтаи назардан ўрганишда лексик ва фразеологик бирликларни жўяли ёки ўринли қўллашда мулоқот вазияти ва гапирувчи шахснинг мулоқот мақсадини ҳисобга олиш назариясини ишлаб чиқди. Бу йўналиш тилнинг лексик тизимини ўрганишда янгича ёндашув: функционал лексикологиянинг шаклланишига олиб келди²⁰³.

Эвфемизмда гендер маънонинг воқеланишида шахс ва вазият омили уйғунлашувини мисоллар асосида таҳлил қиламиз: *Кўмирчи бўлсин, темирчи бўлсин, тўрт девор ичида суюкли бўлсин! Аёл зоти ана шу бош паноҳига суюниб яшайди! Боши очиқ...* *Аёл зоти аззанча хўрликни кўтаради, аззанча таҳқирлашни кўтаради. Аммо «боши очиқ», деган гапни кўтаролмайди!* (Т.Мурод. “Ойдинда юрган одамлар”)

²⁰² Кўчибоев А. Матн прагматикаси. – Самарқанд, 2015. – 14-б.

²⁰³ Кўчибоев А. Матн прагматикаси. – Самарқанд, 2015. – 14-б.

Парчада қўлланган *бош паноҳи сўз* бирикмаси эр, боши очиқ ибораси эрсиз маъносида қўлланиб, эвфемалашган. Муаллифнинг шахсий сифатлари ва айни нутқ моментидаги вазият эвфемани ишлатишни тақозо этган.

Эсон қассобни ҳаминқадар элади. Кейин, мақсадга ўтди.

– *Синглингнинг бошига бахт қуши қўниб турибди, қассоб, учириб юбормасанг бўлди, - деди.*

– *Аслини билмай, сўз демаслар, наслини билмай, қиз бермаслар,- деди қассоб. – Ким экан, у? (Т.Мурод. “Ойдинда юрган одамлар”)*

Бу мисолда совчи тилидан *бошига бахт қуши қўниб турибди* ибораси “яхши эр чиқяпти” маъносида қўлланиб, эвфемизм бўлиб хизмат қиляпти. Бундай вазиятда шахс омили ва нутқий вазият эвфемизм қўллашга, жумлани “қоғозга ўраб” ифодалаб беришга туртки беряпти.

Умуман, оила қуришда совчининг нотиклик маҳорати катта ўрин тутади. Масалан, совчи қизнинг ота-онасига: *Биз совчимиз. Сизнинг бир қизингиз бор экан. Куёв бўлмишга шу қизингизни беринг. У кўп вақтдан бери қизингиз билан юрар экан. Уларни тўй қилиб, эр-хотин қилиб қўшиб қўйишдан бошқа чора йўқ ёки куёв бўлмишнинг отасини, мансаб-мартабаси, давлату савлати, қасри, машиналарини кўкларга кўтариб: Қизингизни берсангиз, шундай хонадонга берасиз-да, бундан яхши жойни тополмайсиз. Қизингиз уйда ўтириб қолади. Бошингизни галвага қўйиб нима қиласиз, қизингизни бошингизга ёстиқ қиласизми, қари қиз бўлиб қолади каби салбий таъсир қилувчи, қиз хонадонининг иззат-нафсига тегувчи дисфемик нутқ эгалари (совчилар) ҳам борки, бу – нохуш воқеликларнинг юзага келишига, қош қўяман деб, кўз чиқаришга сабаб бўлади²⁰⁴.*

У мизожси хуш кўрмиши одамлар билан салом-алик қилади. Борди-келди қилади. Чин дилдан гапиришади. Очилиб гурунглашади. Кўнглига ўтирмайдиганлар билан саломлашигисида келмайди! (Т.Мурод. “Ойдинда юрган одамлар”) Мисолда *кўнглига ўтирмайдиганлар* ибораси

²⁰⁴Омонтурдиев А.Ж. Профессинал нутқ эвфемикаси (чорвадорлар нутқи мисолида): фил.фан.док...дисс. – Тошкент, 2009.

ёқтирмайдиган, ёмон кўрадиган маъносини юмшатиб ифодалашга хизмат қилган. М.Эрназарова таъкидлаганидек, сўзловчи ва тингловчи шахс, нутқий вазият ва шароит ҳар қандай лисоний бирликнинг нутқий реаллашувида муҳим роль ўйнайди. Бу грамматик маъно воқеланишига ҳам бирдай тегишли. Шунинг учун нутқий системадаги нолисоний унсурларни шартли равишда иккига ажратиш мумкин:

- а) шахс унсури;
- б) прагматик унсурлар.

Шу асосда нутқий системанинг унсурлари уч хил – лисоний, шахсий ва прагматик табиатли бўлиши ҳақидаги хулосага келиш мумкин²⁰⁵.

*Туркистон хонлиги тарихидан хабардор кишиларга маълумдирки, Амир Умархон охир умрида ўз саройидаги ёш канизлардан бирига **муҳаббат кўядир**. Каниз ёш бўлганлиги ва **балозатка етмаганлиги** учун уни **никоҳига ололмай** вақт кутади. Шу кутиб юриш йилларида Умархон **муродига етолмай вафот қилади**, тахтка ўгли Мадалихон минади. Орадан бир неча йиллар ўтиб бояги каниз қиз **балозатка эришади** ва бир ҳуснига ўн ҳусн қўшулиб отанинг боласи бўлган Мадалихонни ҳам ўзига ошиқ қилади. Ўз саройида ўскан бу қизни ёш хон ҳамиша кўз ўнгида юритса ҳам, бироқ...тарихнинг бизга хабар беришига қараганда Мадалихон шу қизнинг **дардида** неча йиллар **ёнади**. Чунки уламолар бу гўзални Мадалига она мақомида ҳисоблаб, нима учундир хоннинг **орзусига кўндаланг келадирлар**: “Отангиз, агарчанди канизни ўз **никоҳларига олмаган** бўлсалар ҳам ва лекин **балозатка эришгач**, оларман, деб ният қилганлар. Бинобарин, бу каниз сизга она мақомида, **шариъат рухсат бермайдир!**” дейди (А.Қодирий. “Меҳробдан чаён”. 9-б.). Парча А.Қодирийнинг етук тарихнавислигини намоён қилган. Тарихий фактни эвфемизмлар орқали шундай ифодалайдики, бу ўринда унинг моҳир сўз усталиги намоён бўлади. **Муҳаббат кўймоқ, дардида ёнмоқ – севмоқ, балозатка етмаганлик – етилмаганлик, никоҳига***

²⁰⁵Омонтурдиев А.Ж. Профессионал нутқ эвфемикаси (чорвадорлар нутқи мисолида): фил.фан. док...дисс. – Тошкент, 2009.

олмоқ – хотин қилиб олмоқ, муродига етолмаслик – хотин қилиб ололмаслик, бирга бўлолмаслик, вафот қилмоқ – ўлмоқ, орзусига кўндаланг келмоқ – васлига етишмаслик, хотин қилиб ололмаслик, шарийъат рухсат бермаслик – хотин қилиб олишига қарши каби гендер эвфемизмлар шахс ва вазият омили бирлигида воқеланган. Зеро, хонлар тўғрисида ёзишда мумкин қадар беозорроқ, мулойим сўзлардан фойдаланишни даврнинг, аниқроғи, нутқ моментининг ўзи тақозо қилган.

Демак, прагматика инсоният томонидан лисоний белгилардан фойдаланишнинг барча шарт-шароит, вазиятларини ўрганишни кўзда тутди. Шарт-шароит, вазиятлардан фойдаланиш дейилганида, лисоний воситалардан уларга мос келадиган, адекват воситалардан фойдаланиш, бу орқали суҳбатдошга коммуникатив таъсир қилиш усул ва воситалари тушунилади²⁰⁶.

Хулоса шуки, нутқ вазияти, ўрни ва бошқа бир қатор омиллар эвфемизмдан фойдаланишга эҳтиёж туғдиради. Эвфемизмнинг нутқий воқеланишида прагматик омиллар бир бутун ҳолда таъсир кўрсатади. Зотан, шахсий омиллар, нутқий вазият, нутқ шароити, нутқ пайти ва нутқ ўрни бир-бирини тақозо этувчи омиллар ҳисобланади. Эвфемизмларнинг нутқий воқеланишини бу омиллар ҳамкорлигисиз таҳлил этиб бўлмайди: бирида шахсий омиллар етакчилик қилса, бирида нутқий вазият ёки нутқ шароити омили олдинга чиқади. Лекин бу омиллар бир-биридан буткул узила олмайди.

3.2.Эвфемизмларда гендер маъно ифодаланишининг лингвокультурологик омиллари

Эвфемизмда гендер маънони ифодалашда тил ва маданият алоқасининг муштараклиги. Лингвокультурология – тилшунослик ва культурология кесишуви асосида пайдо бўлган мураккаб илмий йўналиш. У

²⁰⁶ Қўчибоев А. Матн прагматикаси. – Самарқанд, 2015. – 14-б.

маданият билан тилнинг ўзаро боғлиқлиги ва таъсирини, тилни маданиятнинг феномени сифатида ўрганади. Бу – миллий тил призмаси орқали дунёни маълум даражада кўриш, тилнинг маълум миллат ақл ва маданияти орқали намоён бўлиши²⁰⁷.

XX аср охирида илм-фаннинг фаол ривожланиши билан бирга тилни маданият феномени сифатида ўрганадиган лингвокультурология (маданий лингвистика) фани фаол ривожланиб борди. Бу эса миллий тил призмасидан фойдаланиб дунёни кўриш демак. Мазкур фан доирасида тил нафақат маданият воситаси, балки менталитет вакили сифатида ҳам фаолият кўрсатади. Яъни тил ва маданият доимо ҳамкорликда, тил – менталитетни акс эттира оладиган восита.

Маданиятнинг тилга таъсири турли маданиятларда мулоқот жараёнининг ўзига хослиги, хусусан, сўз ва грамматиканинг баъзи бир хусусиятларида намоён бўлади²⁰⁸.

Маълумки, тил ва маданият – узвий алоқадор ҳодиса. Ҳар бир халқнинг ўзига хос хусусиятлари, урф-одати, маданияти, биринчи навбатда, тилида акс этади. Тилда мавжуд бўлган ҳодисалар – мақол, матал, фразеологизм, тасвирий ифода, ўхшатиш, жумладан, тадқиқотимиз объекти бўлган эвфемизм ҳосил бўлиши ўша халқнинг тарихи, этногенези, маданияти ва тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ.

С.И.Романов²⁰⁹ тилнинг шартли эвфемизациялашуви халқ маданиятига боғлиқлигини ўрганса, А.Ю.Миронина²¹⁰ эвфемизмни тил ва маданият феномени сифатида лингвистик ва лингвокультурологик таҳлил этган. К.В.Киуру²¹¹ халқ онгида аёллик ва эркаклик концепти, кроссгендерлик

²⁰⁷ Акбарова М.И. Ўзбек ва инглиз тилларида атоқли отларнинг лингвомаданий хусусиятлари // Маг.дисс.. – Тошкент, 2015.

²⁰⁸ cyberleninka.ru Романов С.И. Культурная обусловленность эвфемизации речи.

²⁰⁹ cyberleninka.ru Романов С.И. Культурная обусловленность эвфемизации речи.

²¹⁰ cyberleninka.ru Миронина А.Ю. Эвфемизм как явление языка и культуры (лингвистический и лингвокультурологический анализ).

²¹¹ cyberleninka.ru Киуру К.В. Концепты "женственность" и "мужественность" в массовом сознании: кроссгендерное исследование.

тадқиқотлар ҳақида фикр юритса, И.Е.Герасименко²¹² “аёллик” ва “эркаклик” концептини гендер маданияти ва менталитет асоси сифатида талқин этади. Е.С.Зиновьева²¹³ журналлар дискурсида эркак ва аёл тили механизмлари (инглиз ва рус тиллари материаллари асосида) ҳақида изланишлар олиб бориб, эвфемизмда лингвокультурологик омилларнинг намоён бўлишини мисоллар асосида изоҳлаб берган. Э.Қиличев²¹⁴ эса эвфемизмларнинг нутқ маданияти билан бевосита боғлиқлигини таъкидлайди.

Қадимий греклар давридан буён “эвфемизм” термини стилистик кўчма маънодаги сўз ва ибораларни белгилаш учун хизмат қилади. XVI асрнинг 80-йилларида инглиз ёзувчиси Жордж Блаунт томонидан муомалага киритилган риторик ва стилистик *эвфемизм* термини *эвфуизм* термини сифатида ҳам ишлатилиб келинган. Рус терминологиясида у икки орфографик вариантда – *эвфемия* ва *эвфимия* шаклларида ифодаланган²¹⁵.

Кўп вақт воқеликларни айнан ошкор баён этмасликка (табулашга) муайян муомала маданияти, ахлоқ-одоб талаби сабаб бўлади. Шу тамойил бузилган вақтда, нутқ яланғочланган, ўз беагаи: зебу зийнати ва ибосидан ажралган, таъсирчанлигини йўқотган, тингловчида нафрат, ғазаб уйғотган бўлади²¹⁶.

Экспрессив бўёқдорлик билан боғлиқ бўлган сўзлардан бири – эвфемизм. Айтилмоқчи бўлган фикрни юмшоқ ва одоб доирасида ифодалаш эвфемизм саналади. Яъни эвфемизмда қўпол, беадаб, тақик сўз ёки ибора маданий формада пардали қилиб айтилади. Бу ҳол, бир томондан, нутқ

²¹² cyberleninka.ru Герасименко И. Е. Концепты ‘мужественность’ и ‘женственность’ как основа гендерной культуры и ментальности.

²¹³ www.twirpx.com Зиновьева Е.С. Языковые механизмы конструирования маскулинности и феминности в дискурсе глянцевого журнала (на материале английского и русского языков)// диссертация на соискание ученой степени кандидата филологических наук – Ярославль, 2018. – 24 стр.

²¹⁴ Қиличев Э. Ўзбек тилининг практик стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1985. – 63-б.

²¹⁵ cyberleninka.ru Миронина А.Ю. Эвфемизм как явление языка и культуры (лингвистический и лингвокультурологический анализ).

²¹⁶ Омонтурдиев А.Ж. Профессионал нутқ эвфемикаси (чорвадорлар нутқи мисолида): Фил.фан.док.дисс. – Тошкент, 2009. – 46-б.

маданияти билан бевосита боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, тилнинг бадиий тасвир воситалари билан ҳам алоқадор²¹⁷.

Эвфемизм алмашинуви ҳодисаси экстралингвистик ва лингвистик муаммолар марказида туради, чунончи, улар ижтимоий ясалишга эга. Эвфемистик иборанинг ҳосил бўлиши жамиятнинг аниқ бир ривожланиш босқичидан гувоҳлик беради, бу тарихчи, этнограф, психолог, социолог ва лингвистларнинг эвфемизмларни ўрганишга бўлган қизиқишларини белгилаб беради²¹⁸.

Кўринадики, эвфемизмлар – ҳар бир тилнинг бойлиги, сўз қўллаш маҳорати, халқнинг маънавияти, маданиятини намоён қилувчи кўзгу. Нутқ кўрки бўлган эвфемизмда гендер маъно воқеланиши ўша миллатнинг тил ва маданияти билан узвий боғлиқ бўлади. Ўзбек халқи ўзининг ҳалимлиги, юқори маданият соҳиби эканлиги билан алоҳида ажралиб туради. Бу эса нутқда эвфемизм, унинг гендер маъно ифодаланишининг салмоғи ошишига хизмат қилувчи асосий омиллардан бири.

Эвфемизм турғун (ўз) ёки шартли (кўчма) маъноли бўлади. Шартли эвфемизмда эмоционал-экспрессивлик кучли ифодаланади. Хотин-қизлар физиологик ҳолатини ифодаловчи *бўғоз, қорнида боласи бор* каби сўз ва ибораларни ишлатиш анча ноқулай. Шунинг учун уларнинг ўрнида *иккиқат, оғироеқ, ҳомиладор, бошқоронги, дужон, юкли* каби эвфемизмларни ишлатиш нутқни маданийлаштиради, сўзловчини ноқулайликдан қутқаради²¹⁹.

Ўзбек тили эвфемизмларида гендер маънони ифодалашда тил ва маданият алоқасининг муштараклиги нутқнинг этик-эстетик талаби билан юзага чиқади. Қуйидаги матнларга эътибор берайлик:

1.Бепуштлиқ, туғмаслик, туғдира олмаслик – вояга етган организмнинг насл (авлод) қолдиришига ожизлиги. Одамда бир маромда (меъёрий) жинсий ҳаёт кечириб, буйида бўлишдан сақланиш воситалари

²¹⁷ Қиличев Э. Ўзбек тилининг практик стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1985. – 63-б.

²¹⁸ cyberleninka.ru Миронина А.Ю. Эвфемизм как явление языка и культуры (лингвистический и лингвокультурологический анализ).

²¹⁹ Қиличев Э. Ўзбек тилининг практик стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1985. – 63-б.

(контрацепция)дан фойдаланмай, камида 2 йил **бирга туриб фарзанд кўрмаслик** “беушитлик” ҳисобланади. Беушитлик эркакларда ҳам, аёлларда ҳам учрайди (интернетдан). 2. Унсин бошини кўтариб, бало-қазодай тикилиб турган додхога бир кўз ташлади-ю, яна бошини эгиб, лекин дадил жавоб берди:

– **Жавоб берсангиз...** Ганжиравонга кетсам... Битта гўрга битта пичоқ эмас, ўнта гўрга ўнта пичоқ санчиб келаман... - деди. Унинг мақсадини кундошлар дарров фаҳмлашди. Лекин додхо бундай гапни сира кутмагани учун янглиш тушунди.

– Тагин нима қиласан Ганжиравонда, бориб келганинга икки ой ҳам бўлгани йўқ-ку!...

– **Йўқ, мен буткул кетсам дейман, жавобимни берсангиз** демоқчиман (А.Қаҳҳор. “Даҳшат”). 3. –**Ахир, бошқоронги бўл**, эвида бўл-да! - деди дўпписини қоқмасдан бошига кийиб. – **Анор, анор...** Бир қадоқ анор фалон пул бўлса! Саҳаримардондан сув ташиб, ўтин ёриб, ўт ёқиб бир ойда оладиганим ўн саккиз танга пул. Акам бўлмаса, укам бўлмаса... (А.Қаҳҳор. “Анор”).

4. **Туробжон тугунчани орқасига бекитиб, тегшиди:**

–**Акажон, дегин!**

–**Акажон! Жо-он ака!..**

–**Нима берасан?**

–**Умримнинг ярмини бераман!..**

Туробжон тугунчани берди. Хотини шу ернинг ўзида, эшик олдида ўтириб тугунчани очди-да, бирдан бўшашиб кетди ва секин бошини кўтариб эрига қаради (А.Қаҳҳор. “Анор”).

Ўзбек халқи маданиятида бировнинг кўнглига, нафсониятига тегмай, озор бермай сўзлаш миллий хусусият ҳисобланади. Мана шу ҳалимлик эвфемизм яратилиши ва унинг нутқда қўлланишини тақозо этади. Биринчи мисолда аёл ва эркакнинг жинсий камчилиги (аёлдаги “қисирлик”, эркакдаги “ҳезалаклик”) юмшатилиб, **беушитлик, насл (авлод) қолдиришига ожизлик, фарзанд кўрмаслик** эвфемизмлари билан ифодаланган. **Жинсий ҳаёт**

кечирмоқ, бирга туриб эвфемизмлари эр-хотиннинг жинсий алоқа қилиши маъносида, бўйида бўлмоқ “бўғоз”, “ҳомиладор” тушунчалари ўрнида қўлланган.

Иккинчи парчада Унсиннинг жавоб берсангиз, буткул кетсам дейман эвфемизми орқали “мен билан ажрашинг”, “сиз билан яшамайман”, “талогимни беринг” каби маънолар реаллашади. Аммо додхоҳнинг важоҳати бу каби бирикмаларни қўллашга йўл қўймайди. Қолаверса, эр қандай шахс бўлишидан қатъи назар, ўзбек аёли унга ҳурмат ва итоатда бўлади. Шу сабабдан қахрамон эвфемалашган бирликка мурожаат этади.

Учинчи мисолда эса бошқоронги бўл ифодаси – аёлда ҳомиладорликнинг дастлабки ойларида бўладиган ҳолат, аҳвол (мас. бирор нарсани тусаш ёки унга тоқат қилолмаслик)нинг юмшатиш варианты. Эр хотинининг инжиқлигига қарамай, унга қўпол сўзни тўғридан-тўғри қўлламайди. Бу ҳолат ҳам – ўзбекларда эрнинг хотинга бўлган ҳурматидан далолат.

Охирги мисолга эътибор берадиган бўлсак, хотин эрига “ака” деб мурожаат қилган. Ўзбек маданиятида эр – оила бошлиғи, хотин унинг исми билан мурожаат қилиши – табу. Шу ўринда эр ҳам хотинини исми билан чақирмайди. Исмининг ўрнида эр “онаси”, “аёлим”, “жуфти ҳалолим”, “бекам”, “ойиси” каби, хотин эса “дадаси”, “хўжайин”, “бегим”, “Сиз”, “Ўзлари” сингари гендер эвфемалардан фойдаланиши – маданиятнинг юқори кўринишларидан бири. Олим А.Омонтурдиев эр-хотин фарзандларининг номи билан аталишини ҳам эвфемалаштиришнинг бир кўриниши сифатида баҳолайди²²⁰. Бу ҳолатни ҳам ўзбек оилаларида кўп учратиш мумкин. Мана шу гендер эвфемалар орқали ўзбек халқида оиланинг ўрни муҳимлиги, эр-хотиннинг бир-бирига чексиз ҳурмати, ҳеч қайси миллатга ўхшамайдиган мурожаат шакллари бўй-басти билан намоён бўлади.

Демак, тушунчалар, жумлдан, мурожаат атамаларининг юқоридагидек табулашиш ва эвфемалаштириш жараёнлари нутқнинг этик-эстетик, яъни узок

²²⁰ Омонтурдиев А.Ж. Профессонал нутқ эвфемикаси (чорвадорлар нутқи мисолида): Фил.фан.док.дисс. – Тошкент, 2009. – 50-б.

давом этиб келаётган муайян удум, расм-русм, ахлоқ-одоб талаби асосида юз беради.

“Эвфемизм” термини европа маданиятида бир неча маънода қўлланади. Масалан, Демокрит фикрича, фалсафий термин сифатида *эвфимия* сўзи қалб осойишталиги, хушчақчақлик, ҳақиқий бахт-саодатни билдиради. Шу билан бирга, мазкур терминнинг бошқа фонематик *эвтюмия* варианты ҳам мавжуд, у “инсон интиладиган зарур яхши руҳий ҳолат”ни билдиради. Юридик термин сифатида эвфемия сўзи Византияда халқнинг давлат ҳукмдорларига бўлган хушмуомала расмий илтимосини билдирган, яъни уларнинг давлат сиёсатига нафақат исён ва қўзғолон орқали, балки қонуний йўл билан аралашини ифодалаган²²¹. Кўринадики, бу ҳодиса фалсафий, юридик термин сифатида ҳам мулойимликка хизмат қилади.

Айтиш мумкинки, эвфемизация ҳодисаси орқали турли халқлар маданиятини таҳлил қилиш мумкин. С.П.Корнейчукнинг таъкидлашича, эвфемизмлар “турли халқлар табиатини таҳлил қилишга ёрдам берадиган шундай лингвистик феноменки, айнан мазкур лексик қатлам мазкур жамиятда ўз ўрнига эга бўлиб, “ёқимли” ва “ёқимсиз” нарсаларни сезиб, “вазиятни” юмшатишга ҳаракат қилади”²²².

Лингвокультурологик ёндашув эвфемиянинг турли тилларда миллий-маданий ўзига хослигини кўриб чиқишга имкон яратади. Дунёнинг лингвистик миллий ўзига хос манзараси ва турли тил эгалари нутқий хулқ-атворини ўрганиш эса замонавий тилшуносликнинг долзарб вазифасидир.

“Эркаклик” ва “аёллик” маданий концепт сифатида. Тушунча ва концепт терминлари этимологик жиҳатдан тарихий дублет сўзлардир.

Н.Ю.Шведованинг янги семантик луғатида бу икки атамага қуйидагича изоҳ берилган: “Концепт – бу сўзнинг мазмунли томони бўлиб (маъно – бир ёки бир неча яқин бўлган маънолар комплекси), унинг ортида концепция

²²¹ cyberleninka.ru Миронина А.Ю. . Эвфемизм как явление языка и культуры (лингвистический и лингвокультурологический анализ).

²²² cyberleninka.ru Романов С.И. Культурная обусловленность эвфемизации речи.

(яъни, ҳақиқий ҳодисаларнинг муҳим “ақл-идрок” хусусиятларини, шунингдек, улар ўртасидаги муносабатни белгилайдиган ғоя) инсон мавжудлигининг ақлий, маънавий ёки муҳим моддий соҳасига тегишли, унинг ҳаётида тарихий илдишларга эга бўлган халқнинг ижтимоий тажрибаси билан ишлаб чиқилган ва мустаҳкамланган”²²³.

С.А.Аскольдовнинг “Концепт и слово” мақоласида биринчи бор когнитив лингвистика муаммоларининг бири сифатида концепт сўзига “концепт – фикрлаш жараёнида бизга айтилган бир турдаги кўпдан-кўп предметларнинг ўрнини босадиган фикрий ҳосила” деб таъриф беради²²⁴.

Бизнингча, концепт маълум ҳодисалар билан бевосита ва билвосита алоқадор, тушунчадан кенгроқ ҳодиса. Концепт – кенгайган тушунча.

Фалсафий, психологик, маданий матнларда баъзи стереотипик гендер тушунчалари кузатилади. Масалан, Аристотель “О рождении животных” асарида қуйидагиларни таъкидлайди: “Аёллар ва эркеклар тамойили ўз хосланганлиги жиҳатидан турлича бўлиб, биринчиси биологик (материя билан боғлиқ) томондан, иккинчиси эса маънавий, шакл жиҳатдан фарқ қилади”. Бу фикрни Н.А.Бердяев, В.В.Розанов, В.И.Иванов каби тадқиқотчи-олимлар ҳам маъқуллашган. “Эркеклик нуқтаси/аёллик нуқтаси” оппозицияси кўпчилик тадқиқотчиларда “бошлаб берувчи/қабул қилувчи”, “ҳаракатчан/рецептив”, “фаол/пассив” деб талқин қилинади. Гендер стереотипларни таҳлил қилишда қуйидаги оппозициялар ҳам муҳим роль ўйнайди: “мантикийлик/сезгирлик”, “мавҳумлик/конкретлик”, “онглилик/онгсизлик”, “ҳукмронлик/қарамлик”, “саранжомлик/хаос (тартибсизлик)” каби иборалар билан аёл ва эркек анъанавий равишда таққосланади²²⁵.

²²³ www.infolex.ru Демьянков В.З. Термин «концепт» как элемент терминологической культуры // Вопросы филологии, 2001. № 1. С.35–47.

²²⁴ Аскольдов С.А. Цит.по: З.И. Журавлёва. Концепт в лингвокультурологии // II Международная научная конференция «Язык и культура». – М.: Институт иностранных языков, 2003. – С. 261-262.

²²⁵ cyberleninka.ru Герасименко И. Е. Концепты «мужественность» и «женственность» как основа гендерной культуры и ментальности.

Турли халқлар маданиятида, аёл концептининг бир қатор масалалари тилшунос, социолог, ҳуқуқшунос, исломшунослар томонидан ўрганилган. Жумладан, аёл концептини Ф.Б.Мухутдинова²²⁶ француз лингвомаданиятшунослигида, В.В.Васюк²²⁷ инглиз лингвомаданиятида, Л.В.Адолина²²⁸ рус лингвомаданиятшунослигида, Е.В.Белик²²⁹ инглиз лингвомаданиятшунослиги аспектида талқин қилишган бўлса, Р.С.Ибрагимова²³⁰ француз ва ўзбек тилларида аёл концептини қиёсий-чоғиштириш йўли билан ўрганган. У илк бор лисон ва маданиятда аёл концептини қиёсий тадқиқ қилишда жамиятга тааллуқли барча билимлар мажмуини ўзида ифода этган когнитив системага асосланган.

XX асрнинг иккинчи ярмида илм-фан томонидан ижтимоий шахс сифатида инсонни шакллантиришда биологик омил эмас, балки маданият катта роль ўйнаши исботлаб берилди. Айниқса, маданият ташқи муҳит ва долзарб вазиятни ҳисобга олган ҳолда ижтимоий жиҳатдан инсоннинг табиий хусусиятларини белгилайди ва бошқаради. Ҳозирги кунда фан қуйидаги жинсларни фарқлайди:

1) биологик, репродуктив жинс, эркак ёки аёл сифатида шахснинг ҳолати;

2) эркак ва аёлнинг муайян жамиятдаги шахсий, ижтимоий ва ҳуқуқий мақомини белгилайдиган ижтимоий жинс²³¹.

Россияда гендер тадқиқотларининг сўнгги йилларда пайдо бўлиши бир неча сабабларга боғлиқ: рус лингвистикасида постмодерник дискурсининг

²²⁶ Мухутдинова Ф.Б. Концепт «Женщина» во французском языковом сознании (на материале афористики): Автореф. ...дис. канд. филол. наук. – М., 2006. – 21 с.

²²⁷ Васюк В.В. Концепт «женщина» в статике и динамике фразеологии английского языка: автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М., 2002. – 24 с.

²²⁸ Адолина Л.В. Концепт "женщина" в русском языковом сознании: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Воронеж: 2007. – 23 с.

²²⁹ Белик Е.В. Лингвокультурологические особенности лексики и фразеологии современного английского языка (на материале лингвокультурологического поля «мужчина и женщина» // Автореф. ... дис. канд. филол. наук. – М., 2003. – 23 с.

²³⁰ Ибрагимова Р.С. Француз ва ўзбек тилларида аёл концептининг лингвокогнитив тадқиқи // Фил. фан. ном. дисс. ... автор. – Тошкент, 2012.

²³¹ cyberleninka.ru Киуру К.В. Концепты "женственность" и "мужественность" в массовом сознании: кроссгендерное исследование.

йўқлиги, рус илмий ва маданий анъаналарида жинснинг махсус предмет сифатида камроқ муҳокама қилиниши ва ҳ.

М.Фуконинг айтишича, ғарб маданиятида жинснинг муаммолаштирилиши узок ўтмишга эга, ушбу билим, институтлар тарихий хилма-хиллик сифатида намоён бўлади.

Аккумулятив функцияни бажарувчи тил, муайян гендер стереотипларини белгилаб беради.

Инсон эркак ёки аёл бўлиб туғилади, кейинчалик уларда маданият таъсирида маскулинлик ва фемининлик хусусиятлари шакллана боради²³².

Ҳар бир маданиятда аёл ва эркакнинг ўзига хос ўрни ва мавқеи бор. Маълумки, эркаклик тамойили барча динлар ва маданиятларда устунликка эгадир.

Тадқиқотчи К.В.Киуру рус тилида сўзлашувчи эркак ва аёл тилининг хусусиятларини аниқлаш мақсадида уюшма томонидан ишлаб чиқилган методологияга мувофиқ тажриба ўтказиб, ундан олинган натижаларни индуктив усул асосида бир неча семантик соҳалар бўйича гуруҳлайди. Шу билан бирга, тез-тез ишлатиладиган бирликларни аниқлаб, алоҳида гуруҳлар ташкил этади.

Таҳлил 64 анкета материали асосида олиб борилган (унда 21 та эркак ва 43 та аёл қатнашган). Уларнинг барчаси Челябинск шаҳрида истиқомат қилиб, олий маълумотга эга. Ёши 18 дан 25 гача. Олинган маълумотлар аёлларнинг “аёллик”, эркакларнинг “аёллик” стимулига бўлган муносабати, аёлларнинг “эркаклик”, эркакларнинг “эркаклик” стимулига бўлган муносабати тарзида таҳлил этилган.

Натижаларда гендер ролидан қатъи назар, барча ахборот берувчи аёлликка гўзаллик ва нозиклик билан муносабат билдиради. Ҳар иккала жинсдаги шахслар жавобларида *гўзаллик* сўзи кўпроқ учрайди.

²³²Ибрагимова Р.С. Француз ва ўзбек тилларида аёл концептининг лингвокогнитив тадқиқи// Фил. фан.ном. дисс...автор. – Тошкент, 2012.

Эркаклик стимулига ҳар иккала жинс кўпроқ куч, жасорат сўзларини ишлатган²³³.

Демак, рус тилида ҳар иккала жинс вакиллари онгида аёллик стимулига бўлган муносабат, биринчи навбатда, гўзаллик, жозоба каби сўзлар билан боғлиқлиги кузатилади.

Ўзбек эркак ва аёллари орасида ўтказган кичик тажрибамизда қатнашган 50 нафар реципиент (эркак 25 нафар, аёл 25 нафар; ўрта ва олий маълумотли 25 ёшдан 60 ёшгача) натижалари асосида шуни аниқладикки, 95 % қатнашувчидан эркаклар аёл деганда *сабрлилик, вафодорлик, матонат, қаноатлилик, меҳрибонлик, нозиклик, назокат, олижаноблик* каби хусусиятларни санашса, аёллар эркак тушунчаси билан боғлиқ ассоциацияларда *жасурлик, бирсўзлилиқ, вазминлик, сардорлик, оилапарварлик, бақувватлик* каби ижобий сифатларни эътироф этишган. Бу ассоциациялар инсон онгида ўз-ўзидан пайдо бўлмаган, албатта. Икки жинс вакилларининг асрлар давомида шаклланган ва бир-бирига ўтиб келган инсоний хусусияти, характери асосида “эркаклик” ва “аёллик” маданий концепт сифатида эътироф этилган. Аммо натижалар орасида 5% реципиент ўзининг қарама-қарши жинсига нисбатан салбий ассоциациясини ифодалаган. Аёллар эркакларнинг *хотинбоз, қўпол, ичувчи, дангаса* каби сифатларини санашса, эркаклар аёлларни *бузуқ, п//фалакат, шошқалоқ, хиёнатчи* сингари салбий ассоциацияларни келтиришган. Бу ҳолат жамиятда “эркаклик” ва “аёллик” маданий концептида симметриянинг бузилиши, яъни жинс вакиллари ўзларига хос бўлмаган хусусиятларга эгаликлари билан баҳоланади. Бундай номувофиқлик кам миқдорда бўлса-да, деярли барча маданиятда учрайди.

Хуллас, ўзбек эркаклари онгида аёллик стимулига бўлган муносабат, биринчи навбатда, сабрлилик, вафодорлик каби сўзлар билан, аёллар онгида

²³³cyberleninka.ru Киуру К.В. Концепты "женственность" и "мужественность" в массовом сознании: кроссгендерное исследование.

эса эркаклик стимулига бўлган муносабат ботирлик, вазминлик каби сўзлар билан боғлиқлиги кузатилади.

Хулоса шуки, тадқиқотчилар фикрини умумлаштириб, эркак ва аёлнинг ўз менталитетига хос хусусиятларини, қуйидагича кўрсатиш мумкин. Эркак: 1) мустаҳкам, мантиқий асосланган далилларга йўналтирилган; 2) бутун оламни кўришга ҳаракат қилади; 3) сўзлар ва ҳис-туйғуларга эмас, муҳим натижаларга таянади; 4) мумкин бўлган расмий муносабатларни (ҳам позитив, ҳам негатив) тўғри баҳолайди.

Аёл: 1) мулоқотни ҳиссий жиҳатдан қабул қилади; 2) тафсилотлардан таъсирланади; 3) ҳис-туйғуларга берилади; 4) ҳар қандай мулоқот турига завқ-шавқ билан қарайди. Юқоридаги объектив ментал хусусиятлар эркак ва аёл ўртасидаги қарама-қаршиликлар учун асос бўла олади²³⁴.

Ўзбек тили эвфемизмларида гендер маъно воқеланишида мулойимлик тамойилининг етакчилиги. Охирги ўн йилларда эвфемияни ўрганишга бўлган қизиқиш тез суръатда ўсиб борди. Айниқса гендер-мулойимлик эвфемизмлари, уларнинг ижтимоий хусусиятлари, турли жинс вакилларига нисбатан қўлланилишини ўрганиш олимларни қизиқтириб кўйди.

Ҳозирги вақтда эвфемия муаммоси маҳаллий ва хорижий тилшунослар Б.А.Ларин, А.М.Кацев, Л.П.Крисин, В.П.Москвин, S.Brunet, O. Jespersen, D.Cameron ишларида тақдим этилган. Эркак ва аёл нутқининг хушмуомалалик жиҳатидан нисбати кўплаб тилшунослар нуқтаи назарида – Е.А.Земская, А.П.Мартинюк, S.Debras, S.Beauvoir – хушмуомалалик тамойили асосида яратилган²³⁵.

Муносабатларнинг хушмуомалалик категориясида одоб-аҳлок, ўзини тутиш, мулозаматлилиқ, камтарлик, ширин сўзлик сингари қоидаларга риоя қилинади.

²³⁴ cyberleninka.ru Герасименко И. Е. Концепты «мужественность» и «женственность» как основа гендерной культуры и ментальности.

²³⁵ Якубина Т.А., Синельников Ю.Г. Эвфемизмы как фактор реализации принципа вежливости в языке женских изданий (на материале французского языка). – Тамбов: Грамота, 2010. № 1. – С. 233-235.

Маълумки, эркак ва аёл, кўпинча, нутқида бир хил тушунчаларни турли хил ибора билан атайди. Ҳозирги вақтда гендер лингвистикаси – кенг кўламли тадқиқот олиб борилаётган мустақил илмий йўналиш. Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича, аёл мулоқот услубининг ўзига хос хусусиятидан бири – хушмуомалалик тамойили ёки ҳамкорлик тактикаси²³⁶.

Гендер-мулойимлик эвфемизмлари аёл ва эркакка нисбатан ишлатилишига қараб мулойимлик нуқтаи назаридан белгиланади.

Г.А.Вильданова гендер-мулойимлик эвфемизмларини таснифлаш уларни икки гуруҳга ажратишга имкон яратганини кўрсатади:

- 1) замонавий хушмуомалалик эвфемизмлари;
- 2) анъанавий эвфемизмлар²³⁷.

Уларнинг прагматик таҳлили ишлатилишида фарқ борлигини кўрсатиб берди. Яъни мазкур эвфемизмлар асосида мулойимлик тамойили ётади. Г.Н.Мухамедьянованинг бунда “ижобий” ва “позитив” тушунчалари билан боғлиқ “шахсий эвфемия” ва “салбий эвфемия”ни (П.Браун ва С.Левинсон назарияси) ажратиш кераклигини таъкидлайди. П.Браун ва С.Левинсон позитив хушмуомалаликни сўзловчи ва тингловчининг тил бирдамлиги муваффақияти, деб билишади.

Г.Н.Мухамедьянованинг фикрича, хушмуомалалик эвфемизмлари, умумистеъмолдаги эвфемизмлар сингари позитив йўналишга эга, ижобий хушмуомалалик тамойили асосида яратилган.

О.Ф.Иванова эса хушмуомалалик эвфемизмларини сўкинмаслик тамойилига асосланган қандайдир ихтиёрий шартнома деб билади.

Таъкидлаш жозки, гендер хушмуомалалик эвфемизмлари ҳар доим ҳам сўзловчининг суҳбатдошига нисбатан ҳурматини билдирмайди. Чунки бу хушмуомалалик тезауруси аллақачон стандарт одоб-ахлоқ формуласига

²³⁶ Якубина Т.А., Синельников Ю.Г. Эвфемизмы как фактор реализации принципа вежливости в языке женских изданий (на материале французского языка а). –Тамбов: Грамота, 2010. № 1. – С. 233-235.

²³⁷ cyberleninka.ru Вильданова Г.А. Гендерно-вежливые эвфемизмы в прагматическом аспекте (на материале английского языка).

айланиб бўлган. Бу эса позитив хушмуомалалик ҳозирги кунда негатив хушмуомалалик доирасига кириб борганлигидан далолат беради²³⁸.

О.Есперсен эркак ва аёл нутқи фарқини ўрганишга катта ҳисса қўшди. У эркак ва аёл маълум маънода турли тилларда гапиришади, деган хулосага келди: гапларни турлича тузишади, бир хил маънони ифодалаш учун ҳар хил тил воситаларини қўллашади, аёллар нутқида тил табуларининг ишлатилиши ўзига хос бўлиб, улар кўпроқ анъанавий тил кодаларидан фойдаланишади. Муаллиф фикрича, аёллар, эркаклардан фарқли ўларок, эвфемизмларга кўпроқ мойил, фақатгина муайян ҳодисаларга салбий муносабатини ифодалаш учун дисфемизмларга мурожаат этишади.

Р. Лакофф “Language and the role of woman in it” (“Тил ва унда аёлнинг ўрни”) номли илмий ишида аёллар нутқининг хусусиятларини кўриб чиқади. Олим аёлларнинг мулоқотда ишончсизлиги ва ўта мулойим бўлишини таъкидлаб, тил воситаларини танлашда аёлларнинг ижтимоий тенгсизлиги намоён бўлади, деган хулосага келади²³⁹.

Эвфемизмнинг пайдо бўлишида мулойимлик тамойили етакчилик қилади. Чунки салбий воқеликни юмшоқ тарзда етказиш эвфемизм асосини ташкил қилади. Ўзбек тили эвфемизмларида гендер маъно воқеланишида мулойимлик тамойилининг етакчилигини мисолларда кузатиш мумкин. Масалан, *белдан наст* эвфемизми аёлларнинг уятли аъзоси, авратини ифодалашга, *бокира* эркак қўли тегмаган, эр кўрмаган қиз, *боши очик (бўш)* эрсиз ёки эридан ажралган хотин, *бошқоронги* эвфемизми баъзи аёлларда ҳомиладор (бўғоз; иккиқат)ликнинг дастлабки ойларида бўладиган ҳолат, аҳвол, *бўйида бўлмоқ* ҳомиладор (бўғоз; иккиқат) бўлмоқ, қорнида ҳомиласи бор ҳолат, уруғланган тухум ҳужайранинг она организмда ривожланиб, етук ҳомилага айланишидан иборат физиологик жараён, *гулини сўлдирмоқ*

²³⁸ cyberleninka.ru Вильданова Г.А. Гендерно-вежливые эвфемизмы в прагматическом аспекте (на материале английского языка).

²³⁹ Якубина Т.А., Синельников Ю.Г. Эвфемизмы как фактор реализации принципа вежливости в языке женских изданий (на материале французского языка). – Тамбов: Грамота, 2010. – № 1. – С. 233-235.

“зўрламоқ”, “мажбурлаб қизлигини олмоқ”, “бадном қилмоқ” маъносида, *жинсий алоқадан маҳрум* эвфемизми “хезалак”, “жинсий ожиз”, “жинсий алоқа қила олмайдиган эркак” маъносида, *йигитлигини бермоқ* “умрида биринчи марта жинсий алоқа қилиш”, “*лойи*” *бўш эркак*“ эвфемаси хотини томонидан бошқариладиган, унинг измидан чикмайдиган, ўзининг мустақил фикри, йўлига эга бўлмаган маънан заиф эркак”, *маржабозлик* эвфемизми “хотинбозлик, бегона хотин-қиз билан айш-ишрат қилиш, ноқонуний бир неча аёл билан бузуқлик қилмоқ” маъносида қўлланиб, гендер-мулойимлик эвфемизмлар сирасини ташкил этади.

Таҳлиллар асосида айтиш мумкинки, ўзбек тили эвфемизмлари эркак ва аёлга хос хусусиятларни – ташқи кўриниш, характер, физиологик ҳолат, табиатни – бирдек ифодалашни билан характерланади. Эвфемизмлар фақат аёллар тилида ва уларга хосланган дейишдан йироқмиз. Тўғри, аёллар мулойим сўзлаши, воқеа-ҳодисани тўғридан-тўғри ифодаламай, юмшоқ етказиши нуқтаи назаридан эвфемизмларга кўп мурожаат этишади. Аммо эркакларнинг руҳий ҳолати, ёши, физиологик ҳолатини ифодалашда ҳам эвфемизмларга кўп эҳтиёж сезилади.

Анъанавий гендер хушмуомалалик эвфемизмларининг прагматик таҳлили жараёнида баъзи алоҳида ҳолларда хушмуомалалик тамойили сўз ўйини, киноя ва сўз тежаш билан биргаликда қўлланилишини пайқаш мумкин²⁴⁰.

Ўзбек тилида ҳам киноя орқали эвфемизм воқеланиши мумкин. Бунда киноя эвфемик характер касб этади. Масалан, “*командир*”, “*раис*” киноя-эвфемалари эркакларнинг ташқи кўриниши, яъни қорин қўйиб олган, беўхшов кўринишли эркакка нисбатан қўлланилади.

Командир, сиз нима десангиз шу-да! (сўзлашувдан)

О-о-о, раис бува бўлибсиз-ку! (сўзлашувдан)

Бундай ҳолатда киноянинг прагматик тамойили мулойимлик тамойили билан тўқнашиб, унинг таъсирини пасайтиради. Г.Вильданованинг фикрича,

²⁴⁰www.dslib.net Горшунов Ю.В. Прагматика аббревиатуры. – М., 1999.

эвфемистик эффект (таъсир) киноя сўзловчининг ўзига қаратилган ёки маълум контекстда у мувофиқ бўлган тақдирда кучаяди²⁴¹.

Демак, ўзбек тили эвфемизмларида гендер маъно воқеланишида мулойимлик тамойили етакчи ўрин тутди. Мулоқотда киноянинг ишлатилиши эса адресатнинг танқидий баҳосини яширади, бу орқали гендер-мулойимлик эвфемизмлари салбий тушунчаларни юмшатишга хизмат қилади.

3.3. Эвфемизмларда гендер маънонинг юзага чиқишида лисоний ва прагматик омиллар уйғунлиги

Эвфемизмда гендер маънонинг воқеланишида лисоний омилларнинг ҳамкорлиги. Нутқий системада лисоний ва нолисоний омиллар ҳамкорлиги масаласи жаҳон тилшунослигида П.Грайс²⁴², Ж.Р.Серль²⁴³, Д.Франк²⁴⁴, Дейк Тён ван²⁴⁵, И.М.Кобозева²⁴⁶, С.Д.Кацнельсон²⁴⁷, А.А.Леонтьев²⁴⁸, Л.В.Щерба²⁴⁹, Н.Д.Арутюнова²⁵⁰, В.В.Богданов²⁵¹, Н.И.Формановская²⁵², С.Каган²⁵³, Л.П.Крисин²⁵⁴,

²⁴¹ cyberleninka.ru Вильданова Г.А. Гендерно-вежливые эвфемизмы в прагматическом аспекте (на материале английского языка).

²⁴² Грайс Г.П. Логика и речевое общение // Новое в зарубежной лингвистики. Вып. 16. Лингвистическая прагматика. – М.: Прогресс, 1985. – С.217 – 237.

²⁴³ Серль Дж.Р. Косвенные речевые акты // Новое в зарубежной литературе. – М.: Прогресс, 1986.

²⁴⁴ Франк Д. Семь грехов прагматики: тезисы о теории речевых актов, анализе речевого общения, лингвистике и риторике // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. XVII. Теория речевых актов. – М.: Прогресс, 1989. – С.363 – 373.

²⁴⁵ Дейк Тён ван Язык. Познание. Коммуникация. – М.: Прогресс, 1989. – 312 с.

²⁴⁶ Кобозева И.М. «Теория речевых актов» как один из вариантов теории речевой деятельности // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 17. – М.: Прогресс, 1989. – С.7- 21.

²⁴⁷ Кацнельсон С.Д. Типология языка и речевое мышление. – Л.: Наука, 1980. – С.3-30.

²⁴⁸ Леонтьев А.А. Психология общения. – Тарту, 1973. – 208 с.

²⁴⁹ Щерба Л.В. Языковая система и речевая деятельность. – Л.: Наука, 1974. – 428 с.

²⁵⁰ Арутюнова Н.Д. Метафора и дискурс // Теория метафоры. – М.: Прогресс, 1990. – С.5- 32.

²⁵¹ Богданов В.В. Функции вербальных и невербальных компонентов в речевом общении // Языковое общение: единицы и регулятивы. – Калинин, 1987. – С.18- 25.

²⁵² Формановская Н.И. Функциональные и категориальные сущности устойчивых формул общения: Автореф. дисс... докт... филол. наук. – М., 1979.

²⁵³ Каган М.С. Мир общения. – М.: Политиздат, 1988. – 138 с.

²⁵⁴ Крисин Л.П. Речевое общение и социальные роли говорящих // Социально-лингвистическое исследование. – М.: Наука, 1976. – С.42- 52.

А.М.Бушуй²⁵⁵, ўзбек тилшунослигида С.Иброҳимов²⁵⁶, Р.Қўнғуров²⁵⁷, И.Қўчқортоев²⁵⁸, Ғ.Абдурахмонов²⁵⁹, Т.А.Бушуй²⁶⁰, Ш.Сафаров²⁶¹, Ш.Искандарова²⁶², С.Мўминов²⁶³, Б.Раҳматуллаева²⁶⁴, М.Камолова²⁶⁵, Р.М.Авезджанова²⁶⁶, Д.Тешабоева²⁶⁷, З.Ҳ.Утешева²⁶⁸, З.Акбарова²⁶⁹ каби лингвистларнинг ишларида учрайди²⁷⁰.

Кишилар ўртасидаги алоқа воситалари воқеликни баён этиш – уни ифодалаш усули даражасига кўра бир-бири билан узвий боғланган уч қатлам: тил (хабар, алоқа), нутқ (муносабат, мулоқот), супернутқ (эвфемик, экспрессив-эмоционал муомала)дан ташкил топади. Нутқ тилнинг, эвфемик қатлам эса нутқнинг эволюциясидир. Эвфемик нутқ тафаккурнинг, инсон ақл-заковатининг олий формаси, «қаймоғи», воқеликнинг пардозланган,

²⁵⁵Бушуй А.М. Проблематика теории речевой деятельности в интерпретации А.С.Супруна // Русский язык и литература в школах Кыргызстана. – Бишкек, 1999. №5 – 6. – С.143- 155.

²⁵⁶Иброҳимов С. Ўзбек тили нутқ маданиятига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. 1964. №5. – Б.20 - 23.

²⁵⁷Қўнғуров Р. Ўзбек тили стилистикасидан очерклар. – Самарқанд, 1975. – 240 б.

²⁵⁸Қўчқортоев И. Бадиий нутқ стилистикаси. – Тошкент: Фан, 1975. – 96 б.

²⁵⁹Абдурахмонов Ғ. Ўзбек адабий тилининг стилистик нормалари // Ўзбек тили нутқ маданиятига оид масалалар. – Тошкент, 1973. – Б.51- 55.

²⁶⁰Бушуй Т.А. Лексическая прагматика как общелингвистический объект // Хорижий тил таълимининг когнитив-прагматик тамойиллари. – Самарқанд, 2007. – Б.35 - 40.

²⁶¹Сафаров Ш. Система речевого общения. Универсальное и этноспецифическое. – Самарқанд, 1991. – 170 с.

²⁶²Искандарова Ш. Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Самарқанд, 1993. – 28 б.

²⁶³Мўминов С.М. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари: Филол. фан. докт... дисс. автореф. – Тошкент, 2000. – 20 б.

²⁶⁴Раҳматуллаева Б.Х. Этикетные формы обращения и привлечения внимания в современном русском языке (в сопоставлении с узбекским): Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1992.

²⁶⁵Камолова М. Особенности формирования коммуникативной компетенции при обучении культуре узбекской учащихся лицеев с русским языком обучения. – Тошкент, 2004.

²⁶⁶Авезджанова Р.М. Обучение русскому речевому этикету студентов национальных групп педвузов: Автореф. дисс... канд. пед. наук. – Ташкент, 1991. – 24 с.

²⁶⁷Тешабоева Д.М. Культура составления деловых писем в торговой сфере. – Ташкент, 2008. – 112 с.

²⁶⁸Утешева З.Ҳ. Лингвокультурологический аспект в методике обучения речевого этикета на иностранном языке: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 2009. – 26 с.

²⁶⁹Акбарова З.А. Ўзбек тилида мурожаат шакллари ва унинг лисоний тадқиқи: Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 2007. – 136 б.

²⁷⁰Эрназарова М.С. Грамматик маъно лисоний ва прагматик омиллар яхлитлигида // Фил.фанлари доктори (DSc) дисс... – Самарқанд, 2018.

"парда ичига олинган", беозорлаштирилган, юмшатишган образли ифодасидир²⁷¹.

Эвфемизмлар супернутк катлам бўлса-да, унинг воқеланиши бевосита лисоний омилларга боғлиқ. Эвфемизм дастлаб лисоний воситалар ҳамкорлиги орқали рўёбга чиқади. Эвфемизмда гендер маъно воқеланишида лексик, морфологик ва синтактик омилнинг ўрни бор. Масалан, аёлга хосланган “дунёга келтирмоқ” (“туғмоқ”) эвфемизмининг юзага келишига хизмат қилаётган лисоний омиллар саналувчи лексемалар, яъни “дунё” ва “келтирмоқ” ҳамда *-га* грамматик кўрсаткичи сўз бирикмасининг грамматик тўғри шаклланиши учун бир-бирини тақозо этипти. Чунки лисоний бирлик бирикиш-бириктириш имкониятига эга, зеро, луғавий валентлик бириктирувчи лексеманинг маъновий жиҳатдан ўзига мос бирикувчиларни танлар экан, “туғмоқ” маъносини англатиш учун *дунё* лексемаси “келтирмоқ”ни ўзига тортади.

Бу ўринда синтактик валентлик ҳам муҳим роль ўйнамоқда. Яъни синтактик валентлик лексема валентлигининг иккинчи томони, у ҳоким мавқедаги лексеманинг тобе лексемани ўзига тобелаш учун унинг маълум бир синтактик шаклда – келишик, кўмакчи, равишдош, сифатдош кўшимчасини олишини талаб қилади. Бу ҳоким лексеманинг синтактик мавқеи, грамматик шакли томонидан белгиланади. Мисолимизда *-га* жўналиш келишиги ҳам “келтирмоқ” ҳоким сўзининг талаби билан эвфемик маъноли сўз бирикмасини шакллантириб келяпти. Ёки “никоҳни бузмоқ” эвфемизмида ҳам икки лексема лисоний структура талаби билан ўзаро бирикиб, сўз бирикмаси ҳосил қилган. “Ажралиш” маъносини юмшатиб келаётган эвфемик бирикма таркибидаги ҳоким сўз – “бузмоқ” тобе сўз – “никоҳ” лексемасининг тушум келишигида келишини тақозо этипти. Кўриниб турибдики, эвфемизмни ҳосил қилишда лисоний омиллар муҳим ўрин тутаяди.

²⁷¹Омонтурдиев А.Ж. Профессонал нутк эвфемикаси (чорвадорлар нутқи мисолида): Филол.фанлари д-ри...дисс. – Т., 2009.

Демак, грамматик шаклланаётган сўзнинг луғавий маъноси морфологик кўрсаткичнинг маъносини парчалаш, фарқлаш ва воқелантиришда муҳим роль ўйнайди²⁷². Баъзан фонетик омил, баъзан синтактик, баъзан лексик, гоҳида матний омилнинг роли кучайиб, бу бошқаларининг сусайишига сабаб бўлади. Кучайиш ва сусайиш зиддият асосида бўлмай, ҳамкорлик тамойилига бўйсунди. Уларни нутқ шароитига мослаб, юмшоқроқ ва оммабоп қилиб етказа олиш сўзловчидан ҳам лисоний, ҳам нутқий компетенцияни талаб қилади.

Эвфемизмларда гендер маънонинг воқеланишида лисоний ва прагматик омиллар ҳамкорлиги. Ҳар бир киши муайян мулоқот вазиятида ўз мақсадига мувофиқ равишда кўплаб вариантдош тил ҳодисаларидан айти шу вазият учун мосини танлаб қўллаш малакасига маълум даражада эга. Лекин улар қандай нутқий вазиятда, кимга нисбатан ишлатилиши, қандай самара бериши жиҳатидан кескин фарқланади. Бунда сўзловчининг ушбу шароит, вазият учун камроқ куч сарфлаб, кўпроқ самарага эришишни таъминлайдиган тил бирлигини танлаш лаёқати ишга тушади.

Ўзбек тили ҳодисаларини “нутқ-лисон” тамойили асосида ўрганиш натижасида қўлга киритилган лисоний умумийликларнинг нутқий воқеланишини нолисоний омиллар билан биргаликда тадқиқ қилиш, улардан шахснинг оқилона ва самарали фойдаланиш механизмларини ишлаб чиқиш – прагматик лингвистиканинг асосий вазибаларидан бири.

Ўзи-ўзини ташкил этувчи системаларнинг инсоний омиллар билан қоришган ўзига хос кўриниши бўлган нутқий тизимда лисоний ва прагматик омиллар ҳамкорликнинг юксак даражасида амал қиладики, бир қарашда, улар орасига чегара қўйиш, идрокий асосда уларнинг ҳиссаларини аниқлаш имкони маълум даражада чекланган бўлади.

Нутқда лисоний омиллар сўзловчи томонидан “мажбурий-ихтиёрийлик” тамойили асосида бошқарилади. Масалан, сўзловчи мулоқот интенцияси ва

²⁷² Эрназарова М.С. Грамматик маъно лисоний ва прагматик омиллар яхлитлигида // Фил.фанлари доктори (DSc) дисс... – Самарқанд, 2018.

унинг намояндаси бўлган нутқий интенция асосида тил воситаларидан бирини танлайди ва унга мустаҳкамловчи воситаларни тиркайди – сўз ва грамматик шаклларнинг валентлик имкониятларидан келиб чиққан ҳолда фикрини муайянлаштириш ҳамда ўз мақсадига осонроқ ва қулайроқ эришиш учун фикрий танловни амалга оширади. Албатта, бир вақтнинг ўзида, онг остида ўтиб кетган прагматик омилларни инобатга олиш ва уларни ҳам ўз ўрнида "ишлатиш" компетенциясига таянади. Натижада, лисоний ва прагматик омилларнинг уйғунлигига эришилади²⁷³.

Эвфемизмнинг нутқий воқеланишида лисоний омиллар ранг-баранг, (лексема, тобе ёки ҳоким сўзшакл, услуб талаблари), уларга прагматик табиатли омиллар (лисоний прагматик омиллар (сўзловчи ёки тингловчи шахснинг турли сифатлари), нолисоний прагматик омиллар) ҳамкорлигида система унсури ролининг кучайиши ёки кучсизланишини айрим далиллар асосида тавсифлашга ҳаракат қиламиз. 1. *Биттага қаноат қилмаслик – шайтоний ҳирсдир, болам* (газетадан). Ушбу мисолда хотинбоз, бузук, кўп хотинлар билан айш-ишрат қиладиган ахлоқсиз эркак *биттага қаноат қилмаслик* эвфемизми орқали ифодаланган. Эвфемик бирликнинг тобе қисми (биттага) отлашган сон билан, тобе қисми қўшма феъл (қаноат қилмаслик) билан ифодаланган. Натижада сўз бирикмаси шаклидаги эвфемизм ёши катта одамнинг насиҳатида ўз аксини топиб, сўзловчининг юқори маданиятини кўрсатяпти. Нутқий вазиятнинг кескинлашиб кетмаслиги ҳам сўзни тўғри танлаб ишлатишга боғлиқ, албатта. Шу фикр дисфемик тарзда берилса, сўзловчи ва тингловчи орасида тушунмовчилик бўлиши, турли низо келиб чиқиши мумкин.

Тунги капалакларни жазолаш керак (интернетдан). Бу мисолдаги *тунги капалак* “фоҳиша, танасини сотиб, кун кўрадиган бузук аёл” маъносида кўлланилиб, эвфемик характер касб этади. Бундай эвфемик маъно ҳам лисоний, ҳам нолисоний омиллар ҳамкорлигида юзага чиққан. *Фоҳиша*

²⁷³ Ernazarova M. Lug‘aviy shakl hosil qiluvchilar grammatik ma’noning voqelanishidagi o‘ziga xosliklar // O‘zbek tili va adabiyoti .– 2014, №2. –110-bet.

маъноси билан айнан *тун* ва *капалак* сўзларини боғлаш лексемани тўғри танлай олиш бўлса, унда ифоданинг юмшоқ тарзда маъно ифодалаш прагматик омиллар билан боғлиқ. Капалакнинг кўнимсизлиги, умрининг жуда қисқалиги (бир кун!) каби хусусиятлари аёл (қиз) жинсига кўчирилиб, салбий одатларни ифодалашга ўтиши унга эвфемик маъно юклаган. Айнан *тун* сўзини танлаш эса одобсиз аёл (қиз)ларнинг кечки пайт “ов”га чиқишига ишора. Бу ифодада эвфемик маъно ана шундай ўхшатиш орқали рўёбга чиққанки, у лисоний ва прагматик омилларнинг узвийлигини, бири иккинчисини тўлдиришини таъминлайди.

Энди гулингни алвасти чол сўлдиради (Р.Узоқова. Сайланма). Маълумки, *гул* лексемаси *очилмоқ* ва *сўлмоқ* феълларини ўзига тортади. Ўзбек мулоқотида бокира қиз *гулга* ўхшатилади. Сўз бирикмасидан иборат *гулини сўлдирмоқ* эвфемизмида “мажбурлаб, қизлигини олмоқ, бадном қилмоқ” каби маънолар ифодаланган, унинг воқеланиши лисоний ва прагматик омиллар ҳамкорлигига боғлиқ. Прагматик омилларда етакчилик қилувчи шахс ва вазият омили таъсирида нутқда эвфемизмга эҳтиёж сезилган.

Бу сафар ҳам “тайёр нарса”ни ташлаб кетгиси келмади. Уни уйига – Чорсуга кузатиб борди (Ў.Ҳошимов. “Нур борки, соя бор”). Мисолдаги *тайёр нарса* эвфемизми “ўйнаш, эркаклар билан ноқонуний яшаб, яна бошқасига илакишиб кетадиган аёл, фоҳиша” маъносида қўлланган. Нарса сўзи аёл (қиз)га нисбатан салбий маънода ишлатилган. Сўзни тўғри танлаш лексик омилга, уни сўз бирикмаси сифатида шакллантириш синтактик омилга, грамматик шаклларни қўллаш морфологик омилга боғлиқ бўлса, уни нутқий вазият ва шахс омиллари нуқтаи назаридан мувофиқ қўллаш прагматик омилга бевосита алоқадор.

Кўринадикки, коммуникатив интенция фаоллик қилиб, сўзловчи ўз мақсадига эришиш учун бир вақтнинг ўзида прагматик омилларга бўйсуниб билан бирга, уларни усталик билан ўзига мослашга ҳаракат қиладиган ўринларда лисоний воситаларга ҳам устуворлик берилади.

Учинчи боб бўйича хулоса

1. Эвфемизмда гендер маънонинг воқеланишида шахс ва вазият омили – етакчи унсурлардан. Зеро, шахснинг нутқий ҳолати вазият, савия, ижтимоий мавқе, ёш ва ҳаётининг тажриба каби кўринишлардан иборат, уларнинг ҳар бири лисоний бирликнинг нутқий воқеланишига таъсир кўрсатади.

2. Эвфемизмда гендер маънони ифодалашда тил ва маданият алоқаси – муштарак ҳодиса. Таҳлиллар лингвокультурологик ёндашув эвфемиянинг турли тилларда миллий-маданий ўзига хослигини кўриб чиқишга имкон яратишини кўрсатди.

3. “Эркаклик” ва “аёллик” – маданий қиррага ҳам эга концепт. Инсон эркак ёки аёл бўлиб туғилади, кейинчалик уларда маданият таъсирида маскулинлик ва фемининлик хусусиятлари шакллана боради. Кичик тадқиқотимиз натижасида ўзбек эркаклари онгида аёллик стимулига бўлган муносабат, биринчи навбатда, *сабрлик*, *вафодорлик* каби сўзлар билан, аёллар онгида эса эркаклик стимулига бўлган муносабат *ботирлик*, *вазминлик* каби сўзлар билан боғлиқлигини кузатдик.

4. Ўзбек тили эвфемизмларида гендер маъно воқеланишида мулойимлик тамойили етакчи ҳисобланади. Маълумки, муносабатларнинг хушмуомалалик категориясида одоб-ахлоқ, ўзини тутиш, мулозаматлилик, камтарлик, ширинсўзлик сингари қоидаларга риоя қилинади.

5. Эвфемизм супернутқий қатлам бўлса-да, унинг воқеланиши бевосита лисоний омилларга боғлиқ. Эвфемизм дастлаб лисоний воситалар ҳамкорлиги орқали рўёбга чиқади. Эвфемизмда гендер маъно воқеланишида лексик, морфологик ва синтактик омиллар ҳамкорлиги шубҳасиз.

6. Мулоқотда коммуникатив интенция фаоллик қилиб, сўзловчи ўз мақсадига эришиш учун бир вақтнинг ўзида прагматик омилларга бўйсуниб билан бирга, уларни усталик билан ўзига мослашга ҳаракат қилади ва кўп ўринда лисоний воситаларга ҳам устуворлик берилади. Демак, эвфемизмда гендер маънонинг воқеланишида лисоний ва прагматик омиллар ҳамкорлиги муҳим жиҳат саналади.

ХУЛОСА

1. Эвфемизм – ижтимоий, тарихий-этнографик ҳодиса, эвфемизация тил ва тафаккур каби қадимий ва ривожланувчи, ўзида янгилашиш ва эскиришни акс эттирадиган жараён.

Эвфемизм илдизлари ибтидоий онгнинг, яхшилик ва ёмонлик тушунчаларининг пайдо бўлиши, борлиқнинг илоҳийлаштирилиши, рух тушунчасининг пайдо бўлиши, кўчиб юриш, ҳайвонларга сиғиниш, умуман, тотемик, мифологик тасаввурларга бориб тақалади.

2. Табу ва эвфемизм ибтидоий дин, онг даражаси ривожланмаган одамларнинг ғайритабиий дунёқараши, хурофот, бидъат, расм-русумлар таъсирида пайдо бўлган эскилик қолдиқлари эмас ёки табу фақат ибтидоий жамоа даврида, одамзоднинг онги у қадар юксалмагани туфайли пайдо бўлган ҳодиса эмас. Эвфемизм фақат кўркиш, бидъат сабабли табу қилинган сўз ўрнидагина эмас, балки нутқ маданиятига эришиш, сўзловчи фикрини суҳбатдошга силлиқ етказиб беришини таъминлаб берувчи омил ҳамдир. Табу сўзлар маъносини ёпиш учун хизмат қилувчи эвфемизмлар маданийлашган нутқнинг энг биринчи омилларидан бири.

Ўзбек тили эвфемизмларни вужудга келтирадиган омиллар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: 1) кўркув; 2) ирим; 3) ижтимоий-сиёсий-маънавий-иқтисодий шароит; 4) шахсий омил.

3. Гендер – ижтимоий жинс, инсоннинг жамиятдаги хулқ-атвори. Бу – аёл ва эркак жиҳатини ўрганадиган ижтимоий меъёр. Баъзида гендер “эркак” ва “аёл” тушунчалари синоними сифатида ҳам қўлланади. Гендер – икки жинс вакиллари хулқ-атворининг аниқ стандарти. Ўзбек тилида эвфемизмлар гендер хосланганлиги билан характерланади.

4. Эвфемизм табу сўзлар ҳамда айтилиши ноқулай бўлган тушунчалар номини юмшатиб ифодалаш эҳтиёжи туфайли вужудга келган. Демак, эвфемизмнинг пайдо бўлиши бир қатор прагматик омилларга боғлиқ ҳодиса. Сўзловчи эвфемизмдан фойдаланишининг асосий стимули – хушхулқлик.

5. Ўзбек тилида хушхулқлик тамойили нуқтаи назаридан гендер эвфемизмларини қуйидагича гуруҳлаш мумкин: а) аёллар ва эркаклар нутқида ифодалаш ноқулай бўлган тушунчаларни суҳбатдошнинг кўнглига тегмайдиган бирликлар орқали қўллаш; б) турли жисмоний камчиликларни ифодаловчи гендер эвфемизм; в) аёл ва эркакнинг ахлоқий, эмоционал ва интеллектуал сифатларини англатадиган эвфемизм; г) аёллар ва эркаклар жисмоний ҳолатини билдирадиган эвфемизмлар.

6. Тилдаги ҳар бир ҳодиса маълум бир тил сатҳига дахлдор. Эркак ва аёл нутқи ўзига хос хусусиятларга эгаки, улар тилнинг фонетика, лексика ва грамматика сатҳларида кузатилади. Ўзбек эркак ва аёл нутқи аҳамиятли фарқларга эга. Улар бир хил тил бирликларидан фойдаланишса-да, аммо семантик, стилистик, шакл ясовчи ифода ва тасвир воситалари турлича.

7. Тилшуносликдаги гендер йўналишининг асосий жиҳати – аёл ва эркак нутқини фарқлашга қаратилгани билан бир қаторда бу икки жинс вакили тилидаги фикр ифодалашнинг новербал усуллардан ҳам фойдаланишда фарқлар сезилиши кузатилади. Новербал нутқ имо-ишора, мимика, жестикуляция, суҳбатдош ҳаракати, манералари, нутқий вазият ва шу жараёнлар билан боғлиқ оҳанг каби экстралингвистик ёки паралингвистик воситалар билан иш кўради. Эркак ва аёл нутқининг айрим ўхшаш жиҳатлари мавжудлиги борки, бу тил бирликларининг умумийлигини кўрсатади.

8. Эвфемизмнинг гендер маъно ифодалаш мурожаат шакллари мисолида ҳам ўз аксини топади ва бу нутқий одоб тамойилларини кўрсатувчи ойна вазифасини ўтайди.

9. Тил воситаларини прагматик тадқиқ қилиш бир қанча омиллар билан боғлиқ, бу омиллар қуйидагиларда намоён бўлади: 1) шахс омили; 2) нутқий вазият; 3) нутқ шароити; 4) нутқ пайти; 5) нутқ ўрни. Эвфемизмларда гендер маъно воқеланишида мана шу омиллардан шахс ва вазият омили етакчилик қилади.

10. Тилда мавжуд бўлган ҳодисалар – мақол-матал, фразеологизм, тасвирий ифода, ўхшатиш, шу жумладан, тадқиқот объекти бўлган эвфемизм ҳосил бўлиши ўша халқнинг тарихи, этногенези, маданияти ва тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ. Шу маънода, эвфемизмда гендер маъно воқеланишида лингвокультурологик омилнинг ўрни катта.

11. Ўзбек тили эвфемизмлари эркак ва аёлларга хос хусусиятларни – ташқи кўриниш, характер, физиологик ҳолат, табиатни – бирдек ифодалаши билан характерланади. Биз эвфемизм фақат аёл тилида ва уларга хосланган дейишдан йироқмиз. Таҳлиллар натижасида эркакка хос эвфемизм мавжудлиги шундай хулоса ясашга тўртки бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар

I. Меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Давлат тили ҳақида. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида” ги Қонун матнлари, қонун ости ҳужжатлар, қонунни амалга ошириш йўлидаги муаммо ва ечимлар. Ўқув қўлланма-мажмуа. –Тузувчи: Н.Жумахўжа. –Тошкент: Фан, 2008. – 75 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги Қарори // Халқ сўзи, 2017 йил, 29 июль.
3. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида // Халқ сўзи, 2017 йил, 8 февраль, №28 (6722). – Б. 1-2.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги фармони // www.xabar.uz

II. Ижтимоий-сиёсий адабиётлар:

5. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.
6. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015.– 304 б.
7. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз//Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимида киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – 56 б.
8. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.
9. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 48 б.

Ш.Илмий адабиётлар:

10. Абдурахмонов Х., Махмудов Н. Сўз эстетикаси. – Тошкент: Илм, 1981. – 49 б.
11. Арутюнова Н.Д. Предложение и его смысл. – Москва, Наука, 1976. – С.47.
12. Босчаева Н.Ц. Контекстуальная эвфемия в современном английском языке. – Ленинград: Наука, Ленинградское отд., 1989. -130 с.
13. Вильданова Г.А. Эвфемия и принцип вежливости в современном английском языке: гендерный аспект.– Москва-Берлин: Директ-Медиа, 2015.–162 с.
14. Дейк ван Т.А. Язык. Познание. Коммуникация. – Москва: Прогресс, 1989. – 312 с.
15. Гидденс Э. Социология. - Едиториал УРСС, 1999. – С.15.
16. Каган М.С. Мир общения. – Москва: Политиздат, 1988. – 138 с.
17. Камолова М. Особенности формирования коммуникативной компетенции при обучении культуре узбекской учащихся лицеев с русским языком обучения. – Тошкент, 2004.
18. Кацев А.М. Эвфемизмы в современном английском языке. – Ленинград: Наука, 1977. - 65 с.
19. Кацнельсон С.Д. Типология языка и речевое мышление. – Ленинград: Наука, 1980. – С.3-30.
20. Кирилина, А.В. Гендерные исследования в лингвистических дисциплина. – Москва, 2005. – 155 с.
21. Куркиев А.С. О классификации эвфемистических названий в русском языке. Классификация эвфемизмов по порождающим мотивам [Текст] / А. С. Куркиев. – Грозный, 1977. – С. 105-115.
22. Кўчибоев А. Матн прагматикаси. – Самарқанд, 2015. – 185 б.
23. Леонтьев А.А. Психология общения. – Тарту, 1973. – 208 с.
24. Махмудов Н. Тил. – Тошкент: Ёзувчи, 1998. – 40 б.

25. Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2010. – 127 б.
26. Москвин В.П. Эвфемизмы в лексической системе современного русского языка [Текст] / Василий Павлович Москвин. 2-е изд. – М.: Ленард, 2007. – 264 с.
27. Нурмонов А. Ўзбек тилининг паралингвистик воситалари ҳақида. – Андижон, 1990.
28. Омонтурдиев А.Ж. Профессионал нутқ эвфемикаси. – Тошкент: Фан, 2006. – 204 б.
29. Омонтурдиев Ж., Омонтурдиев А. Сўз қўллаш санъати. – Тошкент: Жайхун, 1995. – Б.61.
30. Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Ҳ. Ўзбек тили стилистикаси.–Тошкент: Ўқитувчи, 1983.–283 б.
31. Сафаров Ш. Система речевого общения. Универсальное и этноспецифическое. – Самарканд, 1991. – 170 с.
32. Сеничкина, Е. П. Эвфемизмы русского языка [Текст]. – Москва: Высшая школа, 2006 . – 151 с.
33. Содиков А., Абдуазизов А., Ирискулов М. Тилшуносликка кириш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1981. – 266 б.
34. Сигал, К. Я. Синтаксические этюды / К. Я. Сигал. – Москва: Академия гуманитарных исследований, 2006. – 156 с.
35. Тешабаева Д.М. Культура составления деловых писем в торговой сфере. – Ташкент, 2008. – 112 с.
36. Шомақсудов А. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1985. – Б.78-80.
37. Щерба Л.В. Языковая система и речевая деятельность. – Ленинград: Наука, 1974. – 428 с.
38. Ўринбоев Б. Ўзбек тилининг сўзлашув нутқи масалалари. – Тошкент: Фан, 1975.

39. Қиличев Э. Ўзбек тилининг практик стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1985. – 64 б.
40. Қурбонова М., Йўлдошев М. Матн тилшунослиги. – Тошкент: Университет, 2014. – 116 б.
41. Қўнғуров Р., Бегматов Э., Тожиев Э. Нутқ маданияти ва услубият асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 160 б.
42. Қўнғуров Р. Ўзбек тили стилистикасидан очерклар. – Самарқанд, 1975. – 240 б.
43. Қўчқортоев И. Бадиий нутқ стилистикаси. – Тошкент: Фан, 1975. – 96 б.

IV. Илмий мақолалар:

44. Арутюнова Н.Д. Метафора и дискурс // Теория метафоры. – Москва: Прогресс, 1990. – С.5- 32.
45. Аскольдов С.А. Цит.по: З.И. Журавлёва. Концепт в лингвокультурологии //II Международная научная конференция «Язык и культура». – Москва: Институт иностранных языков, 2003. – С. 261-262.
46. Богданов В.В. Функции вербальных и невербальных компонентов в речевом общении // Языковое общение: единицы и регулятивы. – Калинин, 1987. – С.18- 25.
47. Баскаков Н. А. Пережитки табу и тотемизма в языках народов Алтая // Советская тюркология. – Баку. 1975. № 2. – С. 3–7.
48. Бушуй А.М. Проблематика теории речевой деятельности в интерпретации А.С.Супруна // Русский язык и литература в школах Кыргызстана. – Бишкек, 1999. №5 – 6. – С.143- 155.
49. Бушуй Т.А. Лексическая прагматика как общелингвистический объект // Хорижий тил таълимининг когнитив-прагматик тамойиллари. – Самарқанд, 2007. – Б.35 - 40.
50. Грайс Г.П. Логика и речевое общение // Новое в зарубежной лингвистики. Вып. Лингвистическая прагматика. – Москва: Прогресс, 1985. – С.217 – 237.

51. Ергазиева Н.И. Взаимосвязь прозвищ табу и эвфемизмов в казахском языке// Ономастика Узбекистана.–Тошкент, 1989.– С.120.
52. Земская Е.А., Китайгородская М.А., Розанова Н.Н. Особенности мужской и женской речи // Русский язык в его функционировании. – Москва, 1993. – С.90-136.
53. Иброҳимов С. Ўзбек тили нутқ маданиятига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. 1964. №5. – Б.20 - 23.
54. Искандарова Г. Болалар мулоқот хулқининг гендер ва лингвокультурологик хусусиятлари // ЎЗМУ хабарлари. – Тошкент: Университет, 2015.–№1/2.–Б.200-203.
55. Искандарова Г. Гендерные и лингвокультурологические особенности детской речи // Гуманитарные науки в XXI веке: человек, общество, глобальный мир. Материалы международной научной конференции, посвященной 70-летию ТНИИЯЛИ – ТИГИ.– Г.Кызыл, 2015. – Стр. 507-514.
56. Iskandarova G. The Role of Linguoculturological Factors in Childrens' Communication // International Journal of Central Asian Studies Volume 19. – Korea, 2015. – P. 163-180.
57. Кирилина А.В. Гендерные исследования в отечественной лингвистике: проблемы, связанные с бурным развитием // Гендер: язык, культура, коммуникация. – М., 2002. – С.54-56.
58. Кирилина А., Томская М. Лингвистические гендерные исследования // Отечественные записки. Журнал для медленного чтения.– Москва: Высшая школа экономики, 2012.– С.52.
59. Курбанова М. Тилшуносликда гендер тадқиқотлар//Ўзбек тилшунослиги мамлакатимиз инновацион тараққиёти кўзгусида//Республика илмий-назарий анжумани материаллари. (ҳамкорликда).–Тошкент, 2012. – 69-71.
60. Курбанова М. Ўзбек тилида дискурсининг гендер хусусиятлари//Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари// Республика илмий-назарий анжумани материаллари. –Тошкент, 2012. – 85-89.

61. Крысин Л.П. Речевые общение и социальные роли говорящих // Социально-лингвистическое исследование. – Москва: Наука, 1976. – С.42- 52.
62. Крысин Л.П. Эвфемистические способы выражения в современном русском языке / Л.П. Крысин // Русский язык в школе.–Москва, 1994. – № 5. – С. 76-82.
63. Ларин, Б.А. Об эвфемизмах [Текст] // Учен. зап. Ленингр. ун-та, № 301: Сер. филол. Наук : Вып.№ 60– Ленинград: ЛГУ, 1961.–С. 110-124.
64. Лазаревич Е.М. Употребление эвфемизмов с функцией политкорректности в публицистических текстах (на материале английского языка)// Вестник Томского государственного университета. –2014. №378. –С. 25–29.
65. Малыгина Е.Н. Характеристика эвфемизмов медицинской речи в художественных текстах русской литературы XIX-XXI вв.//Вестник СамГУ. –2006. №10/2 (50). – С. 35-41.
66. Пушкарева Н.Л. Гендерные исследования: рождение, становление, методы и перспективы в системе исторических наук // Женщина. Гендер. Культура.– М., 1999. – С. 15-34.
67. Серль Дж.Р. Косвенные речевые акты // Новое в зарубежной литературе. – Москва: Прогресс, 1986.
68. Франк Д. Семь грехов прагматики: тезисы о теории речевых актов, анализе речевого общения, лингвистике и риторике // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. XVII. Теория речевых актов. – Москва: Прогресс, 1989. – С.363 – 373.
69. Хасанова Х. Фоностилистикада экстралингвистик омиллар. // Наука XXI века.– 2018. № 9.
70. Шамсиддинов Ҳ. Сўзларнинг эвфемик функционал-семантик синонимлари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1997. 6-сон. –22-б.
71. Эрназарова М. Луғавий шакл ҳосил қилувчилар грамматик маънонинг воқеланишидаги ўзига хосликлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2014, №2. – 110-б.

72. Якубина, Т.А., Синельников Ю.Г. Эвфемизмы как фактор реализации принципа вежливости в языке женских изданий (на материале французского языка. –Тамбов: Грамота, 2010. № 1. – С. 233-235.

V. Диссертациялар ва диссертация авторефератлари:

73. Авезджанова Р.М. Обучение русскому речевому этикету студентов национальных групп педвузов: Автореф. дисс... канд. пед. наук. – Ташкент, 1991. – 24 с.

74. Адонина Л.В. Концепт "женщина" в русском языковом сознании: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Воронеж: 2007. – 23 с.

75. Акбарова З. Ўзбек тилида мурожаат шакллари ва уларнинг лисоний тадқиқи. Филол.фан.ном...диссер. – Тошкент, 2007. – 175 б.

76. Акбарова М.И. Ўзбек ва инглиз тилларида атоқли отларнинг лингвомаданий хусусиятлари // Магис.дисс.. – Тошкент, 2015. -85 б.

77. Аҳмедова Н. Ўзбек тилида мурожаат бирликларининг семантик-коннотатив тадқиқи., Филол.фан.ном...диссер. – Тошкент, 2008. – 180 б.

78. Баскова Ю.С. Эвфемизмы как средство манипулирования в языке СМИ (на материале русского и английского языков) //дисс...кандидата фил. наук. – Краснодар, 2006. – 26 с.

79. Белик Е.В. Лингвокультурологические особенности лексики и фразеологии современного английского языка (на материале лингвокультурологического поля «мужчина и женщина» // Автореф. ... дис. канд. филол. наук.– Москва, 2003. – 23 с.

80. Васюк В.В. Концент «женщина» в статике и динамике фразеологии английского языка. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. –Москва, 2002. – 24 с.

81. Ибрагимова Р.С. Француз ва ўзбек тилларида аёл концептининг лингвокогнитив тадқиқи // Фил. фан.ном. дисс...автор. – Тошкент, 2012. – 48 б.

82. Искандарова Ш. Ўзбек нутқ одагининг мулоқот шакллари.// филол.фанл.номзоди...дисс.автореф. – Самарқанд, 1993. – 35 б.
83. Исмагуллаев Н. Эвфемизмы в современном узбекском языке: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1963. – 19 с.
84. Кацев Н.И. Эвфемизмы в современном английском языке: Автореф. дисс. ...докт.филол. наук.–Ленинград, 1977.– 21 с.
85. Маматов А.Э. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари: Филол. фанлари д-ри... дисс. – Тошкент, 1999. – 202 б.
86. Милоенко Е.О. Специфика функционирования эвфемизмов в индивидуальном лексиконе// дисс...кандидата фил. наук. – Курск, 2009. – 24 с.
87. Мухутдинова Ф.Б. Концепт «Женщина» во французском языковом сознании (на материале афористики): Автореф. ...дис. канд. филол. наук. – Москва, 2006.– 21 с.
88. Мўминов С. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари// филол. фан. д-ри...дисс. автореф. – Тошкент, 2000. – 34 б.
89. Наджапова Н.А. Форс тилида эвфемизм ва табу сўзларнинг функционал ва семантик таҳлили // маг...дисс... – Тошкент, 2013. – 88 б.
90. Насруллаева Н.З. Инглиз ва ўзбек тилларида оламнинг фразеологик манзарасида гендер концептларининг шаклланиши. Док..дис...автореферати. – Тошкент, 2018. – 71 б.
91. Омонтурдиев А. Эвфемик воситаларнинг функционал-услубий хусусиятлари: Филол.фанлари номзоди ... дис.автореф. – Тошкент, 1997. –23 б.
92. Омонтурдиев А.Ж. Профессионал нутқ эвфемикаси (чорвадорлар нутқи мисолида): Филол.фанлари дри...дисс. – Тошкент, 2009. – 252 б.
93. Пяйви Кярккяйнен. Эвфемизмы в русском языке // дип.раб. – Тамперский университет, 2006. – 68 с.
94. Расулов К. Ўзбек мулоқот хулқининг функционал хосланиши: филол. фанлари номз. ...дисс. –Тошкент, 2008. – 118 б.

95. Раҳматуллаева Б.Х. Этикетные формы обращения и привлечения внимания в современном русском языке (в сопоставлении с узбекским): Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1992. – 35 б.
96. Рустамова Д. Метафорик эвфемизациянинг лингвокультурологик ва социопрагматик аспекти: филол. фан. номз. ... дис. автореф., Фарғона, 2018. – 50 б.
97. Саакаян Н.Л. Эвфемия как прагмалингвистическая категория в дискурсивной практике непрямого речевого убеждения// Автореф. дисс... кандидата фил. наук. – Москва, 2010. – 23 с.
98. Саидхонов М. Новербал воситалар ва уларнинг ўзбек тилида ифодаланиши. Филол. фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. – Тошкент, 1993. – 32 б.
99. Сахно, О. С. Фразовая номинация как средство речевой эвфемизации (на материале языка русской художественной литературы XIX–XXI вв.): Автореферат дис. ... канд. филол. наук: 10.02.01
100. Утешева З.Х. Лингвокультурологический аспект в методике обучении речевого этикета на иностранном языке: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 2009. – 26 с.
101. Формановская Н.И. Функциональные и категориальные сущности устойчивых формул общения: Автореф. дисс... докт... филол. наук. – М., 1979. – 25 б.
102. Холманова З.Т. “Бобурнома” лексикаси тадқиқи: Филол. фанлари д-ри... дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – 22 б.
103. Шамсиддинов Х. Ўзбек тилида сўзларнинг функционал- семантик синонимлари: Филол. фанлари д-ри... дисс. автореф. – Тошкент, 1999. – 52 б.
104. Эрназарова М.С. Грамматик маъно лисоний ва прагматик омиллар яхлитлигида // Фил. фанлари доктори (DSc) дисс... – Самарқанд, 2018. – 242 б.
105. Қодирова Х. Абдулла Қодирийнинг эвфемизм ва дисфемизмлардан фойдаланиш маҳорати: филол. фанлари номзоди... дисс. – Тошкент, 2009. – 23 б.

VI. Энциклопедия ва луғатлар:

106. Варбот Ж. Ж. Табу // Русский язык: Энциклопедия. –Москва, 1979.
107. Ковшова, М. Л. Семантика и прагматика эвфемизмов: Краткий тематический словарь современных русских эвфемизмов / М. Л. Ковшова. – М.: Гнозис, 2007. – 320 с.
108. Омонтурдиев А. Ўзбек тилининг қисқача эвфемик луғати. – Тошкент: Фан, 2006. – 178 б.
109. Штернберг Л. Табу // Энциклопедический словарь. –Петербург, 1901.
- Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент: ЎЗМЭ, 2002. – 165 б.
110. Holder R.W. How Not to Say What You Mean: A Dictionary of Euphemisms. – Oxford University Press, 2003. 113 p.
111. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 7-жилд. – Тошкент: ЎЗМЭ, 2004. – б.
112. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. //Биринчи жилд. – Тошкент: ЎЗМЭ, 2006. – 808 б.

VII.Бадий адабиётлар:

113. Саид Аҳмад Қорақўз мажнун. Ҳикоялар. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2013. – 232 б.
114. Аҳмад Лутфи Қозончи Қайнона. // Таржимон: Йўлдош Эшбек – Тошкент: «Мовароуннаҳр», 2004. – 80 б.
115. Мирмуҳсин Меъмор. – Тошкент: “Камалак”, 2014. – 185 б.
116. Тоҳир Малик Шайтанат. 3-қисм. – Тошкент: “Шарқ”, 1997. – 380 б.
117. Ҳошимов Ў. Танланган асарлар. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017. – 320 б.
118. Тоғай Мурод Бу дунёда ўлиб бўлмайдими: Роман, ҳикоялар, мақолалар. — Тошкент: “Шарқ”, 2001. — 208 б.
119. Қаҳҳор А. Анор. – Тошкент: Ғафур Ғулом нашриёти, 2016. – 200 б.
120. Қодиров П. Уч илдиз. – Тошкент: “Камалак” нашриёти. – 447 б.

121. Осим М. Карвон йўлларида. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. – 254 б.
122. Ҳошимов Ў. Нур борки, соя бор. – Тошкент: “Yangiyul Poligraph Service”, 2015. – 260 б.
123. Малик Т. Алвидо, болалик. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2015. – 504 б.
124. Айтматов Ч. Танланган асарлар. Қиссалар. // А.Рашидов таржимаси. – Тошкент: “Шарқ”, 2016. – 656 б.
125. Ҳошимов Ў. Икки эшик ораси. – Тошкент: “Шарқ”, 2018. – 624 б.
126. Чўлпон Кеча ва кундуз. – Тошкент: “Шарқ”, 2016. – 304 б.
127. Нуоров С. Нарвон. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. – 463 б.
128. Ҳошимов Ў. Баҳор қайтмайди. – Тошкент: “Шарқ”, 2005. – 128 б.
129. Малик Т. Номус. – Тошкент: “Давр Пресс”, 2014. – 183 б.
130. Қодирий А. Меҳробдан чаён. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2015. – 328 б.

VIII. Матбуот материаллари

131. Бухоронома // 2013, 23 февраль
132. Жаҳон адабиёти // 2015 йил, 5-сон
133. Оила даврасида // 2013, 14 март
134. Постда // 2004, 14 апрель
135. Постда // 2015, 15 июль
136. Саодат // 2009, № 6
137. Халқ сўзи // 2013, 9 январь
138. Ўзбекистон адабиёти ва санъати // 1989, 30 июнь
139. Ҳуррият // 2018 йил 26 сентябрь

IX. Интернет материаллари, электрон ресурслар:

140. vestnik-samgu Малигина Е.Н. Характеристика эвфемизмов медицинской речи в художественных текстах русской литературы XIX-XX вв.

141. google.com Поплевко А. В. Надольская Е. П. Гендерное различие мужской и женской речи.
142. gramota.net Кулешова Т. А. Фразеологические эвфемизмы английского языка, характеризующие лиц мужского пола // Филологические науки. Вопросы теории и практики.–Тамбов: Грамота, 2014. –№ 2.
143. inde.io Реформатский А.А. Табу и эвфемизмы.
144. istina.msu.ru Агаджанян С.А. Эвфемизмы в системе средств речевого воздействия в коммуникативном пространстве «врач - пациент» (на материале английского языка).
145. main.isuct.ru Троицкая О.Г. Гендерный аспект фонетических исследований [электрон ресурс].
146. moluch.ru Лазаревич Е.М. Прагматический аспект эвфемии [электрон ресурс].
147. medconfer Мамедова К.М., Хаустова Т.Ю. Эвфемизмы в современном русском языке и врачебной практике ГБОУ ВПО.
148. nauchkor.ru Нарышкина Ю. В. Эвфемизация в рамках концепта «женщина/мужчина» // Выпускная квалификационная работа соискателя не
149. protoday.uz Менглиев Б.Р. Тил – миллий ғуруримиз.
150. nauchkor.ru Нарышкина Ю. В. Эвфемизация в рамках концепта «женщина/мужчина» // Выпускная квалификационная работа соискателя не степень бакалавра.– Санкт-Петербург, 2017.
151. sn.ria.ru Кошова М. Эвфемизм в языке – горькое лекарство в сладкой оболочке.
152. cyberleninka.ru Вильданова Г.А. Эвфемизм как средство реализации гендерной вежливости в современном английском языке.
153. cyberleninka.ru Белая Н.В. О проявлении гендерных различий в языке.
154. cyberleninka.ru Миронина А.Ю. Эвфемизм как явление языка и культуры (лингвистический и лингвокультурологический анализ).
155. cyberleninka.ru Романов С.И. Культурная обусловленность эвфемизации речи.

156. cyberleninka.ru Лазаревич Е.М. Использование эвфемизмов с функцией политкорректности в публицистических текстах (на материале английского языка) // Вестник Томского государственного университета. 2014. –№ 378. – С. 25–29.
157. cyberleninka.ru Чжань Чань Эвфемизмы сексуальных отношений в русском и китайском языках.
158. cyberleninka.ru Киуру К.В. Концепты "женственность" и "мужественность" в массовом сознании: кроссгендерное исследование.
159. cyberleninka.ru Герасименко И. Е. Концепты «мужественность» и «женственность» как основа гендерной культуры и ментальности.
160. cyberleninka.ru Романов С.И. Культурная обусловленность эвфемизации речи.
161. <https://www.psychologos.ru> Козлов Н.И. Гендер: чем определяется наш социальный пол?
162. elar.urfu.ru Кочетова Д.А. Невербальная коммуникация как средство изображения гендера в эмоциях женских персонажей (на материале романа Джона Стейнбека «Гроздь гнева») [электрон ресурс].
163. ziyouuz.uz Атаев Ф. Муштарақ илдизлар (Тилимиз ҳақидаги шахсий мулоҳазалар).
164. human.snauka.ru Белобородова А. В. Эвфемизмы тематической группы «физические данные и возможности» / «physical abilities» в русском и английском.
165. www.philology.ru Крысин, Л. П. Эвфемизмы в современной русской речи [Электронный ресурс]
166. www.litres.ru Фрейд З. Тотем и табу.
167. www.twirpx.com Денисова А.А. (ред.) Словарь гендерных терминов. М.: Информация XXI век, 2002. –Стр.5.
168. www.owl.ru/gender Словарь гендерных терминов
169. www.twirpx.com Денисова А.А. (ред.) Словарь гендерных терминов. – М.: Информация XXI век, 2002. – Стр.6.

170. www.psymania.info Берн Ш. Гендерная психология: законы мужского и женского поведения. –СПб.: Прайм-Еврознак, 2008. –318 с.
171. www.psychologos.ru Козлов Н.И. Гендер: чем определяется наш социальный пол?
172. www.owl.ru Горошко Е. Гендерная проблематика в языкознании
173. www.twirpx.com Вильданова Г.А. Гендерный аспект эвфемизации (на материал английского языка)/ ДИС... кандидата филологических наук. – Бирск, 2008. – С.193.
174. www.natural-sciences.ru Пак Л.Е., Косицына И.Б. Гендерные особенности использования лексических единиц // Успехи современного естествознания. – 2013. – № 8. – С. 93-93.
175. www.google.com Чутпулатов М.Ч. Гендерная лингвистика: узбекская мужская и женская речь [электрон ресурс].
176. www.natural-sciences.ru Пак Л.Е., Косицына И.Б. Гендерные особенности использования лексических единиц //Успехи современного естествознания.– 2013.–№8.–С.93-93.
177. www.google.com Нарожная В.Д. Женский и мужской невербальный язык как концепт гендерных исследований: аспекты межкультурного общения [электрон ресурс].
178. www.twirpx.com Вильданова Г.А. Гендерный аспект эвфемизации (на материал английского языка)/ ДИС... кандидата филологических наук. – Бирск, 2008. – С.193.
179. www.pglu.ru Тамбиева К.Т. Гендерный аспект мужской и женской разговорной речи.
180. www.pglu.ru Былкова С. В., Крат В.А. Речь мужчин и женщин: гендерный аспект
181. www.twirpx.com Вильданова Г.А. Гендерный аспект эвфемизации (на материал английского языка)/ ДИС... кандидата филологических наук. – Бирск, 2008.

182. www.twirpx.com Зиновьева Е.С. Языковые механизмы конструирования маскулинности и феминности в дискурсе глянцевого журналов (на материале английского и русского языков)// диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук – Ярославль, 2018. – 24 стр.
183. www.infolex.ru Демьянков В.З. Термин «концепт» как элемент терминологической культуры // Вопросы филологии, 2001. № 1. С.35–47.
184. www.dslib.net Горшунов Ю.В. Прагматика аббревиатуры. – М., 1999.
185. <http://society.polbu.ru> Гидденс Э. Гендер и стратификация

Х. Интернет манбалари

186. <https://theoryandpractice.ru/posts/8521-gender>
187. <https://m.colta.ru>
188. <https://theoryandpractice.ru/posts/8521-gender>
189. <https://fayllar.org>
190. <https://uz.m.wikipedia.org>
191. <https://novainfo.ru/article/2155>
192. <https://uz.m.wikipedia.org>
193. <https://dic.academic.ru/dic.nsf/ruwiki/9380>
194. <https://inde.io/article/1>
195. <http://languagereal.ru/page/evfemizmi-0>
196. <http://www.allbest.ru>
197. <http://iqbol.uz>
198. <http://aniq.uz>
199. <http://muslim.uz>
200. <http://oliysud.uz>
201. <http://kun.uz>
202. <http://fikr.uz>
203. <http://salomatlik.uz>
204. <https://ru.m.wikipedia.org>.